ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ИИЛ, 11 ДЕКАБР, № 50 (3206) ЖУМА

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Авваламбор, шуни таъкидламоғимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юртдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туфайли кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб боряпти. Шуни очиқ айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган Ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан **биринчиси** ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

●

Бундан тўрт-беш йил олдин пахтадан безганимизни ким эсламайди? Бунинг сабаблари нимада эди?

Асосий сабаби шуки, ўзбек пахтасини кимдир қаёққадир олиб бориб, қайсидир нархда кимгадир сотиш пайидан бўларди. Бир эътибор бернинг-а, қанчалар мавҳум бу гаплар! «Кимдир», «қаёққадир», «кимгадир» ва «қайсидир»—яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган савдолар ана шу сўзларда ўз ифодасини топган эди. Биз меҳнатимиз мевасидан ўзимиз баҳраманд бўлолмасдик.

Бугун нафақат меҳнатга, балки меҳнатимизнинг натижасига ҳам ўзимиз эга бўляпмиз. Ўзбек халқи ўз пахтасини ўзи сотиб, фойдасини ҳам ўзи оляпти ва шу тариқа кўзи очиляпти.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланганги, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. **Ўзбек ўзлигига ишона бошлади.** Такрор бўлса-да, айтиш керак: Наврўз тикланганги, ҳайитлар тикланганги жуда савобли ишлар бўлди.

●

«Ўзбекчилик» деган олижаноб тушунча борки, бунга айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар. Ўзбекчилик — миллатчилик дегани эмас. Баъзи иғвогарлар «Каримов халқни миллатчилик йўлига бошламоқда» деган фисқ-фужурларни тарқатиб юрганидан хабарим бор. Йўқ, Каримов ҳам, у суянган **халқ ҳам миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.**

Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади.

●

Бизнинг кўнглимиз кўтарилганининг боиси шуки, халқимиз жипслашиб, бир-биримизга меҳрли, оқибатли бўла бошладик. Шу нарса бизга умид, ишонч ва куч бағишламоқда, тинч-тотув ҳаётга асос бўлмоқда.

Бу жипслик сабаблари ҳаммамизга маълум. Аммо яна бир жиҳат борки, уни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Биз янги ҳаёт қуриш учун бел боғладик, бироқ ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишга тош отиш — гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик.

«Сен—коммунист», «сен — диндор», «сен—кофир» деган кабн ўртага рахна солувчи маломатлар бўлмади. Билардикки, биз ҳаммамиз эски замондан ўсиб чиққанмиз. Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш — ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баробар эканини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик.

●

Республика ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун хом ашё, ёқилғи, ускуна ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, қанд-шакар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни, шунингдек, халқ истеъмоли молларининг кўп хилларини четдан олиб келишга мажбурдир. Бунда у ҳар гал нархларни тўхтовсиз ошириб бораётган монополиячиларнинг оғир шартларига дуч келмоқда.

Шу боисдан корхоналарнинг ва умуман республиканинг молиявий аҳволи ҳамон кескинлигича қолмоқда.

●

Мустақил давлат сифатида биз аввало ўз кучимизга таянишимиз зарур. Агар биз яқин вақт ичида кишиларнинг аҳволини ҳақиқатан яхшилашни, уларга ишонч бағишлашни, республиканинг қудратини мустаҳкамлашни истар эканмиз, мавжуд моддий, молиявий ва сармоя имкониятларини ақл-фаросат билан тасарруф этишимиз шарт. Бор ҳақиқат шундан иборатки, биз ҳамма ишга бир вақтнинг ўзида, бирйўла киришишга, муаммоларнинг ҳаммасини бирваракай ечишга ҳозирча қодир эмасмиз.

●

Маълумки, **ўз миллий пулимиз республика маҳсулот билан таъминланганда-гина ўзининг муайян кучига ва нуфузига эга бўлади.** Бу пулга нимадир харид қилиш мумкин бўлсагина у ўз қийматини ва харид қобилиятини эгаллайди. Акс ҳолда, у шунчаки қоғозга айланиб қолаверади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлай олмайди ва шу боисдан ҳам биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам бор. Миллий пул олтин заҳираси билангина эмас, айни пайтда эркин савдо муносабатида қатъий валюта билан етарли даражада мустаҳкамланиши ҳам зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни четга сотишимиз натижасидагина келиши мумкин. Бунинг учун биринчи галда маҳсулотимиз рақобатга бардошли бўлиши керак. Бизда бундай имконият борми? Афсуски, ҳозирча йўқ. Биз корхоналарнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

●

Барча имкониятларимизни ва ижро этилаётган шартномаларимизни батафсил ҳисоблаб чиқиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг таъминоти масаласи янаги йилнинг май — июнь ойларига қадар етадиган даражада ҳал этиб қўйилган. Бу масалада ортиқча ташвишга ўрин йўқ.

●

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси — зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. У жаҳон майдонида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради.

●

Аввал айтиб ўтганимдек, 1992 йил биз учун жуда оғир келди. Бу йил ўзбек пахтаси ярмига ҳам етмайди, деб фол очганлар ҳам кўп бўлди. Ғанимларимиз, Ўзбекистон асосий валюта манбаидан айрилди, деб севиндилар.

Азиз дўстлар!

Дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп. Аммо мақтаниш бўлса ҳам айтиб қўяй, **ўзбек деҳқонига етадигани кам.**

Деҳқонларимиз бу гал ҳам фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистон иқтисоди таназзулга тушади деб «каромат» қилган фолбинларга муносиб зарба бердилар.

Ана шу юксак минбардан туриб, ўз номимдан, ҳукуматимиз ва муҳтарам ноиблар, сизларнинг номингиздан **ўзбек деҳқонлари шаънига яна бир карра офарин айтишни муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.**

Деҳқонни ҳам, чўпонни ҳам, пиллакашу ишчи дўстларимизни ҳам, хуллас мардона меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизни ҳар қанча иззат қилсак оз.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқдан).

Сессия залида

В. МОЛГАЧЕВ суратга олган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла ОРИПОВ шеъри
Мутаваккил БУРҲОНОВ мусиқаси

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

УМИДЛАР ОҚЛАНАЁТИР

Мустақил юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган улкан сифат ўзгаришлари зўр муваффақият билан, кўтаринки кайфиятда ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши билан боғлиқ. Биз сессияда муҳокама этилган масалаларни, халқ ноибларининг чиқишларини кўриб, кузатиб юракдан севиндик. Севинчимизнинг бош сабаби халқ ноибларининг ҳукумат ва Президентимиз билан якдил, ҳамфикр бўлиб, ҳамкорликда иш олиб борганлигидир. Мана шу аҳиллик мустақил Ўзбекистонимизни оғир иқтисодий қийинчиликдан олиб чиқишда етакчи омил бўлади, десам янглишмайман.

Қардош Тожикистонда юз бераётган қонли ҳодисалар биз навоийликларни ҳам ниҳоятда ташвишга солиб келаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда мана шу масала бўйича қилган чиқишлари бизни ғоятда умидлантирди ва биз яна бир марта юртбошимизнинг узоқни кўра биладиган доно сиёсатчи эканликларига амин бўлдик. Дарҳақиқат, мамлакат ҳаёти кўп жиҳатдан унинг раҳбарига — раҳбарнинг бир сўзли, қатъиятли ва кучлилигига боғлиқ.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
Навоий

ОЛТИ МАРТА ОВОРА

Қадрли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги таҳририяти. Мен бир мухлисингиз сифатида лоқайд обуна қилувчилар тўғрисида ёзмоқчиман. Газетангизни анча йилдан буён бирон йил ҳам қолдирмай олиб ўқиб келаман. Бу йил ҳам Наманган шаҳридаги 4-почтахонага обуна бўлиш учун бордим. Очиғи, тез орада она бўладиган эдим. Почтахонада ишлайдиган рус аёлга «Аҳволимни кўриб турибсиз, кейинги ойга қолса келолмаслигим мумкин» деб ёлвордим. Лекин у қулоқ солмади. Уйга қайтдим. Кекса қайнанам мен учун марказий почтахонага чиқиб кетдилар. У ерда эса обуна қиладиган аёл соат 15 дақиқа кам 11 да ишга келиб, 11 да тушликка чиқиб кетибди. Улар шунчалик лоқайд бўлишадими? Обуна бўлиш учун кекса қайнанам ва мен наҳотки 6 марта овора бўлсак.

Газетангизни яхши кўраман. Шу сабабли уларнинг сансоларликларига чидаб 6 марта қатнадим. Агар мажбур қилишганда ҳам қайтиб бормасдим. Қайнанамга ялиниб, у кишини овора қилмасдим. Энди мени ўйлатаётган нарса, кейинги йилда ҳафталикни ўз вақтида ололармиканман. Бу хатим баъзи лоқайд хат-хабар ташувчиларга туртки бўлар, деб умид қиласман.

Муаттар ҚУРБОНОВА
Наманган шаҳри

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан кўп йиллик ҳалол меҳнати, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

МУМИНОВ Теша Ҳусанович — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актёри, Тошкент шаҳри.

ҲАМИДОВ Рустам Мухсинович — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг бош режиссёри, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

АБДУҚОДИРОВ Ҳалилжон Ҳамиджонович — Навоий номидаги Ўзбек давлат Академик катта театрининг хонандаси, Тошкент шаҳри.

АҲМЕДОВ Файзулло Турғунович — Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёри, Тошкент шаҳри.

НИЗОМУТДИНОВА Фильруда — «Баҳор» ансамблининг репетитори, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

ДАДАЖОНОВА Дилшодхон — Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Қутлаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камолга **«Ўзбекистон халқ шоири»** унвони берилди. Газетамиз таҳририяти ва кўп минг сонли муштарийлари номидан севимли шоиримизни бу юксак унвон билан қутлаймиз.

1993 ЙИЛ — ХУЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ЙИЛИ

Таваллудига 900 йил тўлиши муносабати билан 1993 йил туркий дунёда улуғ мутафаккир, буюк мутасаввуф ва хассос шоир Хўжа Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. Озарбойжон Республикаси пойтахти — Бокуда ўз ишини якунлаган туркийзабон давлатлар маданият вазирларининг иккинчи кенгаши шу тўғрида қарор қабул қилди.

«Эркаклар рақси хусусида»

ЭРКАК ҲАҚИҚИЙ РАҚСГА БЕПАРВО БЎЛМАЙДИ

Ҳафталикнинг шу йил 30 октябр сонида Қодиржон Қаюмовнинг «Эркаклар рақси хусусида» номли мақоласи чиқди. Бу мавзу бундан 7—8 йил олдин ҳам кўтарилган эди, лекин тўғри таъкидланганидек, изсиз қолиб кетди.

Эркаклар рақси муаммоси шу ишга мутасадди маданият ходимлари томонидан умуман эътиборга олинмаётир.

Қ. Қаюмов айтганидек, бугунги раққосларнинг ҳаракатларида эркакларга хос шижоат, шўхлик, гўзаллик, табиийлик йўқолиб бораётир. Битта жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Н. Шерматовнинг рақслари ҳақидагина ижобий фикрларни айтиш мумкин. Унда ҳам такрорий ҳаракатлар, балет элементлари, нотабиийлик сезилиб туради. Ҳақиқий эркаклар рақсини тиклашимиз учун, туманларда, вилоятларда, кейин республикада рақосларнинг кўрик танловини ўтказиш зарур. Бу вилоят ва жумҳурият ойнаи жаҳони орқали кўрсатиб борилиши лозим. Телевиденеда «Марҳабо, талантлар!» кўригининг қайта тикланганги яхши бўлди. Айниқса, Андижон вилоятининг концерт дастуридаги раққос йигитларнинг чиқишлари мени завқлантириб юборди. Улардан биттасининг «Муножот»га рақсга тушишини кўриб, дилимга ёруғлик инди. Мана шуларни кенг тарғиб қилиш учун хореография билим юртларида, маданият институтида, филармонияларда эркаклар рақсини ўргатувчи бўлимлар очиш керак. Буларга тажрибали мутахассисларни, раққосларни жалб этиш айни муддао.

Яна бир гап. Эркаклар рақси маҳоратини ўрганувчиларга мўлжаллаб, ўқув қўлланмаларини рангли суратлари билан чоп қилиш вақти аллақачон келди.

Мана шуларнинг амалга ошиши ҳақиқий миллий эркаклар рақсини ҳал қилишга ёрдам берган бўларди.

Акмал СУЮНОВ
Сирдарё вилояти

ЎЗИ БИЗДА ЭРКАКЛАР ЎЙНАГАНМИ?

Қодиржон Қаюмов яхши муаммони кўтариб чиқибди. Очиғи, миллий маданиятимизга, нимагадир, тилда куюнамиз, дилда эмас.

Чиндан ҳам рақс миллатнинг маданиятини, тарихини, бугунини ва келажагини қайсидир маънода ифодалаши керак. Ботиний ҳаракатлар орқали томошабинни мафтун эта билиш унинг вазифаси.

Озарбойжон, грузин, арман, ўрис халқлари эркакларининг рақсга тушганини кўриб, рости, завқланаман.

Рақслар, ҳақиқатан ҳам, эркакларга хос ижро этилади. Минг афсуски, бизнинг йигитлар ҳаракатларини муаллиф айтганидек, раққосаларникидан фарқ қилиб бўлмайди. Фақат кўнимларидан ажратиш мумкин. Рақос раққоса эмас-ку, ахир.

Саҳнага чиққанда баъзи раққос йигитлар тўнининг бир енгини киймай чиқишади. Кўпчилик отахонлардан сўраганимда бу нотўғри ишлигини айтишди. У ҳеч қандай маъноси касб қилмайди. Аксинча бу маданиятсизлик, дейишди.

Исоҳор Оқиловни жумҳуриятимизда кўпчилик таниир эди. Бундан бир неча йил муқаддам Риштон тумани маданият уйининг бадиий жамоасини республика танловига тайёрлаш давомида у киши бу ерга келганлар. Уларнинг машқ жараёнларини кўп бора кўрганман. Асосан аёлларнинг ҳаракатлари, нозик карашмалари акс этган ҳаракатларни ўргатгандилар. Ушанда мен «ўзи бизда эркаклар рақси бўлганми?» деб ўйлагандим.

Ушбу сатрларни бир куюнчак газетхон сифатида битдим.

Зайнобиддин ЯНГИТАЛИЕВ
Риштон тумани

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини қишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш куни ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

Ҳаким НАЗИР

ИНСОН ҚЎРКИ

ЁКИ ОДОБДАН ГАПИРИШ УЯТМИ?

ОЛИМЛАР ДАВРАСИДА таълим-тарбия хусусида мунозара борарди. Улардан бирови тарбия жараёнида одоб-ахлоққа кўпроқ урғу бериб гапираётса, бошқа бирови энсаси қотгандай унинг гапини кесиб:

— Сизнингча, болани мўминтойгина қилиб ўстириш керак экан-да, домлажон? — дея истеҳзоли кулди. Даврадагиларнинг анчаси ҳам кулгига қўшилишди.

Ҳайрон қолдим. Агар болани одобга ўргатиб мўминқобил қилиб ўстирилса нимаси ёмон экан? Ахир одам бўлишнинг бисмиллоси одобдан бошланмайдими? Одоби дуруст одамнинг бирон қувлик-шумлик содир этиб, бировнинг дилига озор етказганини кўрганмисиз? Одоб ҳамиша инсон зийнати бўлиб келганмасми?

Алишер Навоий ҳазратларининг одоб ва тавозеъ хусусида нақадар ёниб-куйиб гапирганларини эслайлик: одоб — кичикларни катталар дуосига сазовор этади, одам тарбиясига инсонийлик уруғини сепади, халқлар ўртасида дўстлик ва меҳр-муҳаббатни ривож топдиради ва ҳоказо...

Мен эски мактаб курганман. Ўша вақтдаги домларимиз одоб сабоғини дарснинг бошида ҳам, давомию охирида ҳам шогирд онгига сингдиришни тарк этмаганлар. Шогирдларнинг дарсни ўзлаштиришига баҳо берганда уларнинг хулқларини биринчи ўринга қўйганлар. Дарс ҳозирлашда йўл қўйган хатони кечирсалар-да, бадхулқликни кечирмаганлар...

Ҳа, бизда бадхулқликни кечириш одат тусига кириб қолгани, тийиқсизлик қандай бедаво касалларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Одоб билан андиша ва юзхотирлик ораси бир қадам. Одамнинг пасти-баландини торозу шайнидай яққол кўрсатиб турадиган белги одоб экан. Одобсизда на мурувватга ҳамият ва на диёнатга оқибат бор! Одоб йўқолган жойни андишасизлик, ҳаёсизлик эгаллаб олиб, инсон иззат-ҳурмати топталаётганини, афсуски, қадамда учратяпмиз. Ҳаёсизда вафо, вафосизда ҳаё бўлмайди деганлари шу эмасми? Энг хатарлиси — турмушдаги хунук ҳолларни бепарвогина хаспўшлаб ўтяпмиз, лоқайдликнинг юқумли микробларини танамизга сингдириб юборяпмиз. Бўлмаса роҳат боғларида, пасқам жойлардагинамас, оппа-очиқ кўчаларданям бемалол қучоқлашиб ўпишиб турса, йўлда кетаётган кексаларга салом бериш уёқда турсин, уларнинг олдидан шартта кесиб ўтилса, автобусларда болаликларга жой берилмаса, бировнинг боғидан сўрамай-нетмай мева узилса, бегона эшикни тақиллатмасдан кириб борилса, борингки, аёллар олдида пештаҳам аскиябозлик қилинса, индамай ўтармидик!..

Бозор иқтисодиёти келтириб чиқарган таранглик асабларни қақшатиб, кишилараро муомала, муносабатларни жиддий имтиҳондан ўтказмоқда. Тағин ҳам даврнинг залворли юкини азот кўтариб, қаттиқ бўронлар, довулларга қилт этмай бардош бериб, бу оғирликлардан тезроқ қутулишнинг яқинроқ йўлларини ахтариб, ишонч-иймон билан олға интилаётган кучларимиз бор, шунисигаям шукр қиламиз. Афсуски, қийинчиликларга чидолмай ўзини ўтга-чўққа уриб, енгил йўлларга кириб кетаётганлар, эътиқоду орномусини щамолга совираётганларчи, ундайлар ҳам болалаб кетяпти. Кўчаларни, бозорларни айланинг. Одамларнинг қўпол қилиқлар билан бетгачопарлик қилиб, бир-бирини ҳақоратлагани, аврагани, нинадай нарсадан туядай жанжал чиқарганларини кўрасиз-да, ёпирай, деб ёқангизни ушлайсиз. Яқинда бир дўконда шундай манзара гувоҳи бўлдим: картошка, пиёз тўрхалталарга солиб қўйилган экан, харидорлар халталарни қўлга олиб тикилса, ичида чириганлари кўринди. Харидор чол, чириганларини олиб ташлаб, қолганларини тортиб беришини сўраганди. Сотувчи — башанг кийинган, тилла тишли йигит:

— Бунақаси кетмайди, бобой. Халтани ечиш йўқ,— деди.

— Ия, кўра билатуриб чириган сабзавотни пуллаш инсофга тўғри келадими, болам! — деб чол ажабланганди.

— Ҳозир инсоф модадамас, бобой, — деди масхаралаб сотувчи.

Уларга тикилиб турган, ўнг кўкрагига нишон тақиқлик бошқа бир қария ўзини тутолмай:

— Оғзингга қараб гапир, ҳей бойвачча. Сени биламан, ўқиган йигитсан, наҳотки устозларинг сенга инсофсизликдан таълим берган бўлса! — деб гапга аралашди.

Ҳа, инсоф, диёнатни пучак пулча қадрламай, худодан ҳам, қонундан ҳам ҳайиқмай қўйган бундай бойваччалар орасида ўқимишли одамлар ҳам учраб туриши айниқса ачинарли. Илм олиш бошқаю, одамгарчиликни ўзига юқтириш бошқа эканда. Тўғри, «юракни кенгроқ қилиш керак, қилдан қийиқ ахтараверишни яхшимас» дегувчилар ҳам учраб қолади. Бундайларга айтадиганимиз шу: куппа-кундузи ҳамёнингизни шилувчи, бирни ўнга пуллаб ғирромлик билан халқ ризқини қиювчи ҳаромхўрларни қачонгача аяб қўяверамиз, андиша қилавергинимиз сари, виждонини моғол босган бетавфиқлар ҳаддидан ошяпти-ку. Ахир бу нарса халқ кечираётган иқтисодий тангликларни бир мунча енгиллатиш учун президентимиз, ҳукуматимиз кўраётган чораларнинг таъсирини пасайтириб юбормайдими? Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш сари бутун жабҳа бўйлаб олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимизга путур етказмайдими?

Одамлар нега бунчалик маънавий тубанлашиб кетяпти. Бунга бош сабаб, юқорида айтганимиздай, одобахлоқни бўшаштириб юборганимиздир.

Ҳамма нарса — яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам болаликдан бошланиши турган гап. Биз турғунлик деб аталган даврларда ёшларимизга жасурлик, жанговарлик каби хислатларни сингдиришга кўпроқ эътибор бериб, тарбияда бир ёқламаликка йўл қўйган кўринамиз. Одамдаги самимийлик, раҳмдиллик, назокат, олижанобликдан нафис туйғулар бир қадар сусайиб, ўтмаслашиб қолганга ўхшайди. Бола тарбиясида оила роли, ота-она жавобгарлиги масаласи оғизда тан олинса ҳам, амалда қатъий қилиб қўйилмай келди. Оқибатда бола тарбияси оила билан мактаб ўртасида «тақсимланди»ю ҳар икки томон ҳам тўла жавобгарликдан хориж бўлиб қолгандай сезди ўзини. Бирон ўсмир нотўғри иш қилиб қўйса, бунинг сабабини биров ота-онадан, биров мактабдан кўрадиган бўлди. Ўрта ичида ўсмир ярамас қилиғи учун ўзини жазодан холи сезиб, чўчиш ва ҳайиқиш нималигини хаёлига келтирмайди. Ана шундай масъулиятсиз бир вазиятда ўсиб етишган одамдан яхши хулқларни кутиб бўларканми?

Яқинда бир тўйда бўлдим. Ҳамманям тўйларга етказсину, лекин бу тўй жуда антиқа бўлди. Антиқалиги қўш карнай, қўш сурнай билан бошлангани, данғилламо ҳовлининг уч тарафи оловранг лов-лов гиламлар билан шамалоғдай безатилгани, пир-пир учиб турувчи алвонтус шода-шода электр чироғлар ўрнатилгани, икки томондаги, икки катта каравотни тўлдирган созандалар гуруҳининг навбат билан ким ўзарга машқларни авж олдираётганларида эмас. Саранжом-саришталик, тўкинликни айтинг, бай-бай. Катта ресторанлардагидай қилиб ёзилган дастурхонларнинг камалакранг гуллар, асл ноз-неъматлар, анвойи хил шарбату майлар, ҳатто қазиқарталарга сероблиги, деярли бир хилда кийинган оёғи олти, қўли етти хизматчиларнинг меҳмонларга гиргиттон бўлиб нозик мулозамат кўрсатишлари — ҳамма, ҳамма нарса кишини лол қолдирарли эди. Фақат чекароқда уймалашган болакайлар шовқин-сурон қилиб чиришни бузиб туришарди. Эпчилроқлари катталарнинг индамаганидан фойдаланиб бўш жойларга ўтириб олишган, дастурхондаги нарсалардан тотина бошлашганди. Айни нотиқлар ваъз қилишиб, артистлар хонишни авж олдириб, раққосалар чеккасига пул қистирилиб, бошларидан тахи бузилмаган эллик-тиллик, юзталиклар хазондай чочилиб, даранг-дурунг кучайганда ўсмирлар орасида тапир-тупир, қийчув бўлиб, чочилган пулларни талашиш бошланди, идишлар чил-чил сингани эшитилди. Баъзилар, болаларни чиқариб юборишни талаб қилишса, баъзилар «тўйчилик, ҳечқиси йўқ!» деб босиб қўйишарди. Судра-судра қилиб чиқарилган болалар кўчада ҳай-ҳаннос кўтаришди. Ҳадемай миршабнинг ҳуштаги чуриллади. Меҳмонлар даврасида: «Бир боланинг боши ёрилибди, биттасининг бурни қонабди. Икки безорини милиция тутиб кетибди» деган совуқ гаплар тарқалди. Тўй базмидан путур кетди...

Биз бу ўсмирларни қоралашга шошилмайлик. Агар бошда катталар «сахийлик» қилиб кичикларни ёнларига ўтқизишмаганида, ичкиликдан татишларига йўл қўйишмаганида, артистлар устидан хазондай пул чочилмаганида шу хунук воқеа юз берармиди! Бунга йўл очган ўзимиз эмасми? Касалликни тарқатган, юқтирган ҳам ўзимиз-ку!

ХАДИСИ ШАРИФДА: «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос беролмайди» дейилгани бежизмас. Гап яхши қилиқ ва одатларга, ҳалоллик, самимийлик, тўғриликка ўргатадиган ибратлар ҳақида боряпти. Бундай ибратлилар илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам борки, уларнинг намунали ишларидан ёшларимизни хабардор этмоқ, улардан ўрганишга ундамоқ бизнинг зарур қарзимиз. Афсуслар бўлсинки, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш, оталарга ҳурмат ва садоқат ўрнига, нафрат туғдириб қўйиш ҳолларига ҳам дуч келиб турамиз. Жумладан, кино соҳасида кейинги пайтлар қатор маза-матрасиз, ур-йиқит, беҳаё, олдиқочди асарлар пайдо бўлдики, буларни кўрган ёшлар: «Илгариги одамлар ҳаммаси порахўр, қаллоб, виждонсиз одамлар бўлган экан-да» деган хулосага келишлари мумкин. Шунақанги ноўрин, бир ёқлама хулоса туғдирадиган нарсалар чоп этилаётган айрим адабий асарларда ҳам учраб турибди. Буларни мен худди атроф-муҳитни ифлослаётган чиқиндиларга, ўсимлик танасини кемирувчи каналарга ўхшатаман. Нопок нарсалардан табиатни муҳофазалаш нечоғлик зарур бўлса, инсон боласини маънавий зиён-заҳматлардан асраш ҳам шунчалик зарур, деб ўйлайман.

Фарзандларимизни салбий таъсирлардан қутқариш, уларнинг маънавий-ахлоқий савиясини кўтаришда бадиий сўзнинг, биринчи галда болалар адабиётининг аҳамияти беқиёс десам, муболаға бўлмас. Бу оддий ҳақиқатни қайта-қайта такрорлаб ўтиришимиз лозимми? Ҳа, лозим кўринади. Чунки болалар адабиётининг моҳиятини камситибгина қолмай, уни инкор қилиш ҳоллари учраб қоляпти. Яқинда «Ойнаи жаҳон»да мактабларнинг адабиётга оид янги дастурлари қандай бўлиши керак деган масала устида суҳбат кетганди. Шунда бир олимимиз янги дастурларга болалар адабиёти намуналари киритилиши шарт эмас, умуман адабиётни «катталар ва болалар адабиёти» деб иккига ажратишга ҳожат йўқ, деди. Бунга гўё Чеховнинг болалар адабиётини тан олмаганлигини пеш қилиб келтирди. Бу фикр болалар адабиётидан бехабар бир киши тарафидан эмас, бу адабиётни яхши билиб, унинг тарғиботига тегишли ҳисса қўшиб келган ҳурматли олим томонидан айтилгани одамни ҳайратга солади. Унинг фикри илмий холислик жиҳатидан қанчалик тўғри экан? Наҳотки ўша ўзимиз билган ва болаларга атаб бир эмас, нечталаб ажойиб ҳикояларни қотириб ташлаган Чехов бирон хаёл билан болалар адабиётини инкор этган бўлса? Ҳеч ишониб бўлмайди. Қўлимга «Просвещение» нашриёти (Москва, 1976 йил) босиб чиқарган «Болалар адабиёти» дарслигини оламан. Унда рус болалар адабиётини яратиш ва ривожлантиришда катта хизмат этган В. А. Жуковский, А. С. Пушкин, К. Д. Ушинский, Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстойлар қаторида А. П. Чехов хизматларига ҳам ўрин берилган. «Ванька», «Каштанка», «Қочоқ», «Уйқу истаги», «Ўғил болалар» ва бошқа ҳикояларида Чехов Лев Толстой анъанасини давом этдирганлиги, XIX аср охири болалар адабиётини бойитганлиги рўйи-рост айтилган. Чеховнинг ўз сўзига қулоқ солсак, у Асарларни ўн икки жилдлигининг тўртинчи жилдида (Москва, 1955 йил, 544-бет) кичик ёшдагиларда табиат ва жониворларга муҳаббат уйғотадиган асарларнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида уқдириб ёзган.

Узоққа бормасдан, бундай далилларни ўз миллий адабиётимиз тарихидан ҳам истаганча келтиришимиз мумкин. Абдулла Авлоний, Ҳамза, Мунаввар қори каби сиймоларнинг улуғ маърифатчилик фаолиятларида таълим-тарбия катта ўрин тутганлиги, болалар учун махсус дарсликлар тузиш, болаларбоп адабий асарлар намуналарини яратиш йўлида ғайрат кўрсатганлари яхши маълум-ку.

Ахир ҳамма мамлакат, ўлкаларда болаларнинг ўз томошахоналари, дам олув жойлари, ўйинчоқлари, ясли-боғчалари, мактаблари, борингки, ўз матбуотлари бўлгани ҳолда, нега энди ўз адабиётлари бўлмаслиги керак экан?

Демакки, биз болалар адабиёти керакми-йўқми дегандай беҳуда, самарасиз тортишувга вақт сарф этиш ўрнига, бу адабиётимизнинг нуфузини, бадиий салмоғини, мундарижасини қандай қилиб кўтариш йўлларини ахтарганимиз маъқулроқдир. Менимча, бунинг бош йўли — болалар адабиётини реал турмушга тобора яқинлаштириш, асарларимизда ҳаёт ҳақиқатини бор бўйича очиб кўрсатишдан иборат. Албатта, кичикларнинг ёши, ҳазми кўтарган қадар. Очғи, яқин-яқин вақтларгача ёш китобхонларнинг зеҳни, қобилиятларига етарли баҳо бермай, айрим асарларда ҳаёт эшигини ғира-шира очиб, ҳақиқатни борича кўрсатолмай келдик. Йўллар тор эди, уларни ёриб ўтиш осон эмасди. «Болаларга нимани ёзиш мумкин-у, нимани ёзиш мумкинмас» деган қолипни бутунлай йўқотиш қийин кечганди. Оқибатда фарзандларимизни кўпгина маънавий қадриятлардан бенасиб қолдирдик. Шукурки, замон ўзгарди. Мустақиллик шабадаси кўнгилларни ёриштириб, ошкоралик, янгиланиш сари бошланган катта юриш болаларимизнинг ҳам кўзларини очмоқда. Ўзларининг ва атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига сергак назар ташлашга, яхшилик билан ёмонлик, рост билан ёлғон, ҳалол билан ҳаром, тўғрилик билан эгриликнинг тафовутларини ажратишга ўргатмоқда. Аждодларнинг, катта авлоднинг эзгу инсоний анъаналарига ҳурмат-иззат билан қараш-дан сабоқ бермоқда. Даврнинг янгиланиши адабиётда ҳам янгиланишни юзага келтираётгани табиий бир ҳол!

АҲЁН-АҲЁНДА БОЛАЛАР адабиётимиз муаммоларини таҳлил этувчи рисолалар чиқиб тургучи эди. Ҳозир ўшаям йўқ. Фанлар Академияси адабиёт илмий-текшириш институти узоқ йиллар кутилган «Болалар адабиёти ва адабий жараён» китобини атиги бир минг нусхагина чоп этибди. Ярмига яқинини болалар ва ўсмирлар ташкил этадиган 22 миллионли мамлакат учун ярашадиган ишми бу! Матбуотимиз болалар адабиётини ўз диққат марказидан мутлақо узоқлаштириб қўймоқда. Бу соҳа муаммолари газет-журналлар саҳифаларидан муносиб ўрин олаётгани йўқ. Бозор иқтисоди, тижоратчилик жазавасидан энг кўп азият чекаётган соҳа ҳам шу десак янглишмасмиз. Нашриётларда кичик китобхонларга аталган шеърий ва насрий асарлар чоп этилиши йилдан-йилга сурилиб кетяпти. Китобга чанқоқлик эса ортиб боряпти. Нега шунақа десангиз, қоғоз нархи осмонга кўтарилиб кетганлигини важ қилиб кўрсатишади. Аммо, болалар нонини туя қилиб, қоғозларнинг каттагина қисми мўмай даромад келтирадиган эрмакбоп, бозори чаққон олдиқочдиларга сарф этилаётгани сир эмас. Миллионлаб ёш авлодимиз маънавий неъматдан маҳрум бўлиб, навқирон адабиётимиз ва унинг ёш ижодкорлари равнақига сунъий тўсиқ юзага келаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ёзувчи бир китобни битиргунча жигарини хун қилиб йилларча ижодий заҳмат чекади. Тайёрланган қўлёзмаси эса нашриёт папкасида қимирламай чанг босиб ётаверса, бунинг устига бозорда нарх-наволар эллик-олтмиш баравар ошиб кетгани ҳолда, асарга тўланадиган қалам ҳақи атиги 2 бараваргина оширилган бўлса, ёзувчи бечоранинг аҳволи нима кечади? Энг ёмони, кичиклар ўртасида китобхонлик сусайиб, кўпроқ беҳуда дайдиш, ярамас ўйинлар ва томошаларга ружу қилиш ҳоллари кўпайиб кетмоқда. Ўсмирлар орасидаги жиноятчилик ҳам барҳам топмаяпти. Бу қайғули ҳолларнинг оғир оқибатларидан куюнишиб, биз, бир гуруҳ болалар ёзувчилари республикамиз президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовга матбуот орқали мурожаат этгандик. Унда энг ҳимояга муҳтож тоифа — келажагимиз бўлган ёш наслни моддий жиҳатдан ҳимоя этилаётганидай маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб, китобни тижоратчилик исканжасидан озод қилинса, арзон китоблар чиқаришдан келадиган зарарни дотация бериб қоплаш тадбири кўрилса, деб илтимос қилгандик. Ҳамон шу муаммонинг ижобий ечимига умид боғламоқдамиз.

Ниятимиз холис. Йўлимиз ойдин. Елкамизга ҳуррият офтоби тегиб, ўзлигимизни таниб, аслимизга қайтар эканмиз, бу шарафли йўлимизда эзгу ниятлар ҳамроҳ. Илоҳим, жумлан мўминни ниятига етказсин!..

Ўзбекистон меъморлар уюшмасининг кўргазмалар залида «Бугунги Шинжон» деб номланган кўргазма очилди.

СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган расмлардан намуналар.

Жулла ўгитлари

ЕРИНИ БИЛМАГАН ЭЛИНИ БИЛМАЙДИ

БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ илмий ва амалий муаммоларидан бири Ватанимиз табиати ва табиий бойликларини, мавжуд имкониятларини жуғрофий ва экологик жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ва тизимли тарзда ўрганишдан иборатдир. Негаки, биз шу кунгача Оллоҳ марҳамат қилган бу бебаҳо неъматнинг қадрига ета олмадик, ундан етарлича баҳраманд бўлмадик. Ваҳоланки, юртимиз табиатининг бетакрорлигини, унинг бебаҳо бойликларини ўтмишда яшаган аллома-ларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, улардан кейин яшаган жаҳоннинг машҳур табиатшунослари ҳам алоҳида таъкидлаганлар. Чунончи, XX асрнинг қомусий олими деб тан олинган, асли бессарабиялик буюк географ ва табиатшунос Л. С. Берг «Туркистон — менинг иккинчи Ватаним, бу мўъжизакор ўлканинг ҳатто соғ тупроқдан иборат чанг-ғубори ҳам мен учун ёқимли ва тотлидир, уни кўзимга тўтиё қилиб суртаман», деб тан олган. Жаҳон экологиясининг асосчиларидан бири, асли қашқарлик рус олими Д. Н. Кашкаров эса «Кишини маст қилувчи ҳузурбахш арча ва чўл шувоғи ҳидидан бир бор тўйиб нафас олган, улкан Тян-Шаннинг ажиб сирли сўқмоқларини бир бор сайр этган ҳар қандай одам беихтиёр шу мафтункор ўлканинг абадий қулига айланади ва бу қуллик занжирларини бир умр қувонч ила олиб юради», деб ёзган. Улардан бири: «Менинг асосий муаллимим табиат, мен Туркистон табиатини ўрганиш туфайлигина жуғроф бўлиб етишдим», деб тан олган бўлса, иккинчиси: «Туркистоннинг ўзига хос ажиб табиати ва ҳайратомуз экологик тафовутлари мени эколог қилиб етиштирди», деб таъкидлаган.

20—30-йилларда собиқ Иттифоқдаги энг йирик экология илмий мактаби Тошкентда вужудга келган эди. Унга Д. Кашкаров асос солганди. Бу мактабнинг илк ўзбек академикларидан бири Теша Зоҳидов, иккинчиси Қодир Зокиров эди. Мактабнинг шон-шуҳрати туфайли ярим аср муқаддам Ўзбекистон экология фани ватанига айланган эди. Бироқ бир вақтлар табиатшунослик фанлари бўйича фақат собиқ Иттифоқдагина эмас, балки бутун дунёда катта илмий нуфузга эга бўлган жумҳуриятимизда ҳануз табиатимизни, табиий бойликларимизни, атроф-муҳитнинг ҳолатини тизимли равишда яхлит ўрганувчи ягона илмий марказ йўқ. Бундай илмий марказ — махсус илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш ниҳоятда зарурлиги, бунинг учун етарли даражада олимлар ҳам, малакали мутахассислар ҳам мавжудлиги матбуотда бир неча бор кўтариб чиқилган бўлса-да, ўз самарасини бергани йўқ.

Д. Кашкаров ва ботаник Е. Коровиннинг 1931 йили чоп этилган, экология фанининг аҳамияти ҳамда вазифалари жамият манфаатлари нуқтаи назаридан илк бор аниқ ва атрофлича баён этилган оригинал илмий рисоласида мамлакатимизда махсус марказий экологик-жуғрофий илмий-тадқиқот институтини очиш тарихий зарурат эканлиги таъкидланганди. Бу институт ўзига хос ажойиб табиий лаборатория ҳисобланмиш Ўрта Осиёда, аниқроғи, Ўзбекистонда — Тошкент шаҳрида ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги тўла асослаб берилганди. Ҳатто, барпо этилажак илмгоҳнинг асосий илмий-назарий ва амалий вазифалари бирма-бир санаб кўрсатилганди. Афсуски, 30-йилларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити бу ниятни амалга ошириш имконини бермади.

Масаланинг долзарблигини кейинчалик — 70—80-йилларда ТошДД профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби З. М. Акрамов ва камина жумҳурият матбуотида қайта-қайта кўтариб чиқди ва республика раҳбарияти ва Фанлар академияси раёсатидан ижобий жавоб ҳам олди. Шунга қарамай, марказий жуғрофий-экология, яъни геоэкология институти барпо этиш масаласи ҳамон ўз ечимини топгани йўқ.

Ҳолбуки, эндиликда ўлкамизнинг иқлим ва сув, тупроқ-ўсимлик ва ҳайвонот бойликларини, ер бағрида яшириниб ётган хилма-хил қазилмаларини, мафтункор, оромбахш, шифобахш масканларини, саёҳатбоп жойларини, Ўзбекистон, унинг ҳар бир фуқароси манфаати, жумҳуриятимизнинг бугуни ва эртаси эҳтиёжи нуқтаи назаридан ўрганиш ва тадқиқ этишдек долзарб илмий, ижтимоий, иқтисодий вазифани топиш мушкул. Ўз-ўзидан маълумки, гап уларни ўрганишдагина эмас, балки улардан ҳам табиат, ҳам жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир бўғинида, ҳар бир корхонада экологик манфаатлар устиворлигига эришишдан иборатдир. Бу тадбирларни эса ягона экологик, тўғрироғи, геоэкологик марказсиз амалга ошириб бўлмайди.

НАСАЙЁ ОРА-ҚЎРИҚХОНА

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, жуғрофия ва экологиянга доир замонавий тадқиқотлар, билимлар умуминсоний, маданий аҳамиятга ҳам молик. Бинобарин, геоэкологик маълумотларни эгаллаш ҳар бир фуқаро учун ҳаётий эҳтиёждир. Шунга кўра, сўнгги йилларда халқаро ГЭЛЛАП институтининг тавсиясига кўра, жаҳоннинг тараққий этган кўпгина мамлакатларида вақти-вақти билан жуғрофий ва экологик саводхонлик ўн кунликлари ўтказилиб турибди. Бу ўн кунликлар давомида аҳоли барча қатламларининг, биринчи навбатда ёшларнинг жуғрофий ва экологик билимларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда оммавий ахборотнинг барча воситалари орқали мунтазам равишда қизиқарли жуғрофий ахборот ва маълумотлар эълон қилинмоқда. Етакчи олим-мутахассисларнинг долзарб сайёравий, минтақавий, маҳаллий ҳудудий геоэкологик муаммоларга бағишланган чиқишлари, суҳбатлари, илмий мунозара ва баҳслари, саёҳатлари уюштирилмоқда.

Халқимиз орасида ўз ерини билмаган ўз элини билмайди, деган гап бор. Шундай экан, биз Ватанимизнинг табиий ҳудудий мажмуаларининг, аҳоли ва хўжалик ҳудудий тизимларининг шаклланиши, тарқалиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини билмай туриб, ҳеч бир соҳада муваффақиятга эриша олмаймиз. Аввало, ўз ўлкамиз Туркистон жуғрофиясини мукаммал ўрганишни ҳар биримиз ҳаётий эҳтиёж деб билмоғимиз лозим. Бунинг учун барча олий билимгоҳлар, мактаблар, ўрта-махсус ўқув юртларида ҳам Туркистон ва Ўзбекистон геоэкологияси курсини ўқитишни йўлга қўйиш лозим.

Ҳозир республикамиз олий билимгоҳларида жуғроф ва экологлар тайёрлаш масаласида иккита жиддий камчилик мавжуд. Биринчиси— олий билимгоҳларга кирувчилар сонини белгилашда катта номутаносибликлар бор. Бутун Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда ўзига хос жуғрофий марказ ҳисобланмиш Тошкент Давлат дорилфунунининг жуғрофия факультети кундузги бўлимига бу йил атиги 18 географ, 8 хариташунос, 1—2 илмий даражали ўқитувчиси бўлган айрим вилоят педагогика олий билимгоҳларига эса юзлаб бўлғуси жуғроф қабул қилинди. Иккинчиси, вилоят дорилфунунларидаги жуғрофия ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳақида ҳеч ким ғамхўрлик қилмаяпти. Илгари улар ўз билим ва малакаларини ҳар беш йилда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Қозон шаҳарларидаги олийгоҳларда оширар эдилар. Эндиликда эса иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра бунинг иложи йўқ. Шуни ҳисобга олиб, олий билимгоҳлар жуғрофия ва экология ўқитувчилари малакасини ошириш Тошкент шаҳрида, масалан Тошкент дорилфунунида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаётий эҳтиёжлар таъсирида барча мамлакатларда жадал ривожланаётган экологик тадқиқотлар уч комплекс ва устивор йўналишга, яъни жуғрофий, биологик ва социал йўналишга эга бўлиб, улар ичидаги атама тарзида геоэкология, биоэкология ва соцэкология деб аталади. Биоэкология йўналиши бўйича бу йил ТошДД биология куллиётига 50 нафар бўлғуси эколог қабул қилинди. Бироқ геоэкология бўйича эса ҳеч қаерда олий маълумотли мутахассис тайёрланмайди ва бу соҳадан махсус билим ҳам берилмайди. Шуни ҳисобга олиб, янги ўқув йилидэ Тошкент дорилфунунининг жуғрофия факультетига геоэкология ихтисоси бўйича камида 25—30 нафар талаба қабул қилиш зарур. Кейинчалик эса, шу олий билимгоҳнинг жуғрофия, геология, биология тупроқшунослик, кимё факультетларидаги экология мутахасисларини жалб этиб, махсус «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» факультетини тузиш лозим. Бу факультет қисқа муддат ичида жумҳуриятимизнинг кенг ихтисосли ва нуфузли илмий-таълимий марказларидан бирига айланиши мумкин. Уни битириб чиққанлар фақат педагог бўлиб қолмай, турли ташкилот, муассаса ва корхоналарда амалиётчи эколог сифатида ҳам фаолият кўрсата оладилар.

Долзарб тадбирлардан яна бири мактаб жуғрофия, биология ва кимё фанларини экологик билимлар билан бойитишга, яъни кўпроқ маҳаллий маълумотлар асосида «экологиялаштиришга» киришишдан иборат. Бу ҳол ўлкашунослик маълумотлари ва миллий таълим асосида яратилаётган мактаб дарсликларида албатта ҳисобга олиниши керак. Шундагина биз экологик онг, тафаккур ва билимларни шакллантиришда мактаб билан олий билимгоҳ ўртасидаги узвийлик, давомийлик тамойилига амал қилган бўламиз.

ХУШ, ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ЖУҒРОФ ва геоэкологлари бу мураккаб вазифаларни уддалай олардиларми? Бунга қисқа қилиб шундай жавоб бериш мумкин: сўнгги йилларда мутахассисларимиз катта ишларни амалга оширдилар. Чунончи, илк бор Ўзбекистоннинг икки жилдлик академик атласи, «Тошкент атласи» чоп этилди, пахтачилик ва табиий жуғрофий атласи тайёрланди, ўқув атласлари нашр этилди. Биринчи марта республикамизнинг рангли экологик харитаси босилиб чиқди, долзарб экологик масалаларга бағишланган фундаментал тадқиқотлар ўтказилди, оригинал монография, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Олимларимиз Оролбўйида вужудга келган экологик муаммоларни бартараф этишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Демак, улар юқорида тилга олинган вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятларига эгадирлар.

Раҳмонбек РАҲИМБЕКОВ,
жуғрофия фанлари доктори, профессор

Шавкат ИБРОҲИМОВ,
Вобкент тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби

ТАРИХИЙ АНЖУМАН

Ҳозирги кунимизнинг ҳар бир лаҳзаси тарихий воқеаларга бойдир. Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг куни кеча ўз ишини якунлаган ўн биринчи сессияси ҳам унда кўрилган масалаларнинг мазмун моҳиятига кўра тарихий анжуман бўлди. Биз халқ ноиблари, аввало, бу анжуманда мустақил Ўзбекистонимизнинг бош тузумномаси — Конституциямизни қабул қилдик. Шу билан ҳуқуқий давлат қуриш йўлида улкан пойдевор қўйилди.

Бош қонун лойиҳаси узоқ вақт мобайнида матбуотимизда кенг муҳокама қилинди. Олимлар, ёзувчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, пахтакорлар лойиҳани мукаммаллаштириш учун кўпдан кўп қимматли таклифларини айтдилар. Конституциямизни қабул қилиш чоғида ана шу фикр-истаклар ҳам ҳисобга олинди.

Ўзбекистон парламентининг ушбу сессияси яна бир муҳим жиҳати билан тарихий аҳамиятга молик. Унда биз Ўзбекистон давлатининг мадҳиясини ҳам қабул қилдик. Сессия муҳокамасига тақдим этилган шеърлар ва куйлар орасидан халқ ноибларимиз Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва мусиқашунос Мутавақил Бурҳонов ҳамкорликда яратган мадҳияни мустақил давлатимизнинг мадҳияси сифатида қабул қилдилар. Энди ҳар тонг Ўзбекистон радиосидан янграйдиган ана шу мадҳия садолари остида уйғонамиз. У бизни мустақил давлатимизнинг шон-шавкати йўлида халол меҳнат қилишга даъват этиб туради.

Олий Кенгашнинг ушбу анжуманида кўпгина қонунлар ҳам қабул қилинди. Тожикистон Олий Кенгашининг Мурожаатномасига биноан бу қўшни жумҳуриятга муайян ёрдам кўрсатишга қарор қилдик. Халқимиз қўшнинг тинч, сен тинч деб бежиз айтмаган. Агар ёрдамимиз туфайли Тожикистонда вазият барқарорлашса, биз ўзимизнинг инсоний бурчимизни бажарганимиздан ғоят мамнун бўлар эдик.

Сессияда қабул қилинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳам айни муддао бўлди. Чунки келажак авлодларнинг насибаси, ризқирўзи бўлмиш она табиатимизни эъзозлаш ҳақида жон куйдирмасак, мустамлакачилик даврида вайрона ҳолга келтирилган табиатимизни соғломлаштириш устида бош қотирмасак, эртага бизни фарзандларимиз кечирмайдилар. Ўйлайманки, мана шу тарихий қарорлар ва қонунларимиз мустақил давлатимизнинг келажагини яратиш йўлида муносиб хизмат қилади.





ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

ҚАҚНУС

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»НИ ҚАЙТА МУШОҲАДА ҚИЛГАНДА...

ТУТИЮ БУЛБУЛДАН ҲАМ ЗУР ҚУШ

АЛИШЕР НАВОИЙ КУПИНЧА шоирларни энг сайроқи қушларга ўхшатади. Навосозлик бобида эса, биласиз, булбулга етадигани йўқ. Шундан бўлса керак, «Фарҳоду Ширин» достонининг Низомий Ганжавию Хусрав Деҳлавий васфидаги олтинчи бобида Деҳлавийни «тўти» деб турган жойида бобокалонимиз бу таърифдан «тонади» — уни булбулга қиёслайди:

Не ҳинду, тўтийи ширинмақол ул,
Не тўти, булбулу шўрида ҳол ул.

Лекин, сал ўтмай, шоир бу фикридан ҳам қайтади:

Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин онинг қақнус озор.

Булбул-ку хушовозликда тўтидан устун, бироқ қақнус қандай қуш бўлдики, булбулни ҳам доғда қолдирса?! Чунки бу байтларда амал қилинган **ружуъ** санъати қоидасига биноан, бир фикр илгари айтилиб, кейин инкор этилганда, ундан-да кучлироқ бир далил келтирилиши шарт. Қақнус шундай қушки...

Деҳлавий ҳақида «Фарҳоду Ширин»да яна ўқиймиз:

Агар қақнус чекиб юз нола жонсўз,
Анга минг нола ўқи борча дилдўз.

Дема ўқ, балки ҳар бир барқ оҳи, —
Ки секриб ўртабон маҳ то ба моҳи.

Солиб юз шуъла ҳар дам хирманиға,
Ўзнинг йўққи, олам хирманиға.

Айтилаётибдики, агар қақнус юз нола чекиб, жонни куйдирса, Деҳлавий минг нола ўқи билан дилларни тикади, аммо сен уларни ўқ эмас, ҳар бирини чақмоқдек чақнаган оҳ деб билки, улар бир сакраганда (яъни чақнаганда) ер остидаги балиқдан то осмондаги ойгача етади, бу чақмоқдан чиққан ўт ҳар дамда фақат ўзининг эмас, ҳатто оламнинг хирмонини ҳам куйдириб юборади.

Хўш, нега энди қақнуснинг ноласи жонни куйдириши керак? Хирмонга ўт кетишининг қақнусга қандай алоқаси бор?

Саволларингизга жавоб излаб, табиийки, луғат титасиз. Афсус «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» 4-жилдидаги (1985): «**Қақнус** — афсонавий қуш номи», — деган шунчаки изоҳ мушкулингизни енгил қилмайди. Негаки унда **жон** ёки **хирмон** билан боғлиқ, лоақал бир ишора ҳам йўқ. П. Шамсиев билан С. Иброҳимов тузган «Навоий асарлари луғати»нинг иккинчи нашридан (1972) ҳам излаганингизни тополмасангиз-да, ҳар ҳолда, Навоий нега қақнусни булбулдан устун қўйганини тушунгандек бўласиз: «**Қақнус** — форсча-тожикча(?). Мавҳум бир қуш (афсонага кўра, тумшуғида жуда кўп тешиклар бўлиб, бу тешиклардан чиққан овозлардан гўё музика ўйлаб чиқарилган эмиш)». Биласизки, форсий тилда «қ» товуши йўқ ва агар бу тилда шу товуш иштирок этган сўз учраса, у бошқа тилдан ўтган бўлади. Тожик тилининг изоҳли луғати — «Фарҳанги забони тожикий» бу калимани юнонча деб кўрсатади. Мазкур луғат қақнус ҳақидаги тасаввуримизни яна бир оз ўстиради ҳам — унда бу хушовоз қуш тумшуғида уч юзу олтмишта (!)тешик борлиги айтилади. Аммо, афсус, бу ерда ҳам қақнус ҳақидаги маълумот тўлиқ эмас.

«Фарҳоду Ширин»даги қақнус талқининг моҳиятига етмай туриб, «Сабъайи сайёр»нинг 14-бобида қўшиқчи қизнинг қақнусга ўхшатилганига дуч келамиз:

Йўққи қақнусдурур намудори,
Косасидин ажуба минқори.

...Чун қақнуслик айлабон изҳор,
Ўт солиб олам ичра қақнусвор.

Бу ерда ҳам қақнус билан оламга ўт қўйиш тушунчаси боғлаб талқин этилади. Яна ўша савол — нега?

Яхши ҳамки, Навоий умрининг охирида бутун ижодини тушуниш учун ажиб дастурилламал бўлгудек, таъбир жоиз тутилса, «умумназарий» бир асар — «Лисон ут-тайр»ни ёзиб кетган экан. Излаган саволларимизга муфассал жавобни ана шу достондангина топамиз.

Мазкур достоннинг «Мантиқ ут-тайр»га жавоб қисми тугаб, Навоийнинг бевосита «ўз» дардини куйлашга ўтишига бадиий ҳалқа вазифасини ўтаган бир боб бор. У: «Ўзининг Шайх (яъни Фаридиддин Аттор) руҳи мададидин анго татаббуъ (яъни ўхшатма) қилғанға қақнус тимсоли» деб аталади. Унда ҳикоя қилинишича, Ҳиндистонда Қақнус деган бир ажойиб қуш бўлар эмиш. У кўп жиҳатдан бошқа қушларга ўхшамас экан. Биринчидан, келишган бу қушнинг ҳар бир пари бир бошқа рангда товланар экан. Иккинчидан, тумшуғида ҳаддан ташқари тешиклар бўлар, уларнинг ҳар биридан эса бир бўлак наво янграр, агар у қуйлагудек бўлса, эшитганлар ҳушдан кетар экан. Учинчидан, турмушда унинг жуфти ҳалоли ҳам, тириклигида фарзанди ҳам бўлмас, бирон-бир қуш унга ўхшамас ҳам, бу дунёдан яккаю ёлғиз яшаб ўтар экан. Қаранг-а, бу жиҳатдан қақнус ҳазрат Навоийнинг ўзларига қанчалар ўхшайди!

Қақнус бир дарахт тепасида сайраб ўтирганида Фисоғурс ўтиб кетаётиб, тасодифан эшитиб қолибди. Қақнус навосидаги хилма-хил оҳангу садолардан у мусиқа фанини яратган экан. Фисоғурс — эрамиздан олдинги 571—497 йилларда яшаган машҳур юнон алломаси Пифагорнинг шарқона номи. Демак, тожик тилининг изоҳли луғатида «қақнус» сўзининг юнонча дейилгани бекорга эмас экан. Ғарб адабиётида «феникс» ёхуд «фойник» деб аталадиган бу қуш ҳақида бир-бирига ўхшаган-ўхшамаган бир олам ривоят бор. Уларнинг кўпида бу қушнинг ватани Шарқ билан, аниқроғи Арабистону Миср билан боғлаб кўрсатилади (қаранг: Мифологический словарь М., 1990, 556-бет).

Ғарбона талқинларни қўя турайлик-да, юзни шарқона — навоийёна талқинлар сари бурайлик...

Қақнуснинг қизиқ бир феъли бор экан. У узоқ (Ғарбда ҳатто, 500, 1 минг 460 ва 12 минг 954 йил деган ривоятлар ҳам бор) ҳаёт кечириб, умр бўйи ўрмонда ўтин йиғиш билан машғул бўлар экан. Ҳўлми-қуруқми — йиққан ўтинлари бир хирмонга айланармиш. Умри адосида эса ўша неча йиллар меҳнат қилиб яратган хирмони устига чиқиб олиб, шундай бир ҳазин оҳанглар билан нола тортиб куйлар эканки, уни эшитган жамъики қушлару ваҳший ҳайвонлар атрофига тўпланиб келишар, баъзилари ҳатто бу куй таъсирида жон ҳам таслим қилармиш.

Бу навоси тугагандан кейин шундай ҳам бир ўт-оташ ила сайрар эканки, ўша навосидан олов чиқиб кетиб, ўзи тўплаган хирмон ловуллаб ёнар экан. Ўт осмонга ўрлар, бу гулхан ичра қақнуснинг ўзи ҳам куйиб, кул бўлар экан:

Чун навосиға етишти интиҳо,
Сўнгра тортиб бир ажиб ўтлуқ наво.

Солур эрмиш ул улуқ хирманға ўт,
Сокин ўлған манзилу масканға ўт.

Ўт алам тортар эмиш афлокка,
Барқ тушгандек хасу хошокка.

Ул ўтун ёнғандек ул қуш ҳам ёниб,
Парлари яфроғлардек ўртаниб.

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул қуярдин кул бўлуб.

Ҳангоманинг қизиғи энди келди. Олов ўчиб, кейин пайдо бўлган ана шу кул уюми секин-секин тебрана бошлар экан, у ерда нимадир ғимирлагандек бўлиб, ичидан, мўъжизани қарангки, бир қақнусбача чиқар экан. Бир нафас ўтар-ўтмас ундан парлар ўсиб, кўз олдингизда чиройли қуш намоён бўлар экан-колар экан. У ҳам шу ўрмонни кўриб, ўтин йиғишни бошлар, умр бўйи бир хирмон ҳозирлаб, ҳаёти сўнгида яна отаси қилган ишни такрорлар экан:

Чунки ул куллар угулди тоғча,
Махфий эрмиш кулда бир қақнусбача.

Тебраниб кулдин чиқиб, таскин ила,
Пар чиқориб зийнату ойин ила.

Чун ҳаво айлаб, кўруб ул бешани,
Жазм этиб ўтун йиғар андишани,

Умрида ул доғи жамъ айлаб ўтун,
Ул иш асносида тортиб дилкаш ун.

Чун анга ҳам етса поёниға ёш.
Ул доғи айлаб ато қилғанни фош.

АТТОР—ОТА, ФОНИЙ—ЎҒИЛ

ХИКОЯТНИНГ БУ ЕҒИ ЯНАДА ҚИЗИҚ. Фоний («Лисон ут-тайр»ни Навоий «Фоний» тахаллуси билан ёзган) Шайх Фаридиддин Аттор ўша аввалги қақнусга ўхшатади. У ҳам қақнус каби умр бўйи наво чекди, унинг қалоқ қилғучи навосидан эса қанча ваҳший ҳайвону қуш ўша хирмону унинг эгаси каби кул бўлди:

Шайх гўё келди у аввалги тайр, —
Ким наво ичра қилиб умрида сайр.

Чекти онча лаҳн аро дилкаш наво, —
Ким симоъи ваҳшу тайр айлаб ҳаво.

Борча ул муҳлик наводин ўлдилар,
Хирману соҳиб киби кул бўлдилар.

Энди навбат кулдан чиққан қақнусбачага келди. Бу қақнусбача — Фонийнинг ўзи! У ҳам кулдан ўтда куймас, ҳайвон — Самандардек чиқиб, аввалги қўшдек умри бўйи бир нималар жамлади, ҳаёти поёнида тумшуғидан юз хил наво чиқариб, худонинг яширин сирларидан куйлади, бу куйидан ўзига ҳам, хирмонига ҳам, ҳатто бошқаларга ҳам ўт қўйди.

Улки — ул куллардин агардек чиқиб,
Балки ахгардин самандардек чиқиб,

Ҳар неким аввалғи қушқа эрди шон,
Зоҳир ўлди мунда ҳам ондин нишон,

Бу доғи деганча нима жамъ этиб,
Чун мунунг умриға ҳам поён етиб,

Гулшану даврон аро ҳар навъ қуш,
Йўққи ёлғуз тайру бас, балким вуҳуш.

Юз наво зоҳир қилиб минқоридин,
Борча ҳақнинг ёшурун асроридин.

Ўзига, хирманға доғи ўт уруб,
Ҳам ўзни, ҳам ўзгаларни куйдуруб.

Фонийнинг умр поёнида куйлаган, шундан хирмонигаю ўзигаю бошқаларга ҳам ўт қўйган навоси — «Лисон ут-тайр» эди! Шоир кейинги байтда ўзини Фаридиддин Атторнинг ўғли янглиғ таърифлайди. Аммо дарҳол ана шу таърифдан гўё «ҳимояланади» ҳам, чунки, ахир, Аттордек авлиёга ўзни тенг қўйишқандай бўлса экан?! Атторни шоҳи олийсифат, ўзни эса банда, қул ҳисоблаш маъқулроқ эмасмикан:

Мен деманким, ул —атодур, мен — ўғул
Ул шаҳи олийсифат, мен — банда, қул.

Бу — камтарона бир таъриф. Зеро, Фоний бундан кейинги байтларда яна ўша устозни бевосита «отам» деб атайди. Чунки, дейди шоир, ҳеч ким барча оламга ўт солган Атторга менчалик сўз (яъни ҳам «куйиш» ва ҳам «сухандонлик») топмади, мен қуш тилидан шуъалар чиқариб, ҳам ўзим кул бўлишни билиб олдим ва ҳам эл кул бўлишни ўргандим:

...Ким бу ўтқа ул куюб аввал нафас,
Борча оламға ўт ул солди-ю, бас.

Сўнгра ондин кимса топмай менча сўз,
Бўйла муҳрик шуълаву гетнферуз.

Қуш тилидин шуъалар зоҳир қилиб,
Ҳам ўзум, ҳам эл кул ўлмоғин билиб.

Ҳар неким кўрди отамдин рўзгор,
Ҳам они бўлди манга омузгор.

Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,
Қуш тилидин ўзга қилмай сўзни ҳам.

Будур уммидимки, бу сўзи фано,
Борча куйганга бақо бергай яно.

Аттор ва Фоний, қақнус ва қақнусбача, бақо ва фано!.. Қанчалар вобаста тушунчалар бу лар. Қақнус эса табиатан тасаввуф ақидаларига нақадар уйғун келган бир гўзал тимсол! Чунки унга ўзни ўрташ, жисмни куйдириб, ундан воз кечиш, руҳнинг ўлмаслиги, бақога етиш, абадий тириклик мақсадлари шунчоқ қина. жо бўлган. Лекин бу ерда бошқа — бундан-да муҳимроқ бир масала бор. Албатта, Аттор — қақнус, мен қақнусбача, дейиш «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр» муносабатларини билдириш учун энг қулай бир ташбиҳ. Бироқ Фонийнинг бу тасвирлари фақат ана шу «Лисон ут-тайр» асаригагина тегишли мулоҳазамикан? Бу соф адабий муҳокамалар доирасидан чиқиб, соф тасаввуфий масалалар гирдобида ҳам айланмаётибдими? Очиқроғи, Фоний менда Фаридиддин Аттор руҳи қайта жилвалакди, деган фикрни устакорлик, сухандонлик билан сингдирмаяптимикан? Биласиз, болалигида Алишер «Мантиқ ут-тайр»ни бошдан-охир ёд олган эди. Атторнинг руҳи умр бўйи Алишерни тарк этмаган, билъакс, уни тарбиялагандирки, у ҳаёти адосида ўша болалигида ёдлаган китобига ўз тур кий тилида «таржума расми била» жаво айтди.

Тиббий руҳшунослик фанида **туйғулар оқими** деган бир тушунча бор. Бу шунда иборатки, кишининг болалигида кечган фикр ўйлари, тасаввуру орзу-интилишлари замонла ўтиб қайтадан авжланиши, инсон яна ўша кўп йиллар илгариги ниятларини амалга ошириш тараддудига тушиб қолиши мумкин экан. Алишер Навоийнинг умри сўнгида — 58-59 ёшларида «Лисон ут-тайр»ни битиши ҳам худди ана шундай **туйғулар оқими** бўлса ажаб эмас.

Бу масаланинг табиий, яъники илмий, яна да аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, **ақлий** тарафи. Лекин ҳозир гап бошқа ёқда. Чунки масаланинг **руҳий** тарафи ҳам бор-да. Хўш, икки ярим аср илгари ўтиб кетган авлиё — Фаридиддин Атторнинг руҳи қандай қилиб келиб Алишерга тарбия бериши мумкин? Бу биз учун тамоман ғайритабиий бир тасаввуф эмасми?

Тасаввуфда увайсийлик деган тушунча мавжуд. Бунинг қандай ҳодиса эканлиги мазкур сатрлар муаллифининг «Увайсий ҳам увайсий миди? (Еки Баҳоуддиннинг пирлари ким?)» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 16 ноябр) мақоласида ёритилган. Кузатишлар асосида бир фаразни дадил ўртага ташлаш мумкин: ким билади, балки, чиндан ҳам, «Мантиқ ут-тайр» китоби билан Алишерни болаликдан мубтало қилган Фаридиддин Аттор нинг муборак руҳлари умр бўйи Навоийни тарбиялаб келгандир... Эҳтимол, Алишер Навоий ҳазрат ҳам увайсийдирлар?!

Ҳар ҳолда, «Лисон ут-тайр»да қаламга олинган ота қақнуснинг навосига яраша ўтиб қақнуснинг туркона тилда наво тортиши ўртасидаги жамъики вобасталиклар, Навоийнинг турли асарларидаги Аттор шахсияти ва ижодиётига шогирдона самимий муносабат бизга ана шундай бир фаразни баён этиш учун асос беради.

ҚАҚНУС—ЎТДА ЁНМАС ҚУШ ЭМАС

МАНА, «ЛИСОН УТ-ТАЙР» таҳлили баҳонасида ўтмиш Шарқ адабиётида кўп тилга олинадиган бир ажойиб бадиий тимсол — Қақнус қуши ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлдик. Бинобарин, қақнус ҳақида Навоийдан бурунги шоирларимизда ҳам ўқиймиз. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмийнинг Низомий Ганжавий «Махзан ул-асрор» достонига жавоб тарзида ёзилган «Маҳзан ул асрор»идаги «Мусаннифининг васф ул-ҳоли» бобида ўзининг тасаввуфий ишқи баёнини қақнуснинг ўтда ёнишига қиёсан тасвирлайди:

Ҳар даму ҳар лаҳза бир ўтқа ёниб,
Ғоятӣ йўқ оташ ила ўртаниб.

Ўт ичида қақнуси бечоравор,
Нолайи жонсўз тузиб сад ҳазор.

Ҳар нафас оҳанг қилиб бир наво,
Дунёда ҳар лаҳза солиб юз садо.

Умр ўтуб, кўрмайин уйқуда туш,
Нолаларимдин уюмай қурту қуш.

Чархи фалак ташна бўлуб жонима,
Дунёйи дун қасд қилиб жонима.

Сабр биносини бикуллий бузуб,
Ҳосили йўқ умрдин уммид узуб.

Демак, қақнуснинг жон узиш олдидан оловда ўзини куйдириши, юз минг наво чекиши, нолаларидан «қурту қуш»нинг ухламаслиги ҳақидаги тасвирлар Навоий яратган тимсолга айнан мос келади. Фақат энди бу қуш ҳақидаги илгариги тасаввурлардан фойдаланиб, у бевосита Аттор билан, унинг достони билан боғлиқ масалаларни ёритади. «Лисон ут-тайр»даги қақнус талқинини яхши билиш, ўз навбатида, Навоийдан олдинги шеъриятимизда қаламга олинган қақнус тасвири моҳиятини англашга ҳам кўмаклашади. Чунки «Лисон ут-тайр»да бу қушнинг ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар ўзининг кенг талқинини топган.

Қақнус ҳақида чала билимга эга бўлиш кўп хатоларга йўл очади. «Наврўзи олам бугун» номи остида чиққан мақолалар тўпламининг (1986) таҳрир ҳайъати томонидан ёзилган «Қайтадан яралган олам наврўзи» деган кириш мақоласида наврўз қақнусга ўхшатилади: «Наврўз... Афсонавий Қақнус қушга ўхшатгинг келади уни. Мажусийлар куфр эълон қилиб, ўтга отдилар. Ёнмади». (3-бет). Кўриниб турибдики, муаллифлар қақнусни ўтда ёнмайдиган қуш янглиғ тасаввур қиляптилар. Қақнусни ўтда ёнмайди деб айтиш бу қуш ҳақидаги энг муҳим жиҳатни бузиб талқин этиш бўлади. Ахир, қақнус айнан ана шу ўтда куйиб, кул бўлиши, ундан кейин кул ичидан унинг боласи бош уриб чиқиши билан машҳурку! Тасаввуф адабиётида худди шу ўтда ёниб, жисмини адо қилиши жиҳати билан керак бўлган-ку! Лекин ўтга кириб, ёнмай чиқадиган афсонавий бир жонзот ҳам бор. У — самандар. Самандар қуш эмас, калтакесакка ўхшаш бир ҳайвон сифатида тасаввур қилинади. Демак, қақнус ҳақидаги афсоналарни бузиб талқин этмаслик учун ҳам «Лисон ут-тайр»ни яхши билишимиз керак.

Қақнус тасвири талқинида бир пирнинг руҳи иккинчи бир соликка, тарбия бериши, тасаввуф истилоҳи билан айтадиган бўлсак, бир кучли руҳ иккинчи бировда «тажаллий топиши» мумкинлигини айтдик. Лекин руҳ тажаллий топишини, унинг келиб тарбия беришини дунёда руҳнинг кўчиб юриши, яъни ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган одамларда, ҳатто ҳайвону ўсимликларда қайта тирилиши ҳақидаги қадимий таълимотлар билан аралаштириб юбормаслик ёки бу иккаласини бир нарса деб тушунмаслик керак. Руҳнинг бошқа бировда қайта тирилиши, бошқача айтганда, ҳозирги одамларда илгари замонларда яшаб ўтган қай бир кишининг жони яшаётгани ҳақидаги таълимот араб тилида «таносух ал-арвоҳ» дейилади. Ислом бу таълимотни қатъиян рад этади. Албатта, тасаввуфдаги увайсийлик тушунчаси билан таносух ўртасида қандайдир билвосита алоқадорлик бўлса бордир. Лекин, айнан олганда, улар ўзаро кескин фарқ қилади. Чунки руҳнинг тарбия бериши пирлик билан боғлиқ. Аввало, ҳар қандай руҳ эмас, улуғ бир шайхнинг руҳи тажаллий топади, колаверса, ҳар қандай одамга эмас, соликка, суфийлик йўлига, кирган, шайхлик аломатлари бор инсонгагина тарбия берилади.

«Лисон ут-тайр»ни қайта мулоҳаза қилар экансан, қани энди, ҳар бир қақнус кулидан янги бир қақнусбача пайдо бўлса, деб ўйлайсан киши. Шу маънода, ҳазрат Алишер Навоийнинг руҳи поклари ҳам, орадан асрлар ўтганига қарамай, келиб қай бир соҳиби истеъдод ўзбек йигитининг тарбиясига машғул бўларми-кан? Агар миллат руҳий поклани-шнинг ота-боболаримиз бир пайтлар ҳадди аълосига етказган даражалари сари интилса, шундай кун келиши муқаррар.

Мен бунга ишонаман!

Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида яшаб, ижод этган Шайх Назарбой тадбиркор, довюрак ва ўткирфаҳм инсон бўлган. Шайх Назарбойнинг бу хислатларини сезган Муҳаммад Раҳимхон уни Кўҳна Урганчга ҳоким қилиб юборган. Шайх Назарбой даврида фуқаро осойишта, тинч ҳаёт кечирган. Самимий, кўнгилчан ҳоким кўпгина фидойи ишлари билан эл орасида обрў-ҳурматга сазовор бўлган.

Шайх Назарбой шеърда ҳам маҳоратли бўлиб, Шиносий тахаллуси билан гўзал ва нафис дурдоналар яратган. Ҳасанмурод Лаффасий «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида Шиносий тўғрисида шундай маълумот келтиради:

БЕБАҲО ҒАЗАЛИЁТ

«Ошиқона ғазаллар бўлса-да, ёзганлари нуктадон эди. Унинг ҳар бир шеъри бир гавҳари бебаҳо бўлуб илм ғаввослари ондин мингларча маъни ҳосил қилур эрдилар». Шиносий шеърларидан воқиф бўлиб, унинг истеъдодини сезган Феруз шоирни саройга чақириб, мансабдор вазифалардан бирига тайин этади. Феруз унга моддий ва маънавий кўмаклар беради.

Феруздан кейин Шиносий жуда оғир кунларни бошидан кечиради. Хива хонлигига қайси душман ҳужум қилса, Исфандиёр Шиносийни қалқон этади. Шижоатли бу инсон ҳар ғалги жангларда ғолиб келади. Бироқ хизматлари эвазига охир-оқибатда Исфандиёр уни ҳибсга олиб, мол-мулкларини мусодара қилдиради ва кўп ўтмай Шиносий Исфандиёр томонидан заҳар бериб ўлдирилади.

Шиносий шеъриятида дард бор, изтироб бор. Унда шоирнинг гўзал ўйлари, соф ва беғубор туйғулари бор.

Табиий «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасида Шиносийга шундай баҳо беради:

Шиносийки бор фозили ҳақшунос,
Онга фаҳму дониш эрур беқиёс.

Шайх Назарбой ШИНОСИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Етар кўнглумға ул ой ҳажрида ҳар лаҳза ғам, ёраб,
Сиришким хун қилиб афғон чекарман дам-бадам, ёраб.

Қоронғудур сочи савдосида кундуз манга тундек,
Қадим бўлмишдур онинг қомати фикрида хам, ёраб.

Даме форғ эмас эрсам тонг эрмасдур манга онсиз,
Жаҳоннинг айши бирла роҳати бўлмиш адам, ёраб.

Қадим нундур, кўзум хундур қоши лаълини шавқида,
Кўруб ҳолимни мундоқ раҳм қилмас ул санам, ёраб.

Балолар тоғнни дашту мазаллат ичра бир кўрмай,
Буким Фарҳоду Мажнун ман киби ранжу алам, ёраб.

Жафо тошин отиб мажруҳ айлар дам-бадам жисмим,
Манга бўлғойму бу жавру ситам бир лаҳза кам, ёраб.

Бериб вуслат майин ғайр аҳлин айлаб маст ул маҳваш,
Шиносийға берур фурқат қаро шомида ҳам, ёраб.

●

Равшан эрмас чарх уза кун ул қуёш анворича,
Гулни ҳадди боғ аро бўлмоқ рухи гулзорича.

Сарв ўзин монанд эта олмас қади зебосиға,
Зийнат ичра сунбул эрмас зулфини ҳар торича.

Наргиси фаттон ўлуб қилғоч бизи юз мунфаил,
Рашк ўтиға ёнди бўлмай нарциси бечорича.

Эй кўнгул, дайр аҳлининг тўтийи шакарлаблари,
Нуқтаи ширин эмасдур шаккарин гуфторича.

Ишқ тиғи таънасин урманг жаҳон ичра манга,
Қаттиғ эрмас бу эламлар лаълининг хумморича.

Ўзгага вобаста, эй дил, бўлма бу олам аро,
Йўқ малоҳат ичра ҳеч ким маҳвашим дийдорича.

Имтиҳон эт, эй Шиносий, даҳр элин маҳвашлари
Ҳусн аро монанд эмасдур партави рухсорича.

●

Куй ичра хиромингиз ярошур,
Мажлисда каломингиз ярошур.

Мажмуи русуми хўблиқға
Халқ ила низомингиз ярошур.

Бўлмиш бошингизға басо солиб
Давлат қуши ромингиз ярошур.

Рафъ̆натда сеҳрдин буюкроқ
Ҳам бўлса мақомингиз ярошур.

Эл қилса эшигингизда хизмат,
Субҳ ила шомингиз ярошур.

Олдингизда жамъи дилраболар
Ки, бўлса ғуломингиз ярошур.

Фурқатда Шиносий ғариба
Ки, коҳи паёмингиз ярошур.

●

Бошимға кетурди минг бало кўз,
Сайд айлабон они бир қаро кўз.

Юз нозу карашма айлаб они,
Мандин доғи айлади жудо кўз.

Ҳар сориға солибон назарлар,
Кўнглумга кетурди минг жафо кўз.

Нундек қадим ўлди хам на айлай,
Кўргузмасидин манга вафо кўз.

Кўрса қилур эрди раҳм ҳолима,
Бир йўл манга қилмади ниго кўз.

Оҳ айласам оташин ниҳонда,
Куйгуси бу арз ила само кўз.

Жон бирла тан айласам фидо,
Боқмас манга ор этиб қиё кўз.

Ондин етадур манга жафолар,
Мендин бўлубон онга вафо кўз.

Йиғласа тун-кун Шиносийосо,
Лутфу карамиға тут яно кўз.

●

Бўлмади осуда кўнглум бир нафас ҳижрондин,
Ваҳки, йўқтур мужда ҳам ул наргизи фаттондин.

Жустужў қилсам тамошойи жамолин истабон,
Айламас зоҳир юзин, айлар ибо пинҳондин.

Соғи қаддиға жон нақдин нисор айлар эсам,
Тўлдирур ашк ўрниға ики кўзимни қондин.

Зор кўнглум гулшани васлин таманно айлабон,
Солғуси сонсиз яролар новаки мужгондин.

Таъни тиғидин дамодам хотирим ношод ўлуб,
Ваҳки, ҳажр андуҳида билкулл кечибман жондин.

Зор йиғлаб дам-бадам, ҳарён боқарман дам-бадам,
Лутфи уммид айлабон ул лаъли лаби хандондин.

Эй кўнгул, мунча маломат хавфин изҳор этмагил,
Кимса билгай не чекар бу зори саргардондин.

Лаҳза-лаҳза юзланиб минг турфа ғамлар жонима
Еткурди ҳижрон офати ул фитнан даврондин.

Эй Шиносий, бўлмагил озурда ҳажр айёмиға,
Тонг эмасдур шод бўлсанг ишрати жонондин.

●

Эй ёр, ҳар кунумдур бир тийра шом сенсиз,
Оқғуси қонлиғ ашким кўздин мудом сенсиз.

Бу зори бедилингға эй маҳвашим туну кун,
Бўлди вуҳуш хайли ичра мақом сенсиз.

Берсанг зиёни бўлди кулбамға оразингдин,
Ҳар тун кўзумга бўлмиш уйқу ҳаром сенсиз.

Зиндони тийра янглиғ бўлмишдурур бу олам,
Ман зори бенаваға, эй хушхиром, сенсиз.

Май ичмак ила кўнглум не ком топғусидур,
Борму манга жаҳонда бир лаҳза ком сенсиз.

Бўлсун хароб иши раъйингға дўнмаса чарх,
Мулки жаҳонға бўлмай бу ҳам интизом сенсиз.

Раҳм айлагил Шиносий ҳолиға, эй ситамкор,
Шавқ ўтиға вужуди ёнди тамом сенсиз.

●

Оҳ урмоқ ишим шому саҳар ёрдин айру,
Ҳолим десам эрмас дам ағёрдин айру.

Зеру забар ўлсун фалаки кажрав илоҳи,
Чун қилди мани ул кўзи хуммордин айру.

Фурқат уза йўқ айб хомуш ўлсам агарким,
Булбулға не ҳол ўлғуси гулзордин айру.

Ғам кулбасида тенг манга кечаю кундуз,
Йўқ ою қуёш кўзима дилдордин айру.

Ҳижрон туни, эй аҳбоб, нетонг йиғлар эсамким,
Қондур жигарим ул юзи гулнордин айру.

Тенг манга чун ёр жафо бирла вафоси,
Бўстон аро йўқ бир гул агар ёрдин айру.

Дарду ғам аро жониға етмишдурур ўлмай,
Бечора Шиносий даме озордин айру.

Ўзбек адабиёти намуналари

●

Чун ҳолима раҳм этмади ул ёри жононим менинг,
Чиқса фироқида онинг эмди нетонг жоним менинг.

Не чора қилғум, дўстлар, ман нотавони зорким,
Ул ой эшитмас бир нафас фарёду афғоним менинг.

Мундоқ манга зулму ситам қилғойму эркан ул санам,
Маълум анга бўлса эди ҳолн паришоним менинг.

Равшан бўлур эрди ики тийра кўзим ҳижрон аро,
Келса эди ораз очиб ул моҳи тобоним менинг.

Билкулл кўнгул кўзгусидин маҳв ўлғай эрди занги ғам,
Бир йўлн деса эрди гар: «Эй, зору ҳайроним менинг».

Кўнглим нашот ила фарах топқусидур андозасиз,
Ман сори боқиб сўз дегач, ул лаъли хандоним менинг.

Эшитти Шиносийдек сўзим овозаси афлокдин,
То «Шеър айтғил», деб манга амр этти султоним менинг.

●

То баҳор ўлди дарахтлар сабза изҳор айлади,
Сув оқиб ҳарён қуруғ ерларни саршор айлади.

Бўстон ичра бўлуб сарву санувбари жилвагар,
Ишқида қумрини афғон чекдуруб зор айлади.

Юз назокат бирла ҳарён ғунча гуллар очилиб,
Булбули шўридага чеҳра намудор айлади.

Сайри гулзор истаги ҳар кун чиқиб гулчеҳралар,
Ошиқи бечораларға арзи рухсор айлади.

Бир нафас ғамгин кўнгулларга етиб файзу сурур,
Шод ўлуб оҳанги сайри боғи гулзор айлади.

Асросун жумла балодин ҳақ таоло ониким,
Базмгоҳни Тоза боғ жаннатосор айлади.

Ул шоҳи одилини адлидин улус мамнун ўлуб,
Бу Шиносийдек дуо ҳақида бисёр айлади.

●

Оҳким даврон ғами афзун бўлур ҳардам манга,
Бу жиҳатдин хун эрур кўзлардан оқғон нам манга.

Кимсаларгадур соқийси тутуб жомн мурод,
Бергуси нокомлиқ жомиға солиб шам манга.

Борҳо ёлғуз эрурман ҳамдамим дарду алам,
Йўқ экан ҳаргиз алардин ўзга бир ҳамдам манга.

Бордурур на мунису на ғамгусору на рафиқ,
На кўнгулнинг сиррин афшо қилғудек маҳрам манга.

Қондурур ҳар гулжабиннинг орзусида кўнгул,
Ҳам жиҳатдин бирсарвқад фикрида қомат хам манга.

Мунҳадим бўлсун илоҳи чархи мақсад бобини
Ўзгага қилди очуғлик, айламиш маҳкам манга.

Арзи ҳолимни баён айларга ҳомнйи бўлмади,
Ваҳки, бу даргоҳи олий ичра бир одам манга.

Доимо ихлос ила қилғум дуо умид этиб,
Не ажаб қилса карам бир кун шоҳи олам манга.

Эй Шиносий, фикр қилсам ғам емак эркан абас,
Тахти давлатда саломат бўлса шоҳ на ғам манга.

Нашрга тайёрловчи:
Гулсара ИСМОИЛОВА

Мирпўлат Мирзо фақат шоир сифатида эмас, таржимон сифатида ҳам кўпчиликка яхши таниш. Унинг турли халқлар шоирларидан қилган таржималари ўқувчилар қалбидан теран жой олган.

Мирпўлат яқинда Нобель мукофоти лауреати Борис Пастернак шеърларини ўзбекчалаштириб, «Осмон ёришган дамлар» номи билан тўплам тайёрлади. Тўпламга машҳур рус шоири А. Вознесенский сўзбоши ёзди.

Пастернакнинг ана шу тўпламига кирган бир туркум шеърларини ва мазкур мақолани ҳавола этмоқдамиз.

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ТАЗКИРАСИ

ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ

Ўсмирлигимнинг масъуд айёмларида — энг бахтиёр кунларимнинг бири Борис Леонидович Пастернак ҳузурига борганимда сочлари калта қилиб олинган даҳо менга Ахматованинг «Тошкент достони»ни — Анна Андреевна унга ўқишга берган нусхани ҳадя қилганди.

«Кетолмасман сенсиз, Тошкент достоним...» сатрлари дилимга муҳрланди. Шу онлардан бошлаб ўқувчилик онгимдаги Пастернак ва Ахматованинг тақиқланган, муқаддас исмлари ёнига достонга айланган шаҳар номи ҳам қўшилди.

Зилзилани эшитиб, Тошкентга учиб келганимда дастлаб Ахматова яшаган уйни топиш учун югурганман. Унинг деворлари машинкада ёзилган саҳифаларни эслатганди.

Мана, эндиликда Борис Пастернак тўплами Тошкентда нашр этилмоқда. У шундоқ бир кунларда — бизни кўп ғалат ер ва халқлар силкинишлари саросимага солаётган даврда нашр қилинмоқда. Демак, поэзия ва маданият биздан ҳеч қачон бегоналашмайди. Шеъриятга бўлган муҳаббат, Пастернакка бўлган эҳтиром одамларни бирлаштирмоқда.

Алғов-далғовли, қон тўкилаётган бугунги кунда Переделкинодаги Пастернакнинг сокин музейига Москвадан, Нью-Йоркдан, Ригадан, Тошкентдан келаётганлар ҳақиқат истаб қадам босадилар, бунда инсоний теранлик ахтарадилар.

«Доктор Живаго» асари бугунги кунда худди замонавий асардек ўқилади — вайронагарчилик, қаҳатчилик, фуқаролар урушида тўкилаётган қонлар, маданиятнинг инқирозию зиёлиларнинг қадрсизланиши... Романдаги бош фикр — ҳаётга сўқирларча муносабат эмас, балки инсонга хос яшамоқ фалсафаси — нақадар бугунги кунимизга яқин!

Мен Борис Леонидовични 14 ёшимда танидим ва 14 йил давомида ҳаётим унинг суҳбатларидан мунаввар бўлди. Шоял ушоқ хотираларим билан улуғ шоир сиймосига бир неча чизгилар қўшган бўлсам.

Борис ПАСТЕРНАК

МАРГБУРГ

Титрардим мен. Азобларда ёниб-ўчардим.
Қалтирардим. Ва ниҳоят дил ёрдим-у, оҳ,
Англадим: кеч, хайф умидлар, рад қилди дардим.
Сўнг кўзига ёшлар қалқди. Менда не гуноҳ.

Яланг майдон сари чиқдим. Мисли қайтадан
Туғилгандим. Теграмдаги борлиқ ҳам, зеро,
Яшнар эди, менга парво қилмай сира ҳам,
Аммо энди барчасида теран бир видо.

Йўл — нақ оташ, қизиб ётган кўча манглайи
Қорайганди ҳамда бужур тошлар осмонга
Хўмраяр ва сарин эпкин қайиқчи каби
Эшкак эшар арғувонлар узра ўрмонга.

Мен борлиқнинг ғусса қалққан нигоҳларидан
Қочдим. Мунглиғ саломларга на жавоб қилдим.
Нурсиз, зада юрагимга сиғмасди қил ҳам.
Бехос ҳўнграб юбормаслик учун отилдим.

Шубҳапараст туғма туйғу, кекса-ялтоқи
Дил оздириб қийнар ҳамда пусиб изма-из
Ўйлар нуқул: «Ғўр ошиқлар! Ожиз тутақиб,
Иккиси ҳам жонидан ўч олмасин ҳаргиз».

«Юргин, юргин» деб ундар-у ул туйғу фақат,
Бошлар қари донишманддек вазмин илгари.
Кирдим қизғин новдалари чирмашган дарахт,
Настаринлар, оташ ҳислар оғуши сари.

«Юргин, кейин югуришни ўргангунг ҳатто»,
Таъкидларди такрор-такрор, қуёш тиккадан
Боқарди, ки ерлик зурёд қандай шу асно
Ёт, бегона маъволарда ташлар деб қадам.

Булар бари кўп кўзларни қамаштирса-да,
Туюларди бошқаларга зим-зиё лекин.
Кавкабгулнинг остин титар бир тўда жўжа,
Чирилдоғу ниначилар сайрарди бетин.

Сопол томлар жимирлар ва бўғриққан осмон —
Узра офтоб киприк қоқмас. Маргбургда эса
Кимдир хуштак чалиб ясарди камон,
Кимдир Троицк бозорига отланар бесас.

Сарғаярди қум соҳиллар, булутни ямлаб.
Чақмоқли уфқ бутазорлар баргини ўйнар.
Тунд, қўрғошин тусин олган ҳаво эрир ва
Баргизубга зардоб янглиғ томчилар қўнар.

Шу кун сени олиб юрдим ўзимда буткул,
Шекспирнинг фожеларин севган фидойи
Санъаткордек ва номингни такрорлаб буткул
Санқидим мен шаҳар бўйлаб дилгир, савдойи.

Ҳузурингда йиқилганда қучоқлаб беун
Туманни бу, музни бу ва мажҳул бўшлиқни
(О, қандайин яхши!) — дилни оздирган қуюн...
Не ҳақдайди? Эсла! Йўқ у. Қучар йўқликни.

Бунда Мартин Лютер ўтган, ака-ука Гримм...
Кунгурали том. Дарахтлар. Қабр тошлари.
Сира ёддан ўчмагандек, ҳаммаси тирик.
Боқий руҳга, кўҳналикка ярашиқ бари.

Йўқ, эртага қайтмагайман у ёққа зинҳор.
Ажралишдик. Алвидо. Бас. Орамиз очиқ.

Бизга вокзал ур-урҳоси эмас дахлдор.

Нетурман мен, айтинг, кўҳна бинолар тоши?

ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Бундан роса уч ой муқаддам,
Ҳимоясиз боғчамиз сари —
Кирганида бостириб бирдан
Қишнинг оппоқ изғиринлари,

Чамалаган эдим ўзимча,
Кетаману узлатга гумдон —
Бойитаман тўпламим пича
Шеърлар битиб қиш ҳақда чунон.

Лекин руҳим майда ташвишлар
Кўмдилару қор уюмидай,
Сезмай қобман — қиш ҳам бир маҳал
Яримлабди, қарасам бундай.

Уқдимки мен, шунда не учун
Қор селпиниб ёғиб турган он —
Учқунларин сўндирса ҳам тун,
Тикилганин боғдай уй томон.

Совуқларда оқариб лаби
Шивирласа ҳамки: «Шошилгин!»,
Кулгандим мен бир даққи каби,
Очган кўйи қаламим учин.

Ўлтираркан чироқ ёнида
Тонг чоғи суст ўйларга тўлиб,
Қиш ров келиб кетибди, менга
Ниманидир эслатмоқ бўлиб.

Мирпўлат МИРЗО таржималари

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ИЛДИЗЛАР

Изғирин шохларни юлқилаб тортар,
Изғириннинг қаҳри билмас сира чек.
Ер бағрига сингган илдизлар фақат,
Яланғоч дарахтни сақлаб турар тик.
Олис ўлкалардан қайтар турналар,
Илиқ ҳароратдан уйғонар тупроқ.
Баҳор чоғи тирик илдизлар сабаб,
Дарахт қайта гуллаб, ёзади япроқ.
Ёзда япроқларни куйдиради кун,
Ҳосилга гармсел ҳовири урар.
Уларга қовжираб қолмасин учун,
Илдизлар тинимсиз сув бериб турар.
Кузда эгилади дарахтнинг қадди,
Хуштаъм ҳосилини татиб кўрамиз...
Бундай пайт илдизлар унутилади,
Кўпинча мевасин мақтаб юрамиз.

●

Театр...
Томоша бормоқда, қаранг,
Томошага боқиб ақл лол қолар.
Ана, у — ёзса ҳам исмини аранг,
Ўзин алломадай кўрсата олар.
Буниси — қаддини букиб икки қат,
Лаганбардор ролин қийиб ташлайди.
Бошқаси — дўстининг ғамидан хурсанд,
Сиртдан ачингандай кўзин ёшлайди.
Бири — мансабпараст, кетса ҳам юрти,
Фақат кетмаса бас, амали қўлдан.
Бири — ўринлатиб мунофиқликни,
ҳатто шайтонга ҳам бера олур панд.
Бу актёр меҳнаткаш ролини буткул
Ўйнайди чинакам меҳнаткаш бўлиб.
У тиним билмайди, ишлайди нуқул,
Ачиниб кетасан аҳволин кўриб.
Театр...
Томоша бормоқда, қаранг,
Кимда талант бўлса иши юради...
Талантсиз кишининг ҳоли бунда танг,
У аксар саҳнадан четда туради.

●

У кутар ҳаммадан карам, илтифот,
Бу ёруғ оламда бўлса бас, ўзи
Қимнингки ҳаётда иқболи порлоқ,
Отишга ўқи йўқ, кўришга кўзи.
Тақдир ўйинлари ғалати, мубҳам,
Баъзан юрагингни азоб тиларкан.
Гоҳ шу тахлит худбин каслар билан ҳам
Ўлтириб туришга тўғри келаркан.

Ғадаркуш

ТАСАВВУР ҲИКОЯ

I

ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛМОҚ... Йўқ, ҳали ўлимгача икки қош орасича, борингки, икки дунё орасича масофа бор... ва бир ҳаёл умрича, борингки, бир парча осмонча фурсат ҳам бор.

Худди шу масофа — ҳамма кўргиликлару, аянч фожиаларни туғар экан.

Худди шу ноаён фурсат — уларни ва уларни вояга етказар экан.

Табиатнинг қошида одамнинг моҳияти ва қадри бир дарахт ё майсанинг, борингки, бир чумоли ё филнинг моҳияти ва қадридан заррача баланд эмас. Заррача ҳам...

Одам Ато ва Момо Ҳавонинг миллионлаб саргардон, сарбасар болалари қайдан келиб, қаён кетаётганини, нима учун кўраётганликларию, нима учун эшитаётганликларини, ҳатто баданидаги бир тукининг ҳаракати ҳам фазодаги азалий ва абадий долғалар билан боғлиқ эканлигини англай олмай яшайверади. (Балки юраверади... Балки...)...

— Қизиқ нима учун уйқумиз келар экан? Нечун соатлаб бу дунёни тарк этиб ухларканмиз?

— Уйқу ўлимнинг элчисидир. Инсон уйқу билан ўлимга ҳозирланади.

— Ёлғон. Инсон уйғоқ ҳаракатлар билан ўлимга ҳозирланади, ҳаракатлар ва амалларнинг, барчаси ўлимдан кейинги замон учун кўр-кўрона тайёргарлик, ҳолос. Демак, сенингча уйғоқлик ёлғон-у, уйқу рост экан-да?

— Ҳовлиқма. Ўлимнинг нима эканлигини ўлганлар билади. Тирикларнинг бирортаси азал ва абаднинг бу сиридан воқиф эмас.

II

КЕЧКИ ПОЕЗД БИЛАН ТОШКЕНТГА жўнаши керак бўлган раис Болтабой қассобга одам юборди.

Юборилган одам раснинг ҳамма гапларини оқизмай-томизмай, фақатгина «мен» ўрнига «у»ни қўйиб қассобга етказди:

— Бугун раисимиз кечқурун Тошкентга кетар экан. У ёғда бир каттаконнинг уйига бораркан. Каттанинг ўзи қази деган овқатни зўр тайёрларакан. Бу овқат от гўштидан бўларакан. Шунинг учун раис кеча уюрдан этли бир йилқини обкелдириб қўйди. Шу йилқини ҳазир бориб сўяракансиз. Гап шу.

Дўкон пештахтасига суяниб, сотилган гўштнинг фойдаси билан зарарини чамалаб, пулини санаб бўлган қассоб, қон ва ёғдан ялтираётган бўлиқ кафти билан пешонасидаги терни сидириб, кескин жавоб қилди.

— Мен от сўймайман. Отнинг деви бўлади. Қўрқаман.

— Раис кўнглига оғир олади, юринг-е.

— Мен от сўймайман. Бундан етти йил аввал Қултой қассоб от сўйиб, бечора вос-вос касалига дучор бўлган эди. Ажалимдан аввал ўламан деб юрганим йўқ. От сўясиларми, ит сўясиларми ўзларинг сўяверинглар.

III

РАИС ЭСА, ОТНИНГ ДЕВИДАН КЎРА, Тошкентдаги девдан кўпроқ қўрқар эди. Шунинг учун ҳам қассоб топилди. Кўндирилди...

Элнинг тўйлари-ю йиғинларида улоқ чопиб, кураш тушиб, ном чиқариб юрган, умрида бор-йўғи икки-уч қўйни сўйиб кўрган йигирма бир яшарли алп қоматли Бекдавлат чавандоз йилқини сўядиган бўлди.

Бекдавлат яқинда уйланган, ҳали чилласи чиқмаган, чимилдиқнинг хуш ҳавосидан маст юрган куёв эди. Раис ва унинг ҳамтовоқлари бу соддадил йигит умрининг энг фараҳбахш, ҳаяжонли асал ойини ҳаром қилишдан тап тортмадилар.

Йилқининг олдинги ва кейинги икки оёғига арқон боғлаб, куч билан тортдилар. Йилқи илдизлари билан суғурилаётган улкан дарахт каби гурсиллаб ерга йиқилди. Сўнг ҳайҳайлашиб, отнинг туёқларигача зириллаб, титранаётган тўрт оёғини ҳам махкам қулидилар, ерга суйкалиб, тупроққа қорилган бошини қонжалоқ устига қўйдилар. Қонжалоқ ўлжасини ютишга ошиқаётган аждаҳонинг оғзидай очилиб қон ичишга тайёр турарди.

Бекдавлат чап тиззасини ерга, ўнг тиззасини от ўмганига тираб, тиззанлаб туриб, йилқининг бўғзига пичоқ тортди...

...йилқи даҳшат билан хириллар, бўғзидан нафасига қўшилиб, қўпикланиб, иссиқ қон отиларди. Шўрлик оёқларига тортиб боғланган арқони узиб юборгудай жон талвасасида силкинарди. Бу ўта кучли ва ўта ожиз силкиниш қатл этилган тандан вулқондай отилиб чиқаётган жон худди шу танда, яъни от вужудида содир этаётган даҳшатли зилзиладан бошқа ҳодиса эмасди... Гўё бу машъум зилзила шафқатсизлик билан маҳкум тандаги тоғлар-у ўрмонларни таг-томири билан қўпориб ташлар, дарёлару қўлларни айқаш-уйқаш қилиб, табиат шу вужудга суяклар шаклида жойлаган иморатлар-у эҳромларнинг кулини кўкка совурарди. Ҳайратким, бир лаҳзада ер остида содир бўладиган зилзилалардан кўра, ер устида кечадиган зилзилалар ўн ҳисса кўпдир.

Йилқининг сўйилган бўғзидан кесиб ташланган жон томирлари отаётган мудҳиш қонли фавворага қўшилиб, одамзот англаб етолмайдиган даҳшатли нолалар учиб чиқарди. Ва бу нолалар қон каби қонжалоққа қуйилмас, сўз ё товуш каби одамларнинг қулоғига ҳам кирмас, балки кўзга кўринмас фариштa қушлардай учиб, ҳавога сингиб кетарди.

Бир неча дақиқалик аянчли тарих жараёнида қонжалоқ кўпирган қуюқ қон билан тўлди. Лекин бу фожиали ҳодиса ўлим эмасди. Шўрлик йилқи ўз ўлимига ҳам етолмаганди.

Биз орамиздан бутунлай кетган одамларни яшаб улгуролмади, деб айтамиз. Ким билсин, балки улар ўлиб улгуролмагандирлар.

Бекдавлат йилқини бўғизлаб бўлгач, ўрнидан тураётиб, отнинг очиқ қолган кўзларига беихтиёр кўз ташлади. Одамзот вужудидан ташқаридаги онг ўйинларига қарангким, Бекдавлатга йилқининг очиқ қолган кўзларида одам юргандай туюлди. Ва ўзимнинг аксимдир, деган фикр миясидан яшин тезлигида ярқ этиб ўтиб кетди. У шу фикрига ишониб алданди. Одамни бошқалар эмас, балки унинг ўз мияси, ўз тасаввури алдайди. Алдадилар, деб айтаётган одамнинг мияси уни яна бир бора алдаётган бўлади.

Ҳолбуки, кўринган сир сира ҳам Бекдавлатнинг акси эмасди, балки, унга мутлақо нотаниш бўлган, ҳатто етти ухлаб унинг тушига ҳам кирмаган бошқа бир одам йилқининг очиқ қолган қайғули кўзлари ичида юрарди.

●

ШУ БИР НЕЧА СОАТЛИК қайғули ўтмишдан сўнг, орадан етим ел каби етти кун ўтгач, қишлоқда довруқли катта тўйда улоқ берилди.

Бекдавлат ҳам кўп қатори Мамадамин буғолтирнинг қорабайирини миниб кўпкарига оралади. Энди майдон чавандозларники эмас, осмонга қараб қишнаётган жангу-жадал шовқин-сурон талаб отларники эди. Айниқса, эркинлик истагида айғирлар олдинги оёқларини кўтариб, ҳавони йиртиб кишнашар, совуб ётган таналарини ғайрат оловида тоблар эдилар. Майдон ҳурпайтираётган тулпорларнинг томирларида аждодлари — ёввойи отларнинг қони гуркирарди.

Ер ойнадай зириллар, сонсиз туёқлар тупроқни титиб чанг-тўзон кўтарар, еру-кўкни сийрак сариқ туман қоплагандай чанг ёғар эди. Отлар ҳам — оломон, одамлар ҳам — оломон.

Худди шу олатасир тўполоннинг ичида Бекдавлат қулай фурсат етганида икки оёғини узангига тираб, қамчинини маҳкам тишлаб, отларнинг оёқлари остида топталаётган улоқ ўзанди. Афсус, қўли етмади. Лекин, улоқни юлиб кетишга ҳали имкон бор эди. Шунинг учун ҳам, у икки букилиб, энгашаверди, боши қорабайир бўйнининг пастки қисми қадар эгилиб борди. Узангига тиралган оёқлари эса узанги билан тобора эгар томонга юқори кўтарилиб кетаверди.

Шунда қорабайир бошқа бир от зарбидан қаттиқ силкинди. Бекдавлатнинг чап оёғи узангидан чиқиб кетиб боши билан ерга қулади. Ўнг оёғи эса узангида қолди.

Қўпкари чопаётган, қони қайнаган отлар чавандозларнинг «ҳай-ҳай»ига қарамай, Бекдавлатни топтай бошладилар. Залворли туёқларнинг бир неча кучли зарбаси омадсиз чавандознинг гавдасини янчиб ташлади. Унинг уч-тўрт дақиқалик нолалари-ю, фарёдлари отлар ва чавандозларнинг шовқини остида кўмилиб кетди.

...Бекдавлат оғриқни сезмай қолаётган сўнггги жон чиқар палласида нимагадир(?) йўлбарслар ҳақида ўйлади. Ўз-ўзидан ўша шафқатсиз ва ёвуз саналувчи йиртқич йўлбарсларга унинг меҳри товланиб кетди. Топталган, эзилган вужудидан катта-катта, маржонмаржон тер қуйила бошлаган чоғда на отларни, на одамларни, на ғубор тўла осмонни кўра олди у.

Лекин ҳудди шу сўнгги лаҳзада Бекдавлат ўз оғзидан чиқиб кетаётган жонни ва кўзига кириб келаётган баҳайбат бир йўлбарсни аён кўрди.

Бу аянчли ҳодиса ҳам бўғизланган йилқи билан содир бўлган воқеъ каби ўлим эмасди. Бекдавлат ҳам ўша жувонмарг йилқи каби ўз ўлимига етолмаганди. Ҳали ўлимгача фурсат бор эди...

●

БЕКДАВЛАТ ОДАМЛАР ОРАСИДАН кетган куннинг, қаро ерга топширилган куннинг эртасига, унинг эзиб ташланган, симсиёҳ мурдасини ювиб, сўнг манзилга кузатган ғассол хотинига айтди:

...Дарвоқеъ, ғассолнинг хотини тор тўшак устида, кенг тўшак остида ўз эрининг ҳиссиётларини қўзғашга уринаётган чоғида ғассол хотинига айтдиким:

— Мен Бекдавлатнинг очиқ қолган кўзларида қотиб қолган йўлбарс суратини кўрдим. Эҳтиросларнинг қули хотин бу совуқ гапни эшитиб, бирдан тинчиди. Ва кўп ўтмай пишиллаб ухлаб қолди. Қанча-қанча ўлимлар-у, ўликлари кўрган ғассол эса шу кеча ўлим ва ўликлар ҳақида ўйлади.

IV

БИР КЕЛИНЧАК ЎЗ КУЁВИНИ қанча суйса, бир аёл ўз ошиғи — эркагини қанчалар суйса, борингки, бир мусича ўз жуфтини қанча суйса, Ойбарчин ҳам Бекдавлатни шунчалар суяр эди.

Бу муштипар келинчак ўз жуфти ҳалолининг фожиасидан сўнг нечоғли аламлар ва азоблар тортганлигини унинг ўзи ва худонинг ЎЗИ билсин.

Бекдавлатнинг йили ўтгач...

...Осмондаги ой кузги олма каби етилиб, тўлишган фараҳли бир ёз кечасида, тун ярмидан оғиб, чирилдоқлар эҳтирос билан ўз жуфтларини товуш чиқариб чорлаётган ойдин бир кечада Ойбарчиннинг ҳаловати бузилди.

Шу кечада қайғу ва алам билан қоришиб кетган ширин ва ҳузурли бир эҳтирос унинг одамий ҳам ҳайвоний вужудини мароқ билан тилкалар эди. Шу аламли, эҳтиросли тунда Ойбарчин ўз эркагини тусади. Момоларидан мерос қолган қон, аёллик кучи ва аёллик эҳтиросидан унинг пок тўшаклари шилқиллаб терга ботди.

Ёз осмонидаги ой ҳар қандай «ўлик» вужудни-да фараҳли эҳтиросларга тўлдириб юборадиган даражада етилган эди. Ойнинг ипак нурлари, дунёдаги жамики тирик жонзотларнинг кўнглини қитиғлар ва уларни ҳиссиётлар байрамига чорларди. Табиатнинг бундай нодир кечаси фақат юз йилда бир марта қайтарилади. Ва шу кеча оғушида дунёнинг тирик жонзотлари чумолилару, чигирткалар, филлар ва балиқлар, ҳашаротлар ва илонлар, кийиклар ва одамлар ҳамма-ҳаммаси ўз жуфтлари билан бир вақтда, баравар қовушадилар. Айнан шу буюк кеча туфайли юз йилда бир марта дунёдаги ҳайвонот ва инсоният авлоди янгиланади.

Ойбарчин эса табиатнинг бу сиридан воқиф эмасди, шунинг учун ҳам, у ўзининг нечук бу абгор аҳволга тушганини англай олмай ўтов ичида мойчироқнинг хира ёғдуси ва чангароқдан шовуллаб оқиб кираётган ой нурлари ёритаётган тўшаклар устида куйиккан кийикдай тўлғаниб ётарди.

Шу пайт ўтов эрганаги — эшигини ташқаридан кимдир тирнай бошлади. Ойбарчин бироз ўзига келиб, сергак тортди. Ой нури ва мойчироқ ёғдусидан ёришиб турган ўтов зулмати ваҳимали тус олди. Кўп ўтмай ташқаридаги кимдир ўзини ўтов эшигига ура бошлади, ичкаридаги илгак занг босган қўнғироқдай шиқирлади. Яқин атрофда итлар улидилар.

Ноаён бир журъат, қандайдир бир куч Ойбарчинни ўрнидан турғизиб юборди. У ўзини билмай эшик олдига бориб, илгакни туширди. Йўқ, бу пайт Ойбарчин эмас, унинг вужудида бошқа бир аёл, ўзга бир табиат ҳаракат қиларди.

Эрганак зарб билан очилди. Эшик олдида ҳайбатли бир йўлбарс турарди. Тўлишган ой нурлари остонадаги меҳмоннинг вужудини кўркам ёритарди.

Шу дамда Ойбарчиннинг хаёлида йўлбарснинг оёғига кирган тиканни тишлари билан суғуриб олаётган бир момоси кўринди. Ё фалак! Унга бу хаёлни ким ато қилди? Ёки, осмонми, ёҳуд томирларида оқаётган минг йиллик қонми? Ёҳуд юз йилда бир марта қайтариладиган, ҳатто, йўлбарс кўзларигача ёритиб турган эҳтиросли нодир кечами?

Ойбарчин йўлбарснинг кўзларига қараб, бу кўзларнинг қараб эмас, илтижоли термулиб турганлигини аёл дили билан ҳис қила олди ва: — Келинг, меҳмон, — деди.

Ичкарига кирган йўлбарс, даставвал Ойбарчиннинг тўшакларини ҳидлай бошлади. У ҳар гал тўшакларни тўйиб ҳидлаганидан сўнг осмонга қараб завқли қичқирарди. Кейин йўлбарс ўтов керагаларига бола ўз онасига қандай суйкалса, шундай суйкалиб ўйнай бошлади.

Ойбарчин, балки бу тушдир деб ўйлади-да, оппоқ тўшаклар устига томошаталаб малакафхрланар, изидан туф-туфлаб юрар, елкасига кўз туморлар тақиб қўярди.

Ўғлоннинг йўлбарс кўзларига ўхшаш катта-катта малларанг хотиржам кўзларига ҳатто ёши ўтиб қолган одамлар ҳам тик қарашга журъат қилолмасдилар. Чунки ўғлон ўн еттига тўлса-тўлгандир. Бу хотиржам кўзлар эса, балки минг йилни яшаб қўйгандир.

Ойбарчин айни ёруғ кунларининг хуш ҳавосидан сармаст турарди.

...Лекин ўғлоннинг пешонасида машъум бир битик бор эдиким, бу битик Орзуманд Ёдгорнинг, дуоғўй онанинг барча орзулари-ю, имкониятларини, бутун ҳаётини остин-устун қилиб юбориши муқаррар эди.

●

ҚИШЛОҚДА ДАРЁ БЎЙИДАГИ қамишзорлар ичида йўлбарс пайдо бўлибди деган ваҳимали гап тарқалди. Юз йилдирки, бу ерлик аҳоли дунёнинг бу хилват манзилида йўлбарс қорағулоғининг дарагини ҳам эшитмай яшаб келарди. Одамлар энди дарё соҳилидаги қамишзорлар атрофидаги сайхонликлар ва чимзорларга молларини эндирмай қўйдилар. Аҳён-аҳён учрайдиган, сийрак ўсган саксовул ва патталарни кесиб келишиб, ўтин йиғишдан ҳам тортилиб қолдилар.

Йўлбарс ҳақидаги ваҳимали гаплар қишлоқда Ойбарчиндан бошқа ҳаммани ташвишга солди.

Қисмат ўтин йиғиш деган арзимас баҳона билан Ёдгорни дарё бўйидаги қамишзорга етаклаб кетди ва яшил ороллай ястаниб ётган чимзор билан қамишзор туташган жойда ўғлонни йўлбарс билан учраштирди.

Ёдгорни бир лаҳзага ваҳима босди. Ундан ўн қадамлар нарида сарғайган сийрак қамишлар орасидан ҳайбатли бир йўлбарс қараб турарди. Ўғлоннинг беихтиёр тизига титроқ тушиб, баданидан муздай тер чиқиб кетди. Йўлбарс эса кўринишидан хазонрезга юз тутган қамишлар каби хотиржам эди. Ёдгор билагидаги қирқ йигитнинг кучи, юрагидаги қирқ йигитнинг ғайрат ва шижоати зулумот сукунати каби бир неча лаҳзага ҳукмронлик қилган ваҳимани енгди. У ўзидан бир пиёла қонми, бир ҳовуч меҳрми сўраб турган ҳайвонлар султони сари мардонавор юриб кетди. Ва ўғлоннинг қўлидаги ўтин кесишга мўлжаллаб, чархланган болта қон исини олиб, ўйнай бошлади.

Худди шу дамларда йўлбарс дарагини эшитган Ойбарчин ўн етти йилдан бери орзиқиб кутгани — жуфти ҳалоли қайтиб келганлигидан суюниб, йўлбарс билан дийдорлашув учун йўлга тушган ва заъфарон қатл майдони — қамишзорга яқинлашиб қолган эди.

Ўғлон ердан юлдузгача бўлган масофани, инсондан ҳайвонгача, ҳаётдан ўлимгача бўлган жами ўн қадамлик масофани босиб ўтди. У қамишзорнинг ҳорғин манзарасига кўрк ва ваҳима бағишлаб турган йўлбарс қошида пайдо бўлди. Йўлбарс Ёдгорга ҳаяжон билан термулиб турар ва ташқаридан жуда хотиржам ва улуғвор кўринарди. Ўғлон бу ҳолни ҳайвонлар подшосининг одам зотига нисбатан беписандлиги деб тушунди.

Ўў-ў, агар Ёдгор аёл зотига мансуб бўлганида йўлбарснинг кўзларига чўкиб ётган сўнгсиз меҳрни, оталик муҳаббатини, азоблари, қайғуларини илғаган бўлиши мумкин эди. Лекин, унинг қонида эркакларга хос шафқатсизлик, худбинлик, зўравонлик ва ғалабага ўчлик ҳисси кўпроқ ҳукмрон эди. Шунинг учун ҳам, у қошида қулдай тиз чўкишга тайёр турган, керак бўлса, Ёдгорнинг оёқларини меҳр билан ялашга ҳозир бўлган, ҳатто ўғлоннинг бир жимжилоғи олдида сўнгсиз мағлубиятларни ҳар қандай ғалабалардан устун қўйишга тайёр турган йўлбарснинг қоқ пешонасига кескир болтани зарб билан урди.

Афсус, ота билан боланинг орасида вужуд деган машъум чегара бор эди. Йўлбарс бундан ўн етти йил муқаддам бу чегарани ёриб ўтганди. Ёдгор эса...

Висол умидидаги Ойбарчин қисматнинг қатл майдонига етиб келганида тик туриб ўлган заъфарон қамишларнинг оёқлари остида йўлбарснинг — Бекдавлатнинг боши иккига бўлиниб ётарди...

Бўғизланган йилқи қачон ўлганлигини билмадик, — лекин, Бекдавлат худди шу куни дарё бўйидаги қамишзор ичида ўлди. Илло, боши болта билан иккига бўлиб ташланган йўлбарснинг кўзларида ҳеч қандай сурат қолмаганди.

Йўлбарснинг кўз косаларида кўзлар ҳам йўқ эди. Бир жуфт қисқат косалари қуюқ қон билан тўлганди.

●

Йигирма бир ёшида одамлар орасидан кетган Бекдавлатни қирқ ёшида, шўрпешона ўғли қатл қилди. У ўлим топди.

Эшқобил ШУКУР

ЗИЁ ЁНИҚ ҚАЛБДАН ТАРАЛАДИ

— 1970 йилнинг кузи эди, — деб хотирлайди шоир Саъдулла Аҳмад, — биз битирувчи курс эдик. Журналистика куллиётида таржима назарияси ва таҳрир кафедраси очилибди, унинг мудири Ғайбулла Саломов экан, деган хабар тарқалди. Кафедра ва унинг мудири талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Ғ. Саломовни сиртдан билардик: бир нечта салмоқдор монографиялар муаллифи, «Фан ва турмуш» журнали, Ўзбек қомуси таҳририятини ташкил этган, Қомуснинг Сўзлиги ва дастлабки жилдларини нашрдан чиқарган номдор олим, фаол ватанпарвар зиёли. У киши билан биринчи мулоқот ҳам бизнинг курсда бўлганди. Ростини айтсам, курсимизда билимдон. синчков болалар кўп эди, уларнинг аксари ҳозир эл таниган шоир, ёзувчи, газета ва журналларнинг муассисию муҳаррири бўлиб ишламоқдалар. Биз домлани обдон «синамоқчи» бўлганмиз, аммо бора-бора унинг теран ақли, чуқур билими олдида лол қолиб, қизғин суҳбатлар тарзида ўтадиган маърузаларининг сеҳрига тушиб қолганмиз. Ғ. Саломов фақат билими билан эмас, самимияти, ҳақгўйлиги, содда бир заковату завқли илҳоми билан ҳам тингловчини ром этади. Таржима унинг учун шунчаки бир ўқув предмети эмас, балки сўз оламини, ижод сирларини кашф этиш воситаси, бадиий маҳорат майдони. Шахсан менга домла дарслари кўп нарса берган: таржима ва таҳриридан ташқари, ўз тили, ўз элини севиш, имонли-эътиқодли бўлиш, халққа беғараз хизмат қилишни ўргандим...

Бундай дил сўзларини Ғ. Саломовнинг талай шогирдларидан эшитганман ва камина ўзим ҳам домланинг шогирди бўлганим, унинг дарёдай илмидан баҳраманд эканимдан фахрланаман, бахтиёрман. Олим учун кафедра мудирлиги мансаб эмас, балки таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиб ривожлантирадиган жой. Чинакам тадқиқот бўлмаган жойда, юқори малакали кадрлар етиштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Дорилфунун илму ҳикмат, изланиш ва кашфиётлар ҳукм сурадиган, илмий фикр қайнайдиган даргоҳ. Кафедра мудири эса, энг аввало, илмнинг муайян соҳасини мустақил ва изчил ривожлантирувчи, мактаб яратган пешқадам киши бўлиши лозим. Қарийб чорак аср давомида профессор Ғ. Саломов билан бирга ишлар эканман, бунга ҳар дамда гувоҳ бўламан. Зеро, «ҳеч бир ўхшаши» бўлмаган бу кафедрани ташкил этиш учун озмунча куч сарфландими?! Талабаларнинг хайрихоҳлиги, қизиқишини кўрган, ҳурфикрлиликдан қўрққан коммунистик тузум мутаассиблари, таржима назарияси кафедрасини ёпиш учун қанча ҳийла-найранглар ишлатмадилар? Аммо кафедранинг тарафдорлари ҳам кам эмас эди, шуларга суянган ҳолда Ғ. Саломов ўзига хос ғайрат-шижоат билан ишлаб, кафедрани мустаҳкамлади, натижада у жумҳуриятимиздагина эмас, балки қўшни жумҳуриятлар ҳам ҳавас қиладиган илмий марказга айланди. Қисқа вақт ичида учта ўқув дастури тузилди, профессор Ғ. Саломовнинг «Таржима назариясига кириш», «Таржимашунослик асослари», «Таржима асослари» номли дарсликлари нашр этилди, «Таржима санъати» мақолалар тўпламининг беш китоби, «Таржима назарияси масалалари» тўпламининг икки китоби босилиб чиқди. Профессор Ғ. Саломов раҳбарлигида ўттиз олти киши номзодлик ва тўрт киши докторлик диссертациясини ёқлади, олим китобларининг сони ўн бештага етди, илмий-танқидий мақолалари сони икки юздан ортиқ.

СУРАТДА: Ғайбулла САЛОМОВ талабалар даврасида

Ғ. Саломов тилшунос нуктадонлигини, адабиётшунос қамрови ва танқидчи шавқу завқини, қомусий билимни ўзида мужассам этган олим. У мўъжизадан мўъжиза яратиш санъати — бадиий таржима жараёни, қонуниятлари ва муаммоларини текширишга умрини бағишлаб, ажойиб муваффақиятларга эришди. Таржимани адабий-лисоний ҳодиса, ижодий жараён, сўз санъати деб ҳисоблаб, унинг назарий масалалари бадиий-эстетик ва қиёсий-лисоний чоғиштиришларда, туташ нуқталарда ечилади, таржимашунослик кенг миқёсдаги адабий-услубий қиёсдан иборат, деган қарашни исботлаб келди. Унинг ишларида шунинг учун ҳам қиёсий адабиётшунослик мавзуи катта ўринни эгаллайди. М. Шайхзода, Миртемир, Ҳ. Сиддиқ, Чўлпон, А. Мухтор, М. Исмоилий, Ш. Шомуҳамедов, И. Ғафуров, А. Рашидов, М. Али каби моҳир таржимонларнинг фаолиятини ўрганган Ғ. Саломов, Ўзбекистонда таржимачилик тарихини тадрижий таҳлил этишни йўлга қўйиб, таржима ва адабий жараён масаласини ҳам адабий анъаналар билан боғлаб изчил текширди. Профессор Ғ. Саломовнинг ишлари жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам эътироф этилган: унинг талай мақолалари Русия, Чехословакия, Булғорияда эълон қилинган. Словакия академияси билан ҳамкорликда «Адабиётлараро алоҳида умумийлик» номли халқаро мавзу устида олиб борилган тадқиқотларининг маҳсули Братислава, Тошкент ва Парижда чоп этилди. Жаҳон компаративист олимлари ўзбек профессорининг ишларига қизиқиш билан қарамоқдалар.

Ўзбекистонда таржима назариясини фан сифатида шакллантириб, меҳрибон мураббий ва фан ташкилотчиси сифатида ном чиқарган Ғ. Саломов истеъдодининг яна бир қирраси очилди: кейинги йилларда у бадиий ижод билан шуғулланиб, бир туркум дардли публицистик мақолалар, шеър ва достонлар ёзди, «Мен сув ичган дарёлар», «Хўжа Хизир», «Ваҳийдан келур бир садо» китоблари дунёга келди. Аммо бу асарлар «томдан тараша тушгандай» пайдо бўлган нарсалар эмас, балки муаллифнинг қайноқ ижтимоий фаолияти, жўш уриб келган ватанпарварлик туйғуларининг пишиб етилгани, илмий-танқидий асарлар қатида яширинган ҳаяжонларнинг бўртиб кўринишидир. Ижодкор юрагини банд этган муаммолар ҳаммамизга таниш: она тилининг тақдири, тарих, маданият, миллий мустақиллик ва маънавий қадриятлар қадри, таълимдаги ноқисликлар...

Лекин профессор Ғ. Саломов бу дардли воқеаларни ўз бошидан ўтказган шахс, шу масалалар ичра ёниб ўртангани, ҳақ гапни айтиб, ёлғон ва риёга бўйсунмагани, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур ва миллий ифтихоримиз бўлган бошқа сиймолар ҳаётини қомусда «кенгроқ» ёритишга ташаббускор бўлгани учун калтак еган, жабрланган киши. «Мен сув ичган дарёлар» китобини варақлар эканман, диёнатини сотмаган зиёлиларимиз қатори олтмишинчи йиллардаёқ манқуртчиликка, жаҳолатга қарши борган Ғ. Саломовнинг ҳаёт йўли, миллий ифтихор, миллий маънавият учун оташин қалб билан амалга оширган ишлари кўз олдимдан ўтади. Китобда дарж этилган воқеаларнинг аксарига гувоҳман, кўпларини домла неча бор ибрат учун сўзлаб берган.

«Мен сув ичган дарёлар» китоби 1990 йили нашр этилган. Унда кўтарилган муаммолар бирин-кетин ечилмоқда, домла башорат қилгандай бўлиб чиқмоқда: жонажон Ўзбекистон мустақилликка эришди, не-не армонларимиз ушалди.

Китоб чиққандан бери кўп гина оламшумул тарихий воқеалар юз берди, ҳаётимизга кириб келган ўзгаришлар ҳам талай: мустамлака зулмидан қутулгандайميз, тилимиз, динимиз озод, фикримиз ҳам. Олий таълим соҳасида ҳам анча-мунча ўзгаришлар бўлмоқда, худди профессор Ғ. Саломов бунинг ҳаммасини олдиндан билгандай, башорат қилгандай...

Халқимиз маърифати, маданияти равнақи учун ёниқ қалб билан ижод қилиб келаётган заҳматкаш олим бу йил олтмиш ёшга тўлади. Ўз орзу-армонлари ушалаётганидан беҳад шод бўлиб, навқиронлик илҳоми билан илмий ва бадиий асарлар яратмоқда. Оллоҳ сизга ёр, пирлар мададкор бўлсин!

Нажмиддин КОМИЛОВ,
профессор

Ғайбулла ас-САЛОМ

ҲАЙРАТ

Шаҳрибонуга

Юрак тушмагур талпинар тойчоққа,
Тулпор бўлиб кишнамоқчи қирчанғи.
Гулхандайин яшнайин дер дил, чоғи,
Ним чўғ бўлиб қолган-ку ўт ўчоқда.

●

Ҳаётда яшайсан қайнаб, ошиб-тошиб,
Гоҳида оқимга ҳам бўлиб жўр.
Қайнов айни қиёмга келганда, шошиб,
Бир оёғинг — тўр, бир оёғинг — гўр.

●

Бу чала дунёда бани одамнинг
Қолди ишлари чала.
Зарраси эканмиз бир оний дамнинг,
Чала туғилган бола.

●

Жоним бўлсин сенинг жонингга пайваст,
Менинг кўзим билан қара ўзингга.
Ҳайратдан энтиқиб қоламан бир пас,
Сенинг кўзинг билан қараб ўзимга.

●

Эслайман сени, гўзалим,
Ғира-шира
Ҳира хотирамнинг
Ёниқ шам чироғинда.
Унутмам кўз қиринг
Сира-сира,
Ёдинг-ёдимда-ю,
кўзинг — кўз қароғимда.
Қийнама ортиқ жоним,
Ҳижрон доғинда.
Тошболта ошиқ бўлиб,
Ғайбулло
Қолмишам шом чоғинда.
Ловиллаб ёнди оташ
Кечиккан ишқ сабоғинда.
Тураман умидвор, ёниб,
Умрим адоғинда.

ЧИЗИҚЛАР

СОЧМА

Алмисоқдан қолган
Супрадай кўҳна харита узра
Суронли йилларни елкага илиб,
Чалқанча ётар ястаниб улкан
Мамлакат,
Яраланган шер каби
Ҳолсиз чўзилиб,
Бўялиб қип-қизил қонга —
Қизил салтанат
Сийнаси доғли, бемор:
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар.

Ойнага боқаман термулиб,
Маъюс,
Кечаги таранг кулча юзимга.
Танимай қоламан ўзимни ўзим,
Ҳира тортиб борар кундузим.
О, вақт буқаламун,
Одамхўр
Ишонмайман асло кўзимга:
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар.

Дунё экан
Коинот қадар кенг,
Темур дарвозаси янглиғ тор,
Омонқўтондай бир ғор,
Ташландиқ работ,
Сийнасидан томар заҳри мор,
Дунё экан қурилган бир дор.
Э, бари бекор, бари бекор!
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар...

Самода чарақлаб чақнади чақин
Юлдуз учди сирли, ваҳмнок...
Муснбат юз берди қайдадир тағин:
Кимнингдир чатнади жони —
Ерда.
Ҳувиллаб қолди гуллаб —
Яшнаган ўрда.
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар...

Еру осмон ичра тураман
Ҳайрону лол, бесару сомон.
Фол очаман кафтимга қараб,
Чизиқлардан гўё топаман маъно.
Эътиқодим қўйиб гаровга,
Ўзимдан сўрайман ўзим:
Нега яхлит эмас замин сиймоси?
Шу бўлдими замоннинг зайли?
Иқлим, қитъаларга бўлинган нечун?
Нега зулмат, ҳўрлик, яралган,
Нега паришондир бу кўҳна очун?
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар...

Қуроқ кийимимда турфа ёзувлар,
Тамғалар қуршамиш сувратим.
Жаҳон фуқароси бўлмишам, кўринг!
Танимайман қўшимни лекин,
Тан олмайман хешу таборни,
Ит ётишу мирза туришим.
Жаҳон сиёсати эгнимда,
Фарқ қилолмам зеру забарни,
Каломуллога ўтмайди тишим:
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар...

Темир панжарали уйда яшайман,
Чор атрофим қўрғон, қулфлоғлиқ,
Метин, метин, метин...
Ўзимга қамалдим ўзим,
Жон ўн қабат зиндон ичинда.
Шиорим: жаҳон халқлари, бирлашинг!
Ўзим эса ўзимга етим,
Саҳрода адашган бадавий каби
Чизиқлар, чизиқлар, чизиқлар...

ҲАҚИҚАТНИНГ ТУРФА ЖИЛОСИ

ОМОН МУХТОРНИНГ «МИНГ БИР ҚИЁФА» РОМАНИГА БИР НАЗАР

Ш У ЙИЛИ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» журналида бирин-кетин бир авлодга мансуб уч тенгдош адиб — Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев ва Омон Мухторнинг янги романлари босилди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да Ў. Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Ш. Холмирзаевнинг «Олабўжи» романлари ҳақида дастлабки таассуротлар, мулоҳазалар айтилди. Мана энди гал Омон Мухтор ва унинг «Минг бир қиёфа» асарига келди.

Омон Мухтор — ўнлаб шеърий китоблар, ҳикоя ва қиссалар, «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романларининг муаллифи. Шеъриятда ҳам, насрда ҳам у доимо изланади, ҳеч кимникига ўхшамаган ўз йўлидан боришга, ўз сўзини айтишга тиришади. Унинг изланишлари ҳали танқидчиликда етарли баҳосини олгани йўқ. Қолаверса, О. Мухторнинг барча изланишлари, муваффақият билан якунланган дея олмаймиз. Бироқ ўқувчилар ҳам, танқидчилик ҳам унинг янги романига бефарқ қарамайди, деган умиддамиз.

Аввало, «Минг бир қиёфа» ўзининг шакл-шамойили, ифода тарзи, оҳанги жиҳатидан ўзбек романчилигида янгилик. Ундаги воқеа-ҳодисалар аниқ макон ва замон билан чекланмаган, реал ҳодисалар билан хаёлфантазия қоришиқ ҳолда келади, реалистик тасвир билан афсона-ривоят тутаташиб-чирмашиб кетади, ҳосийшта кундалик турмуш икир-чикирлари ифодаси фавқулодда ҳодисалар, детектив-саргузашт фантастика билан алмашиниб туради. Ёзувчи қалами бу фоний дунё ифодасидан нариги боқий дунё саргузаштлари тасвирига эркин кўчади, асар етакчи қаҳрамони иккига ажралиб руҳи билан тани айри ҳолда бири иккинчисини таъқиб этиб юради, асардаги реалистик ҳикоя тарзи гоҳ афсона, қиссагўйлик, гоҳ латифагўйлик билан алмашинади; романнинг бош сюжет йўналиши асар давомида бир неча кутилмаган тармоқларга ажралиб, ғаройиб сўқмоқлардан ўтиб пировардида яна бир ўзанда туташади. Бу жиҳатдан роман жаҳон адабиётидаги «Уста ва Маргарита», «Танҳолик-нинг юз йили» тажрибаларини ёдга туширади. Аммо «Минг бир қиёфа»да улардан нуска кўчириш-аломатлари йўқ, асарнинг шакли билан мазмуни муаллиф кўнглида биргаликда айни шу ҳолда туғилган; гўё оламда айни шундай одамлар бўлган, турфа ҳодиса, саргузаштлар юз берган, адиб эса уларни шундайича қоғозга тушириб-қўйган.

Гарчи романдаги воқеа-ҳодисалар сиртдан қараганда аниқ макон ва замондан холи ҳолда содир бўлса-да, барибир, унда гап аввало кечаги кунимиз, биз босиб ўтган йўл, унинг ачиқ сабоқлари устида кетаётганини англаб етиш қийин эмас. Ёзувчи хилма-хил йиллар — ҳам реал ҳодисалар, ҳам руҳий, ҳам рамзий-мажозий воситалар, ҳам дунёвий, ҳам диний талқинлар орқали замонаси ижтимоий ҳодисалари, замондошлари ҳаёти маъносининг моҳиятини фалсафий-бадиий идрок этишга, асримизнинг муҳим маънавий, ижтимоий-сиёсий муаммоларига ўз муносабатини билдиришга чоғланади.

Асар марказида ўта хокисор, камсуқум, заҳматкаш бир истеъдодли шоир — Абдулла Ҳаким қисмати ётади. У адабиётимизда одат тусига кирган «ижобий» ёхуд «салбий» қаҳрамонларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди. У бир пайтнинг ўзида ҳам хокисор, нотавон; ҳам фидойи, жасур; ҳам гуноҳкор — дўзахий; ҳам савоб ишлар қилган жаннати одам. Бу ғаройибтабиат йигит шундай бир даврда, муҳитда яшадики, унга ҳаёт асло кулиб боқмади. Отасиз ўсди (отасини бекорга қамаб йўқ қилиб юборишган), кейин волидасидан ҳам айрилди. Бутун умри кун кўриш учун қулдек ишлаб очлик-юпунликда, ғарибликда кечди. У ўзининг шахсий бахти, муҳаббати учун курашмади, курашолмади. Кўнгил қўйган қизи онасига маъқул тушмагани учун ундан ўзини тортди, у шеърлар ёзди, Насриддин Афандининг болалиги ҳақида яхши асар яратди, аммо уларни чиқариш учун ўзини ўтга-чўққа урмади, буни бемаъни машғулот, ўзи учун номус деб билди. У умрида бир бор мардлик, фидойилик кўрсатди — яқин одами, ҳақиқат, адолат йўлида курашаётган дўсти учун ҳаётини, жонини фидо этди, аммо дўсти бу жасорат қадрига етмади. Шу тариқа Абдулла бу фоний дунёда бир нави яшаб ўтди, баҳоли қудрат ўзгаларга яхшилик қилмоқчи бўлди; афсус, тириклигида қадр топмади, уни қийнаб ёвузларча ўлдиришди, ўлиги сарсон-саргардон бўлди, ҳатто у ўз номи қолиб, дўстининг номи билан қабрга кирди. Бу дунёдаги кўргиликлар етмаганидек лоқайдлиги, сусткашлиги, дунёга келиб одамдек яшаб ўтмагани, ўзлигини тўла англаб етмагани, имон-эътиқодда собит турмагани учун аввал лаҳадда жазо олади, қиёматда эса дўзахга ҳукм қилиниб тани-жони оловда ёнади...

Ш ОИР БУ «ҲАҚСИЗЛИК»ЛАРДАН бошда ажабланади. Шунда фаришталар гуноҳини юзига тўкиб соладилар: «...сен ҳаммани қаёқларга чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман, деб бақириб-чақиришни касб қилгандинг. Аммо, мен ўзи аслида кимман, инсон бўлиб нимага эришдиму нималарга эришмадим, деган гап хаёлингдан ҳам ўтмасди. Ҳолбуки, инсон учун ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳволига ,ушуниб етиш энг юксак даражадир... Сен Худога ишонардинг. Шунинг баробарида, шоҳлар-арбоблар, дегандек, дунёда ҳукмини ўтказиб яшаган, ўзини бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган қайсидир кибор, манман кишиларга Худодан ҳам кўпроқ ишонардинг!»

Фоний дунёда шундай гуноҳлар қилгани, имон-эътиқодда собит турмагани рост, бунга ўзи ҳам иқрор, бироқ буларни ўзгалар гуноҳи олдида арзимас нарса деб билади. Олий ҳақиқат шуки, гуноҳнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳар ким ўз қилмиши учун бу дунёда ҳам, қиёматда ҳам ўз улушини олади. Яна бир олий ҳақиқат шуки, бу фоний дунёда қилинган савоб ишлар изсиз, жавобсиз қолмайди, самараси эртами-кечми рўёбга чиқади, шоир гуноҳига яраша жазосини олгач, савоб ишлари учун авф этилиб дўзах азобидан фориғ бўлади, бу дунёда эса унинг номи, асарлари халққа қайтади.

Бу хоксор, дарвештабиат одам ҳаёти, қисмати асарда ёзувчи учун бир маънавий кўзгу вазифасини ўтайди, романдаги бошқа жамики персонажлар қиёфалари, қилмишлари шу кўзгуга солиб баҳоланади. Бу камсуқум, осий банда қаршисида бутун бошли мустабид тузумни қўлида тутиб турган зўравон, шафқатсиз ёвуз кучлар қилмиши гуноҳи азим экани аён; модомики, шоирдек беозор банда бу дунёдаги арзимас гуноҳи учун шунчалар азоб-уқубатларга гирифтор бўлган экан, бундай зўравонларнинг қисмати нима билан тугаши маълум — буни ўйлашнинг ўзи даҳшат! Мана шу камсуқум йигит қаршисида улкан мансаб-мартаба масканидаги катта мансабдор шахслар — Кабиров ҳам, Опа ҳам, Оппоқов ҳам ўта майда, чучмал кимсаларга айланади, ҳатто жиноятчиликка қарши ўт очиб «жасурлиги» билан эл орасида танилган Бурҳон Шариф ҳам, умри эл саломатлиги йўлида кечаётган куюнчак шифокор Садржон ҳам кичкина, жўн одамлар бўлиб кўринади.

Катта идорадаги мансабдорларга хос энг катта гуноҳ — уларнинг мунофиқлиги. Улар юқоридан берилган буйруқни, ўзларига юклатилган вазифани вақтида аъло даражада адо этадилар, чунончи, тарих ва маданиятни гуллатиш шиори остида қадимий обидалар — масжид ва мадрасаларни бузадилар, минг йиллик кўркам ҳовузларни кўмадилар, қабристонларни топтайдилар, ота-боболардан қолган мўътабар китобларни ўтда ёқадилар. Аслида улар бутунлай ҳоҳил, аҳмоқ одамлар ҳам эмас. Ўзлари адо этаётган ишлар бемаъни машғулот эканини биладилар, аммо била туриб жонларининг тинчини ўйлаб, тирикчилик, мансаб-мартаба деб бемаъни буйруқларни адо этаверадилар. Бугина эмас, улар орасида оддий одамгарчилик, самимият, бир-бирига садоқат ҳам йўқ. Кабиров кўнглини очиб шогирди Гулхуморга ўз ишидан норозилигини айтади, айни пайтда мансабини унга топшира туриб зиммадаги вазифани аъло даражада бажаришни маслаҳат беради. Бу одам саховат кўрсатиб Гулхуморни юқори мансабга кўтаради, аммо сал фурсат ўтмай фарзанди тенги қизга тегишади. Ўз навбатида Гулхумор «устоз»нинг ҳалокатига сабабчи бўлади; қалтис дамда ўзига суянчиқ бўлган одамни — ғаройиб табиат Оппоқовни шубҳа билан ҳибсга олади... Бу аёл мансаб-мартаба, ўзи амал қилган мафкура-ақидалар йўлида ота-онаси, севги ва севгилисидан юз ўгиради, ўзи шифо топган муқаддас жойларни ўз қўли билан топтайди... Хуллас, Кабиров ҳам, Оппоқов ҳам, Гулхумор ҳам кўра била туриб онгли равишда ғайриинсоний мафкурага, хато сиёсатга ўзларини қурбон қилган, шу туфайли инсоний қиёфасини йўқотган, у дунёсинию-бу дунёсини барбод этган фожий осий бандалардир.

Романда чуқур рамзий-мажозий маъно ташувчи муҳим бир детал мавжуд. Қутилмаганда қаттиқ шамолтўзон кўтарилади-ю, неча йиллар шаҳар ўртасида савлат тўкиб турган, ўша мансабдорлар ин қурган улуғвор кошонани бир зумда таг-туги билан қўпориб аллақаёқларга олиб кетади. Одамлар эса бунга мутлақо бепарво, салобатли маскан ҳам, унда ишлайдиган, яшайдиган доврўғли мансабдорлар ҳам шу заҳоти унутилади. Бу ҳодисанинг рамзий маъноси ўқувчига аён — қабоҳатга асосланган салтанатнинг оқибати шу, қанчалар улуғвор, доврўғли кўринмасин, охирида ундан ном-нишон ҳам қолмайди!

Романда бу хилдаги рамзий маъно ташувчи эпизодлар, персонажлар кўп. Шулардан яна бирига — асар бош қаҳрамонидан қолган муҳим маънавий мерос — Насриддиннинг болалиги ҳақидаги қиссага диққатни тортмоқчиман. Қаранг, ўта калтабин, золим, шафқатсиз, тож-тахт дардида ҳатто ўз оға-иниларини ҳам аямаган қонхўр шоҳ бир виждонсиз, мунофиқ сўзамол кимса томонидан тўқилган латифа, афсоналар туфайли эл-юрт назарида доно, одил, адолатпарвар шоҳга айланади. Кўп сўзамоллар қатори ёш Насриддин ҳам бу латифа-афсоналарга ишонади, унинг ижодкорига бениҳоя ҳурмат ва ҳавас билан қарайди, унга эргашиб ўзи ҳам ўша «одил» шоҳ ҳақида латифалар тўқий бошлайди... Ёлғонга қурилган афсонаю латифаларнинг умри қисқа, эртадир-кечдир, барибир, ёлғон фош бўлади, ҳақиқат қарор топади, ёлғон асар ижодкорларининг миси чиқади. Буни ҳаётда кўрдик, кўраяпмиз! Аммо ёлғончи ижодкорнинг эл-юрт олдидаги гуноҳи нақадар оғир эканига, ёлғонга асосига қурилган ижоднинг жамият ҳаётидаги реакцион ролига ҳали етарли баҳо беролганимиз йўқ. Ахир Мулла Ғуломга ўхшаш мунофиқ, ёлғончи ижодкорлар иши, хиёнати, эл-юрт орасида тарқатган оғуси туфайли қанчалаб одамлар сеҳрланиб кўру карга айланди, улар «ижоди»дан жамият маънавий жиҳатдан завол топди! Бу рамзий қисса шулар ҳақида ўйлашга ундайди бизни. Жамият, ижод аҳли ўшандай ёлғон афсонаю латифалардан қанча тез ва кескин юз ўгирса, нақадар аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин, ҳақиқатга ва фақат ҳақиқатга таянса, бало-офатлардан шунчалик тез халос бўлади, чинакам ижод учун йўл очилади. Буни асар персонажи тақдири ҳам тасдиқлайди. Насриддин реал ҳаёт гирдобида, ҳақиқат ёғдуси остида ўзлигини топади, золим ва калтабин шоҳга рўпара келиб, унинг чинакам башарасини кўриб у ҳақдаги илк ҳақ гапи — латифаси билан эл эъзозлаган Насриддин Афандига айланади.

Я НА КЎП ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА бу романнинг кам-кўстлари ҳақида батафсил гапириб ўтирмайман, фақат уни ўқишда кўнгил тўлмай қолган биргина жиҳати устида тўхтайман. Ривоят билан реалистик тасвирни қўшиб олиб бориш ниҳоятда машаққатли ижодий иш. Реализм ҳодисалар орасидаги алоқадорликни очишда, инсон руҳиятини теран таҳлил этишда катта имкониятларга эга. Ҳозирги улкан реалист санъаткорлар афсона ва ривоятларга мурожаат этганда реализмнинг шу тажрибаларидан моҳирона фойдаланаётганлигига гувоҳ бўласиз. Афсуски, биздаги айрим адиблар ижодида бўлгани каби, О. Мухторнинг бу романида ҳам афсона-ривоятларни реализм чўққисида туриб ифода ва талқин этиш санъати етишмайди. Ҳодисаларнинг энг қалтис, нозик ўринларини реализмга хос таъсирчан, жонли лавҳаларда гавдалантириш, психологик жиҳатдан теран асослаш ўрнига муаллиф кўпинча уларни ривоят, эртак усулида жўнгина баён этиш, шарҳлаш билан кифояланади. Натижада ёзувчи дилидаги кўп жиддий гаплар ўқувчини ларзага соладиган пафос даражасига етиб бормайди.

Шоир ва носир Омон Мухтор бу романида ўзининг янги ижодий имкониятларини намоён этди, ишончимиз комилки, бу имкониятлар келгусида янада салмоқлироқ самаралар беради.

Умаралн НОРМАТОВ

ТУРКШУНОСЛАР ДАВРАСИДА

26 ноябр куни Ўзбекистон Маданият жамғармаси ва Турк маданий маркази биргаликда «Ўртатурк тилини яратиш муаммоси»га бағишланган давра суҳбати ўтказди. Давра суҳбатини Ўзбекистон Маданият жамғармаси бошқарувининг раиси ёзувчи Мамадали Маҳмудов кириш сўзи билан очди.

Фалсафа фанлари доктори Б. Каримов ва Ш. Муталов мазкур тилнинг яратилиши муаммолари хусусида, унинг лингвистик жиҳатлари ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маънавий аҳамиятлари ҳақида маъруза қилдилар. Суҳбатда ўзбекистонлик олимлар билан бирга туркиялик олимлар ҳам иштирок этдилар. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Қ. Маҳмудов, филология фанлари номзодлари Шомирза Турдимев, Акиф Бағиров, Исмоил Каримов, Усмон Қорабоев, Файзулло Солиев, Турк маданият марказининг раиси Умар Салмон, адиб ва таржимон Латиф Турон, туркиялиқ тилшунос олимлардан Эртурғул Яман (Анқара университети), Муҳаммад Тулум (Истанбул университети), Тошкент шарқ тиллари лицейининг муаллимаси Ялдо Тулум ва бошқалар ўртатурк тилини яратиш ғоясининг ўз пайтида қўйилганлигини таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари келгуси йили барча туркий жумҳуриятлар олимлари иштирокида илмий-назарий анжуман чақириш ва унда ўртатурк тилини яратиш муаммосини атрофлича муҳокама қилишга келишиб олдилар. Анжуманнинг ташкилий комитети тузилди.

Комилжон МИРАЪЗАМОВ

ТАЗКИРАНИНГ ТУРКИЙ ТАРЖИМАСИ

Буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий «Нафаҳотул-унс ҳазоратул қудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстлик хуш ҳидлари») тазкирасини ҳижрий 883 йили (милодий 1478—1479 йили) ёзади. Алишер Навоий бу асарнинг ўз замонасида шуҳрат қозонгани ҳақида шундай дейди: «Ўқуғонлар кўрмиш бўлғайлар ва ўқумағонлар ўқусалар кўргайлар. Ва ул китоб халойиқ аросида машҳур ва ўқумоқ битмаги шойиъ бўлди». Ҳақиқатда ҳам бу тазкиранинг жаҳоннинг хилма-хил шаҳарларида кўчирилган қўлёзмалари бизнинг давримизгача қўплаб нусхада етиб келди. Жумладан, Ҳирот, Шероз, Хоразм, Бухоро, Қашқар ва бошқа жойларда кўчирилган ўнлаб нусхалари дунёнинг кўпгина шаҳарларидаги қўлёзма фондларида сақланмоқда. Биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида «Нафаҳот»нинг олтмиш тўртта қўлёзмаси мавжуд. Булардан энг қадимийлари ҳижрий 901 йили (1495) Абдуҳалил бинни Муҳаммад ат-Табодгоний томонидан Ҳиротда кўчирган, 4409 инвентар рақамда сақланаётган қўлёзма; ҳижрий 903 йили (1497) Абу Тоҳир бинни Бурҳониддин Ҳанафий томонидан Ҳиротда кўчирилган 2136 инвентар рақамдаги қўлёзма энг нодир қўлёзмалардан ҳисобланади. Шунингдек, ҳижрий 894 йили (1489) кўчирилган яна бир қадимги қўлёзма Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланади. Бу қўлёзмаларнинг Тошкентда сақланиши маданий, маънавий ҳаётимизнинг туб бойлигидан далолат беради. Бундан ташқари Тошкент, Лоҳур, Канпур, Нивалкишвар ва бошқа шаҳарларда тошбосма усулида чоп этилган китоблар ҳам Ўзбекистон китоб фондларида сақланади. Ҳозирги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги олтмиш тўртта «Нафаҳотул-унс» қўлёзмасининг иккитаси тазкиранинг тўла ва тўлиқ таржимасидир. Абдураҳмон Жомий асари форс тилида бўлганлиги учун Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳимхон Соний фармонига асосан Раҳмонқули қори исмли кишига «Нафаҳотул-унс»нинг таржимаси топширилади. У киши ҳижрий 1304 йили (1886) асарнинг таржимасини тугатади. Асар жами 556 варақ, 19×31 рус қоғозига настаълиқ хатида ёзилган. Ҳозир бу қўлёзма 7286 инвентар рақамда Шарқшунослик институтида сақланади.

«Нафаҳотул-унс» асарининг яна бир тўла таржимасини Шарқий Туркистоннинг Ёрканд вилоят ҳокими Хўжа Кеффакбекнинг илтимосига биноан мулла Умар бинни мулла Ҳожи Иброҳим ҳижрий 1231 йили (1815) амалга оширган. Асар 245 варақ, ўлчови 21×32, хўтан қоғозига настаълиқ хатида ёзилган. Бу қўлёзма 11466 инвентар рақамда Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан бошқа усмонли турк Маҳмуд бинни Усмон бинни Али Ломиъ томонидан таржима ва такмила қилинган, ҳижрий 1289 (1872) йили Туркияда чоп этилган нуска ҳам мавжуддир. Жами 711 бет. Ҳозир бу китоб Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида 3244 инвентар рақамда сақланади.

«Нафаҳотул-унс»нинг қўлёзма асосида кўп нусхада етиб келиши ва унинг таржималари барча давлатларда жамиятнинг илмий ҳаётида бу асарга бўлган эҳтиёждан далолат беради. Шунинг учун бу таржималар буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг ижодини ўрганишда энг қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Ҳамидхон ИСЛОМИЙ

Машҳур санъаткор Тошхўжа Хўжаевнинг 70 йиллиги

ЎЛМАС ТАҚДИР

ХАЛИ 10 ЁШЛАРГА БОРМАГАН қоп-қора, ялангоёқ, ёқимли бола: «Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар жилинглар, театрга боринглар, томошани кўринглар. Кўрмаганлар армонда...», деб қичқирганча Чорсу атрофидаги Қоппон бозордан чопганича ўтиб кетарди. Кўп ўтмай у терлаб-пишиб Хадра, Шайхантаҳур ёки Бешёғоч, Пиёнбозор оралаб қоларди. У ўз ишидан завқланар, дўпписини осмонга отиб ўйнаб ҳам қўярди. Унинг бутун завқу шавқи, хаёли кечқурунги театр томошаларида бўларди.

30-йиллар арафаси. «Свердлов театри» деб номланган «Колизей»да — ҳозирги республика давлат филармонияси жойлашган бинода деярли ҳар куни музикали драма спектакллари қўйиларди. Театрда томошабинларнинг лиқ тўла бўлишида ана шундай болаларнинг кўчама-кўча юриб жар солиши ҳам катта роль ўйнарди. Улар бу хизматлари учун театр маъмуриятидан пул талаб этишмас, фақат кечқурун томошаларга чиптасиз киришарди. Тошхўжа фақат театрга бепул киришгина қолмай, артистлар билан алоқасини ҳам мустаҳкамлаб олган эди. Машҳур раққосамиз Мукаррам Турғунбоева ниҳоятда камтарин, соддадил бўлганларидан бир куни боланинг кўнглига «қўл солиб», рақс мафтуни эканини билдилар ва ўша заҳоти ўзлари билан ўйинга тушишга таклиф этдилар. Буни юракдан кутиб турган Тошхўжа «Андижон полкаси»га шундай ечилиб ўйнадики, атрофдагиларни бир зумда мафтун этди. Эртасигаёқ Мукаррам опа боланинг қўлидан етаклаб, Бешёғочда очилган рақс мактабига олиб бордилар. У бу ерда рақс сирларини ўрганар экан, санъат илми туганмас бир мактаб эканини фаҳмлайди.

Мен у билан 1934 йили май байрамида биринчи бор учрашган эдим. Ҳозирги Мустақиллик майдонида бўлган намойиш давомида санъат даргоҳида ўқишини эшитиб, унга маҳлиё бўлиб қолдим. Назаримда, ўша заҳотиёқ у энг яқин одамимга айланган эди. Бизларни маросим охирида Ўзбекистоннинг оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев қабул қилиб, совғалар берар экан, биз учун сарой очилганини маълум қилдилар. Ваъдани бир жойга қўйиб, дўстим билан хайрлашдим. Эртасига ҳар иккаламиз драма тўгарагига ёзилдик. Кимнинг асари экани ҳозир эсимда йўқ, бир пардали «Толмас» деб аталган пьесада иккимиз асосий ролларни ижро этганмиз. Хуллас, дўстлигимиз мустаҳкамланиб борарди. Унинг бахти меникидан чаққонлик қилиб, 1937 йили Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигида иштирок этишга муяссар бўлди. Бу санъат кўригида бир неча спектакллар қатори, халқимиз фольклор ўйинлари, ашулалари ва машҳур аскиямизни намойиш этиш ниятида «Колхоз тўйи ва сайл» деб ном олган катта дастур тайёрланган эди. Бунда Тошхўжа Хўжаев елиб-югурадиган чойхоначи бола образини ижро этарди. Мақтовга сазовор бўлганлар ичида унинг ҳам номи бор эди. У пойтахтда кўп спектакллар кўргани, машҳур артистлар билан учрашгани ҳақида энтикиб сўзлаб берди. Ана шунда у биринчи бор «режиссура» деган касб эгасини ғоят эътибор билан тилга олганди. Уруш йиллари собиқ иттифоқнинг жуда катта театрлари қатори Москва Ленин комсомоли номидаги театр ҳам Тошкентга кўчиб келди.

Шунингдек, ўша йиллари дунёга машҳур бўлган Иттифоқ еврей театри ва Украинанинг «Франко» деб ном олган жамоалари бор эди. Бизлар бўш қолди дегунча шу театрларга борар эдик. Унинг ёрдамида (у ҳеч тортинмай суҳбатлашиш йўлини топарди) Михоэлс ва Берсенев, Г. Юреев, А. Бучма, Н. Ужвий билан танишганман. Шу суҳбатлар унга қўл келиб, Муқимий номидаги республика мусиқа театрида Н. Ужвий билан биргаликда «Полтавалик Наталка» асарини саҳналаштиришга муваффақ бўлганди. Ана шунда машҳур режиссёр ёш ўзбек йигитида бу ноёб касбга қобилият борлигини Маннон Уйғурга етказган. Бу даврга келиб Тошкентда театр санъати институти очилди. Айниқса, уни ташкил этишда ва бу даргоҳга ўзбек ёшларини жалб қилишда М. Веркацкийнинг хизмати беқиёс, деб ўйлайман. Унинг Тошхўжа Хўжаевдаги истеъдоди фаҳмлаб, моддий жиҳатдан қийналмаслиги учун театрдан маош белгилатиб, режиссёрлик факультетида 5 йил ўқиши давомида шахсан ўзи шуғуллангани ҳеч кимга сир эмас эди. Ўша йиллари драматургиямизда янги мавзу бўлган К. Симоновнинг «Рус масаласи» Тошхўжа Хўжаевни қизиқтириб қолади ва ўзининг курс ишига шу асарни олади. Т. Хўжаев ҳам режиссёр сифатида талқин этиб, ҳам бош қаҳрамон Гарри Смит образини яратган. Бу кўрикка жумҳуриятимизнинг кўпгина театрларидан вакиллар қатнашиб, унда машҳур режиссёр Етим Бобожонов сўзлаб, асарни ўзбек режиссурасида янгича талқин деб мақтаган эди. Шу курс ишини тайёрлаш жараёнида оилавий турмуш масаласи ҳам пишиб етилганди. Санъаткорларда шундай воқеалар бўлиб туради. Бу табиий. Шу институтнинг актёрлар тайёрлайдиган курсида Ирода Алиева ўқирди. Гарри Смитнинг севгилиси роли Ирода Алиевага топширилади. Пьесани тайёрлаш жараёнида эса Тошхўжа Ирода Алиевани севиб қолган. Дўстимнинг ички сирларини шунинг учун айтишга журъат этдимки, у ҳаётда ниҳоятда содда, садоқатли одам эди. Мен унинг изтироб чекиб юрганини кўп кўрганман. Фарзанд боқиб катта қилган онага келсак, у киши ягона ўғлини (олдинги ўғиллар турмаганидан Тошхўжа деб ном қўйишгани ҳам шундан) «таглик-тахтлик», қариндошларидан бирининг қизига уйлантирмоқчи, ҳатто унаштириб ҳам қўйган эдилар. Тошхўжа ҳар сафар уйлантиришдан сўз очилганида «тура-туринг» деди, холос. Она эса ҳамма дардини дўсти деди менга айтар эди. Хуллас, севги устун келди. Ирода Алиева билан оила қуриб, ажойиб ўғиллар кўришди. Ирода Алиеванинг ўзи бир катта мақолага арзигулик актёр, ҳам инсон. Шуниси ачинарлики, ижоди авжи гуллаб-яшнаган пайтда аччиқ қилиб, тўғрироғи, Тошхўжа Хўжаев қувилганда (гарчи қўпол туюлса ҳам «қувилган» сўзини ишлатишга мажбур бўлдим), театрдан кетди. Тошхўжа учун театр ибодатхона эди. Ёши 50 га етиш арафасида ниҳоятда кўп ишлайдиган бўлиб қолди. Ҳатто театрда ётиб қоладиган бўлди. Соғлиғи ёмонлашди. Театрда йиқилди ҳам. Докторлар дам олиш, жигарини даволашни буюрди. «Мен биламан, отам ёшига етдим, ўлишим керак», дерди. Шу орада нимагадир иши юришмай қолди. Шунгами ё оғриқни босиш учунми, ичкиликдан аламини ола бошлади. Бу гаплар раҳбар идораларга етиб борди. Энди уни ижодий ходим сифатида эмас, коммунист сифатида муҳокама қилдилар. Албатта, бундай пайтда ҳеч ким қилинган ишларни ҳисобга олиб ўтирмайди. Кимгадир ўрин керак бўлиб қолди, шекилли, охири ҳайдашга қарор қилинди. Тошхўжа Хўжаев жавоб нутқи қилмади, фақат икки кўзи жиққа ёш эди, холос. Бир неча кун уйида «мук» тушиб ётди. Бундан кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов хабар топиб, уни киностудияга олиб кетди. Лекин у ерда кўп ишламади. Бир-икки фильмларда рол ижро этган бўлди. Бу ишлардан унинг кўнгли қониқмас эди. Жигар борган сари шишар, кўнгли эса борган сари чўкарди. Икки дард бир бўлиб, охири уни емирди.

ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, Тошхўжа Хўжаев ўз саҳналаштирган асарлари билан театр фаолиятини поғонама-поғона юқорига кўтарган. Унинг Ҳамза театрига келишига эса Маннон Уйғур сабаб бўлганди. Отахон режиссёр ўз театрини муносиб раҳбарга топшириш қайғусида эди. Маннон Уйғур Тошхўжа Хўжаевни уйларига чақиртирадилар. Шунда мендан оғаникига бирга боришни илтимос қилиб қолди. Ўша йиллари оға «9 январь», ҳозирги «Туроб Тўла» кўчасидаги урушдан олдин қурилган кўп қаватли муҳташам бинода яшарди. Бизни остонада рафиқалари Хадичабону ва ўғиллари Қўрқмас кутиб олишди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: биз ҳали улар билан кўришиб улгурганимизча йўқ-ку, рўпарадаги уйдан оғанинг «Тошхўжа, бормисан, болам», деган нидоси эшитилди. Маннон оға бизни кўрибоқ ўринларидан қўзғалдилар, буни кўрган рафиқалари югуриб келиб ёнбошларига ёстиқ қўйдилар. Бир ерда оғриқ сезгандай «ҳим» дедилар, сир бой бермаслик учун оппоқ тишларини кўрсатиб илжайиб қўйдилар ва Тошхўжага каравотдан жой кўрсатдилар. Тошхўжа тортиниб эшик олдидаги стулга омонатгина ўтирган бўлган эди, оға яна каравотдан жой кўрсатдилар. Энди ёнларига бориб тик турди, тик турди эмас, шогирд устоз олдида эгилгандай бўлди. Тошхўжа каравотга ўтирмоқчи эмас эди, Оға эса ўтиришини кутиб турардилар. Вазиятни енгиллатиш учун стулни каравот ёнига қўйиб бердим. Оға узоқ ўйлаб қолдилар, у киши хаёлга чўмганларида қалин қоп-қора қошларини бармоқлари орасига олиб ўйнайдиган одатлари бор эди. Нафас энтиктираётганиданми ё шогирдга панд-насиҳат бўлсин деб дона-дона қилиб гапира бошладилар... Оғанинг сўз оҳангларида маъюслик сезилмасди, балки ўзининг ишлари ишончли қўлга ўтаётганидан мағрурланаётгандай туюларди. Тошхўжа устоз сўзларини бутун жисми қулоқ бўлиб тингларди. Мен қуйида бошқалар учун ҳам ибратли бўлсин деб, оға насиҳатларидан қисман келтиришни лозим топдим.

«Режиссёр — бу оила бошлиғи, жамоанинг отаси деса ҳам бўлади. Театр катта бир оила. Бундаги болаларнинг (мен уларни атайлаб болалар деяпман) феъл-атворлари ранг-баранг. Албатта, беш қўл баробар эмас. Лекин уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидай... Актёрларнинг ҳар бирига қараб муомала қилиш, уларга оталарча меҳрибон бўлиш лозим. Актёр ҳамма вақт сен берадиган ролга чанқоқ, талант чархланиши шарт, акс ҳолда у занглаб қолади. Сенинг имкониятинг ундан кўпроқ. Чунки сенинг асар танлаб қўйиш ҳуқуқинг бор. У эса сен билан ишлашга мухтож. Шуниси ҳам борки, сен уларсиз ҳеч ким, сен фақат ўз фикрларингни ўшалар орқали халққа етказасан. Труппадаги ҳар бир санъаткор сенинг бойлигинг. Уларни кўз қорачиғидай асрагин. Чунки улар театр эътиборини кўтаради... Сенинг тақдиринг шу ижодий жамоа тақдири билан боғлиқ эканини унутма. Ҳа, яна бир гапни айтиб қўяй: санъат шунақа бир соҳаки, мақтовлар ҳам бўлади, танқидлар ҳам. Буларни тарозу палласида тутишга одатлан. Баъзида санъаткорни манманлик довдиратиб қўяди ё аксинча танқид қўрқитиб қўяди, ҳар иккаласидан ҳам хулоса чиқаришга ўрганиш керак. Айниқса, санъаткорни манманлик кемиради, билиб қўй. Манманлик фақат тангрига ярашади».

Биз улар билан хайрлашиб кўчага чиққанимизда ҳам Тошхўжанинг хаёли нималар билан бандлиги сезилиб турарди. Умуман айтганда, Тошхўжа анча камгап одамлар тоифасидан эди. Трамвайга чиқиб, Чорсуга етиб келдик. У ердан уйимга пиёда кетиш яқин эди, аммо унга эргашиб, Хадра томон юрдим. Шунча ерга келдигу, лекин у бир оғиз гапирмас эди. Бир оздан сўнг: «Катта артистлар менга қулоқ солишармикан?» деди. Дарҳақиқат, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонўраева, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаев, Ҳикмат Латипов, Наби Раҳимов, Зайнаб Садриева, Миршоҳид Мироқилов, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятова, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов... Э-ҳа, уларнинг ҳар бири ўзи бир олам. Улар Маннон Уйғур, Етим Бобожонов билан ишлашга ўрганган. Ҳар бирининг елкасида олам ижодий юк... Энди бирдан кечагина диплом олган йигит раҳбарлик қилса. Тўғрисини айтсам, менинг ҳам юрагим орқамга тортиб кетди. Кейин дўстимга тасалли бердим.

Кўп ўтмай у Москвага, А. Лобанов раҳбарлик қилган курсга ўқишга жўнади. Ана шу яқин уч йиллик ўқиш даврида шарқ адабиёти дурдоналарини яна бир бор ўқиб чиқди. Ўқиб чиқдигина эмас, уларни Ғарб адабиётига солиштирган эди. У ҳали бошланғич мактабга қадам қўйганида араб алифбосини ўрганмоқчи бўлган, бироқ давр тақозоси билан бизга лотин ёзуви кириб келиб, чала қолиб кетганди. Аммо Бухоро мадрасасида таҳлил кўрган ота мустақил равишда хазина калитини ўғлига тутқазиш учун (яширин деса ҳам бўлади) араб тилини ўргатганлиги унга асқотган эди. Ҳар сафар онасидан хабар олгани келганида фақат эски ноёб китобларни олиб кетарди. Шу ўқиш даврида Москвага бир борсам, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосидаги саҳна талқинини ўқиб берган эди. Бу саҳна асари шу билан ажралиб турардики, унда ҳамма воқеалар фақат асар қаҳрамони Йўлчи атрофига тўпланган эди. Москвадан келибоқ шу асар устида жамоа билан ижодий иш бошлади. Ана шундаёқ Шукур Бурҳоновдек буюк артист оддийгина «Тўла бола экан» деб қўйган эди. Бу, албатта, шу асарни саҳналаштириш жараёнидаги мулоҳазаларнинг хулосаси эди. Очиғини айтиш керак, «Қутлуғ қон» устида бошқа асарларга қараганда узоқ муддат ишланди. Масъулият кўпроқ эканини ҳаммамиз сезиб турардик. Бу роман ўша давр ҳаётининг ойнаси эди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, Тошхўжа Хўжаев учун бир синов эди.

«Қутлуғ қон»да актёр ҳам, режиссёр ҳам ўзи истаган фикрни романдан топа олар эди. Шу боис ҳар бир ижодкор қанотини истаганча ёзиб, образ талқинида кўкка парвоз қилгандай бўларди. Бу парвозлар спектакль муҳокамасида ҳам, матбуотда ҳам ўз тасдиғини топди. Ҳатто Тошхўжа Хўжаев томонидан яратилган асар деб баҳоланди. Бу саҳна асарини ўзбек драматургиясидаги «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек» қаторига қўйдилар. Тошхўжа бу олқишлардан ҳовлиқмас, лекин кўнгли нимагадир хотиржам эмасдай кўринарди. Кейин билсак, у ҳақ экан: спектаклни ҳали роман муаллифи кўрмаган экан. Аввал Ойбекнинг рафиқаси Зарифа опа келиб кўрди ва мамнуният билдириб кетди. Ойбек ака кўриги режиссёрни ҳам, театр жамоасини ҳам қизиқтирарди. Ниҳоят, аёллари Зарифа хоним кундуз куни докторлардан яшириб олиб келадиган бўлдилар. Шундай бўлди ҳам. У киши жуда мамнуният билан томоша қилганларини айтиб туришди. Аммо Тошхўжа Хўжаев парда орқасида ҳаяжонидан у ёқ-бу ёққа юрарди. Спектакл тугагач, Ойбек ака Зарифа опа ёрдамида саҳна томон юрдилар, чеҳраларида мамнунлик кўриниб турарди. Биз, актёрлар дарҳол Тошхўжа Хўжаевни саҳнага чақирдик. Ойбек домла имлаб уни пастга, олдиларига чақирдилар. Ҳаммамиз нима дер экан-лар деб уларга тикилар эдик. Тошхўжа Хўжаевни бағриларига босиб, пешонасидан ўпдилар ва «маъқул» деб қўйдилар. У кишининг камгапликларини биларди. Шу биргина сўз биз учун кифоя эди. Тангрига шукурлар қилдик. Тошхўжа Хўжаев ўзбек драматургларини атрофига тўплай бошлади. Баҳром Раҳмонов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов билан ҳамкорлик қиларди. Бу муаллифлар илк асарларини шу режиссёр вақтида юзага келтирдилар деб айтиш мумкин. Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесаси кўп тортишувга сабаб бўлган эди. Масала марказқўмгача етиб борди. Спектаклни тўхтатиб қўймоқчи бўлишди. Бундан муаллиф ҳам, режиссёр ҳам ташвишланиб қолди. Тезда жамоат муҳокамаси эълон қилинди. Муҳокама биринчи кун театр биносида бўлди, томошабинлар ёпирилиб кела бошлади. Ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ва театршунос Ҳафиз Абдусаматов ҳужумга қарши ҳужум эълон қилишди. Муҳокама шундай қизиб кетдики, бир кун етмай, келгуси муҳокама ёзувчилар уюшмасига кўчирилди. Кундан-кунга спектаклни ҳимоя қилувчилар кўпайиб борарди. Тошхўжа Хўжаев муаллиф билан ишлашда зериккмас, ҳар қандай «тайёр» деб айтилган пьесани ҳам иш жараёнида синаб кўрарди. Биргина мисол билан айтсам, Одил Ёқубовнинг «Чин муҳаббат» пьесасидаги Арслоншер образи, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор»идаги Мўминнинг хотини режиссёр таклифи билан киритилиб, асар бойиган эди. У артистларнинг янги қирралари очилишига имкон берарди. Яйра Абдуллаеванинг «Ўғирланган умр»даги Кей образи бунинг ёрқин мисолидир. Турғун Азизовнинг «Ўлимдан кучли»даги Монсерро, Ирода Алиеванинг «Сарвқомат дилбарим»даги Асал образлари ҳам шулар жумласидан. Машҳур санъаткор ниҳоятда қисқа, аммо ижодий сермаҳсул умрида 30 га яқин бири иккинчисига ўхшамайдиган саҳна асарлари яратди. Тошхўжа Хўжаев ўзининг кўп вақтини ёшлар тарбиясига бағишлаган. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини битириши билан курс олиб иш бошлаганди. Олдинига актёрлар етиштирди, сўнгра ўринбосарлар тайёрлашга журъат этиб, режиссёрлар курсига ҳам бошчилик қилди. Жумҳуриятимиздаги ҳозирги етакчи актёрлар ва режиссёрларнинг кўпчилиги устоз ўгитларидан баҳраманд бўлган. Биргина Баҳодир Йўлдошевни олайлик. Бир санъаткор сифатида айтадиган бўлсам, мен уни ижодиётда ўзини оқлаётган шогирдлардан деб биламан. Ҳамза театрида ҳам, Аброр Ҳидоятов номидаги театрда ҳам эътиборли спектакллар ярата олди. Энг қувонарлиси шундаки, унинг саҳна асарларида миллийлик яққол кўзга ташланиб туради. Шу мақола баҳона баъзи гапларни айтишга жазм этдим. Театрлар, умуман, санъат ўз ҳолига ташлаб қўйилгандай кўринаяпти бизга. Эҳтимол, давлатнинг бошқа ташвишлари етарлидир. Лекин энг қийин даврларда ҳам бу аҳволга тушиб қолмаган эдик. Ҳар қандай қийинчиликка қарамай, театрлар томошабинларни ўзидан қочирмаслиги керак. Театр ҳамма вақт илғор фикрларни олға сурган экан, эндиликда ҳам назардан қолиши мумкин эмас. Ҳозир ўз устозига содиқ қолмоқчи бўлган ҳар бир санъаткор ҳеч иккиланмасдан улар бошлаган анъаналарни давом эттириши шарт.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ

ИЖОДНИНГ БАЛОҒАТ ЁШИ

Қутлайлик!

Драматург Муҳаммад Хайруллаев адабиётга 60-йиллар бошида кириб келган. У ижодининг бошиданоқ наср ва драматургия этагини маҳкам тутди. Бугунги кунда ўнлаб қисса, ҳикоя, пьесалар муаллифидир. Лекин ёзувчи ижодида драматургия етакчилик қилади.

Камина Муҳаммад Хайруллаевнинг драматургия соҳасидаги изланишларини ўттиз йилдан бери кузатиб келаман. Кўпгина пьесаларининг режасидан тортиб, саҳнавий талқин топгунича бўлган жараёнларидан хабардорман. Шу боис унга хос баъзи умумий хусусиятларни комил ишонч билан қайд этишим мумкин.

Аввало, М. Хайруллаев драматургия қонун-қоидаларини, саҳна талабларини пухта эгаллаш йўлидан борди. Газета-журналларда қаламини чархлади, сўз устида қунт билан ишлади. Москвадаги Адабиёт институтида, собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларида уюштирилган драматурглар семинарларида малакасини оширди. Ҳамон у ҳаётни кузатишдан, ўқиш ва ўрганишдан чарчамайди. Бугунги кунда Муҳаммад Хайруллаев устоз даражасига кўтарилган драматург. Бир неча йиллардан буён Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида драматургия устахонасини бошқаради. Аммо шундай бўлса-да, камтар, ҳокисор, эришган ютуқлари, билимини кўз-кўз қилмайди. Баъзан ўйлаб қоламан: нега битта эмас, иккита эмас, ўн бешта саҳна асари ёзган, Фарғона, Наманган, Сурхондарё каби вилоят театрларида, «Ёш гвардия» ва Ҳамза номидаги академик театрлар саҳналарида асарлари қўйилган драматургни юқори доиралар у ёқда турсин, санъат аҳли орасида ҳам кимдир билади, кимдир билмайди?.. Бу ҳақда ўйлаб кўрайлик. «Ёзувчининг иши — ижод, баҳо бериш халқнинг маҳри, қолаверса, адабиётшуносларнинг, санъатшуносларнинг бор, пайти келиб ўз фикрларини билдиришар», — дейди у камтарона.

Яна бир ғалати ҳодисани кузатаман. Театрларнинг бадиий кенгашлари, режиссёрлар ҳам Муҳаммаджон Хайруллаев асарларини ҳадеганда тушунавермайдилар. Ўз даврида долзарб мавзуда ёзилган «Тўқилган тасбеҳ» драмаси Ҳамза театрида қўйилмай қолиб кетди. Бундан беш йил бурун яратилган «Биллурдаги доғ» номли трагикомедия яқиндагина саҳна юзини кўрди. Болаларнинг уруш давридаги ҳаёти манзараларини таъсирли ёритувчи «Само ёхуд дарс давом этади» драмасига, гарчи яхши пьесалар учун эълон қилинган танловда мукофот олган бўлса-да, ёш томошабин театри режиссёрлари парво қилишмади. Ҳа, кўп ҳолларда олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаймиз. Муҳаммаджон Хайруллаев даб-дурустдан ўқувчи ёки томошабинни ғайритабиий шакл, фавқулодда бир айтишма билан лол қилиш пайига тушмайди. Унинг асарларидаги воқеалар ҳаётдагидай содда ва айни чоқда чигал бўлиб, аста-секин ривожланади. Қаҳрамонлари ҳам ҳар кун учрайдиган оддий одамлар. Аммо зукко ўқувчи, актёр ва режиссёр шошмай ўқиса, мағзини чақади ва қизиқиб қолади. Чунки оддий бир тусда бошланган воқеалар тобора қизғинлашиб, тўқнашувлар кучайиб боради.

Хўш, драматург Муҳаммад Хайруллаев ижодининг энг муҳим хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчи хусусият — ҳаётийлик. Драматург баъзи ёзувчилардек тўрт девор ичида хаёл суриб ижод қилмайди, балки халқ дарди, ташвишлари билан яшайди.

Иккинчи хусусият — замонавийлик. Муҳаммад Хайруллаев жамиятнинг томир уришини ҳамиша кузатиб боради. Ҳар даврнинг ўз талаблари бўлади, шу даврга мос долзарб мавзуни топиб олиб, уни умумхалқ ахлоқ талаблари негизида муфассал ёритишга ҳаракат қилади. Ушбу хусусият ёзувчининг илк саҳна асари «Фарзанд» драмасидан бошланган эди. Кейин ҳам изчил давом этди. Айниқса, Ҳамза театрида саҳналаштирилган «Жар» ва «Биллурдаги доғ» асарларида яхши намоён бўлган. Бу асарларнинг яратилишида умуман жаҳон томоша санъатида рўй берган баъзи оқимлар таъсири бордир. Аммо ҳамма гап шундаки, улар қайта қуриш муносабати билан бошланган демократик изланишлар маҳсулидир, барча воқеалар ва қаҳрамонлар юртимизга, жамиятимизга дахлдор.

Ниҳоят, Муҳаммаджон Хайруллаев драматургиясига хос яна бир хусусият жанр сарҳадини кенгайтиришга интилишдир. У драма, мелодрама, мусиқали драма, комедия, трагикомедия, саҳнавий эртак жанрларида қалам тебратган.

Эндиликда Муҳаммаджон Хайруллаев драматургияси ҳақида комил ишонч билан сўз юритиш мумкин. Бугун ёзувчининг айни ижод қиладиган палласи. 60 ёш драматург учун катта тажриба ортирган чоғи, балоғат ёшидир. Мен дўстим Муҳаммад Хайруллаевга бу йўлда, эзгу ниятлари, орзу-армонларининг ушалишида саломатлик, сабр-тоқат ва омад тилайман.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор

ПАРДОЗИ СОЗ

ДУНЕНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ, дейдилар. Гўзалликни эса туғма истеъдод бунёд этади. Кўпинча кинофильм ёки бирон спектаклни томоша қилгач, ё бўлмаса телевизор кўриб, бир-биримиз билан мулоҳазаларимизни ўртоқлашамиз. Масалан, яқинда зангори кўзгуда намойиш этилган «Лайли ва Мажнун» видеофильмини худди биринчи марта кўргандек яна ҳаяжон билан томоша қилдик. Муҳаббат асираси Лайли ролини ижро этган артист Зуҳра Ашуровани севиб қолдик. Зуҳра — Лайлининг ҳақиқий шарқона чиройи, иболи кўз қарашлари, кийими, бизни мафтун этган ўзига хос аллақандай жозибасини кўриб ҳайратингиз ошади, ақлингиз шошади. Бу ўринда режиссёрнинг нозик дид ва маҳоратига таҳсин айтасиз. Лекин, очиғи, кўпчилигимиз ана шу қиёфанинг мафтункор бўлишига катта ҳисса қўшган пардозчи (гримчи)ни эсламаймиз ҳам.

Пардоз (грим) устаси Суръат Жалилов ижодхонасидаги суҳбатимиз бевосита «Лайли ва Мажнун» видеофильмига уланиб кетди., Ҳа, сиз бу одамни аслида жуда яхши танийсиз. Ўзбекистон телевизион марказида Суръат ака узоқ йиллардан бери ишлайди. 30 йиллик иш тажрибасига эга бу санъаткор қўл урган, аниқроғи, яратган қиёфаларнинг сонсаноғи йўқ.

«Алишер Навоий» видеофильмини қанчалар севиб томоша қилганмиз. Буюк мутафаккир, давлат арбоби, шоир Алишер Навоий яшаб ижод этган мураккаб тарихий даврга тааллуқли қиёфалар тарихий шароитга мос, урф-одатга ҳамоҳанг яратилганки, бу ерда пардозчи маҳоратини алоҳида қайд этиш даркор.

Аммо, қизиғи шундаки, зангори кўзгуда айрим видеофильмлар бошланишида артистлар, сценарий муаллифи, режиссёр ва бошқаларнинг номлари берилади, аммо пардоз устасининг номи деярли учрамайди, берилганда ҳам майда ҳарфлар билан ёзилади. Нега шундай? Назаримда, пардоз устаси бошқа барча тегишли шахслар билан бир хил масъулият ва жавобгарлик ҳуқуқига эга. Чунки пардоз устаси сценарий қаҳрамонининг қиёфасини қошу кўзи, юз тузилиши, киприк қоқишидан тортиб, соч таралишигача қиёмига етказмас экан, асар тайёр саналмайди. Алишер Навоий қиёфасидаги иляқлик, кўзларидаги нур ва чуқур маъно, соч-соқолининг юзга ярашиб туриши. ҳатто бошидаги салланинг қай ҳолатда ўралиб, бир учи чап елка оша қайтарилиши каби ўта нозик унсурлар Суръат аканинг қўлию бой тафаккури билан яратилганини айтиш жоиз. Томошабин ҳукмига ҳавола этиладиган кўплаб асарлардаги қиёфаларнинг ўзига хос тузилиши ниҳоятда майда унсурларигача аввало устанинг хаёлида шаклланади. Чунки у сценарий ёки асарни иш бошлашидан аввал ўқиб, ўрганиб чиқади. Уста «Бобур» видеофильмининг бош қаҳрамони — Бобур образини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Абдуқундузов билан кечирган ижодий машққатлари ҳақида гапириб берди. Суръат ака Бобурнинг ўнлаб суратларини синчиклаб кўздан кечирган, тарихий асарларга мурожаат қилган, токи, томошабин Бобур қиёфасини — замон шаҳзодаси, ақлли, тадбиркор шоҳ, саркарда ва энг муҳими, шоирлигини қалбан ҳис этиши лозим. Шоҳ Бобур билан артист Бобур қиёфасини ҳамоҳанг қилишнинг ўзи бўлмайди. Фильмни томоша қилаётиб шоҳ Бобур — М. Абдуқундузовнинг ҳаракатларини меҳр билан куатиб борасиз. Шунда бу истарали чеҳрани «яратган» пардоз устаси эсга келади, ё келмайди. Суръат Жалилов эса сергаклик билан ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир имо-ишорани табиий, ишонарли қилиб ўз ўрнига қўйишга интилган. Шоҳ Бобур қошининг учи тепага қайрилганми, пастгами, қуюқмиди, сийрак, ингичкамиди — бу унсурлар унинг назаридан четда қолмайди.

Суръат Жалилов асли санъаткор оилада туғилиб вояга етди. Унинг отаси Ўзбекистон халқ артисти Обид Жалилов (худо раҳмат қилсин) умрининг охиригача Ҳамза номидаги отахон театрда ишлаб, ўнлаб Ўлмас образлар яратиб кетган устоз санъаткорлардан. Обид ака яратган қаҳрамонлар мукаммаллиги, бетакрорлиги билан томошабин қалбига кўчади, йиллар ўтиб борса ҳам эскирмайди. Шундай қуйма истеъдоднинг ўғли Суръат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирган эди. Бўлмади, у санъатдан узилиб яшолмади. Маданият институтига кириб ўқиди. Битиргач, Ҳамза номидаги драма театрида 15 йилдан ортиқ ишлади. Бу йиллар давомида театрда қўйилган «Алишер Навоий», «Ҳамлет», «Макр ва муҳаббат», «Отелло», «Зўраки табиб», «Бой ила хизматчи» каби ўнлаб асарларнинг асосий пардоз ишларини Суръат Жалилов бажарган.

— Шиллер асарлари қаҳрамонлари билан Мольер қаҳрамонларининг ташқи кўринишида фарқ бор, — дейди Суръат ака. — Биз асарни томоша қилаётиб, балки эътибор бермасмиз, аммо, масалан, Мольер қаҳрамонлари французча парик (улама) кийишни ёқтирадилар. Ҳар бир халқнинг ўзига мос миллий қиёфасини сақлаб қолишда шундай майда унсурларга ҳам катта эътибор талаб этилади. Гумоз деган маҳсулот бор, биздаги пластилинга ўхшаш. Биз уни Москвадан олардик. Ҳозирча борини ишлатиб турибмиз. Энди ўзимиз тайёрлашимиз керак. У бурунни узун ёки қисқа қилишда даҳанни кенгайтириш ёки чўзишда, ҳатто қўлоқни қиёмига келтиришда ишлатилади.

Суръат ака билан суҳбатимиздан маълум бўлдики, биз мевасини еб, боғини суриштирмай юраверган томошабин эканмиз. Уста киприк тайёрлаш сирлари, уларни кимга, қаерда ишлатилиши ҳақида сўзлаб берди. Телефильмларни ҳузур билан томоша қиламиз, аммо саҳна ортида қолган бу катта меҳнатнинг жонкуярини гоҳо эслаб ҳам кўрмаймиз. Уста ўзбек халқининг ўзига хос хислатлари, миллий урф-одатларимизни энг нозик қирраларидан тортиб, эсдан чиқиб бораётган томонларигача яхши биларди. Унинг гир айлана кўзгулар билан қопланган устахонасида кўп сирлардан воқиф бўласиз: нос чекувчи шахснинг мўйлови кўкимтир, чилим чекувчиники эса сариғимтир бўлади, деб ҳикоя қилади уста. Тўқ ҳаворангни зангори кўзгу нега ёқтирмайди-ю очиқ ҳавога қайси ранг мос тушади, бино ичида қайси ранг кўрсатувни жонли қилишга ёрдам беради. Солиҳбой ўраган салла билан қозининг, юзбошининг салласида, албатта, фарқ бўлади. Хонзодаларнинг икки чаккасида бурама гажак — бойлик белгиси, Жамиланинг сочлари безаксиз, оддий, майда ўрилган — камбағаллик аломати. Бундай кўз илғамас, лекин керакли унсурлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

— Рассом бирор қиёфани яратар экан, ўзига ёқмаса ёки нотўғри бўёқ ишлатиб қўйса, уни йиртиб ташлаши ва қайтадан яратиши мумкин. Мусаввир ва наққош ишида ҳам шундай. Аммо пардозда хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Бехато ишлашга одатланиш лозим. Ўқувчиларимга шундай ўгит бераман, — дейди Суръат ака.

Узоқ йиллик катта тажрибага эга уста бундай ишларда режиссёр ва муаллифнинг яқин кўмакчисига айланди.

— Суръат ака билан тез тил топишиб ишлаймиз, — дейди телевидение режиссёри Ҳайбатилла Алиев. — Сценарийни қўлларига олгач, у ёғини ўзлари «пиширадилар». У катта тажрибага эга гримчи. Менга қолса, пардозчини асарнинг ҳаммуаллифи деб атардим. Унинг меҳнатисиз асар дунё юзини кўрмайди.

Бундай миннатдорлик сўзларини Ўзбекистон халқ артистлари Тўйчи Орипов ва Ёқуб Аҳмедовдан ҳам эшитдик. Ў. Усмоновнинг «Гирдоб», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» видеофильмларидаги бу пардозчи меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ.

Суръат Жалилов Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида ёшларга таҳсил берар экан, пардоз санъатининг театр са

БУЛОҚ БЎЙИДА УЛҒАЙГАН ШОИР

У бундан 60 йил муқаддам Ўш вилоятининг Туркобод қишлоғида таваллуд топди. Мактабда, кейин Фарғона давлат педагогика институтида таълим олди. Гоҳ Ўзбекистонда, гоҳ Қирғизистонда мактабларда муаллимлик қилди. Дастлабки шеърлари ўша йиллари газеталар саҳифаларида эълон қилинди.

60-йилларда Ўш вилояти газетасида меҳнат қилди. Публицист сифатида танилди. 70-йилларда Андижонда Ёзувчилар уюшмаси бўлимида, вилоят газетасида фаолият кўрсатди. Биринчи шеърлар тўплами «Булоқ бўйида» 1970 йиллар нашр этилди. Шундан кейин унинг «Юлдузларни кўзлар нигоҳим», «Лола мавсуми», «Тоғда айтилган ёр-ёр», «Онажонларсиз, онажонлар», «Пойтуғ чинори», «Кокилли қуёш» каби китоблари нашр этилди. Унинг бу китобларидаги асарларда дўстлик ва муҳаббат, Ватан ва халқ улуғланади, юртдошларимиз ва уларнинг қаҳрамонона ишлари мадҳ этилади. Шоир нигоҳи билан юлдузларни кўзлар экан, улар орқали бепоён бўшликда нурлар кўп эканига ишонади, кўп ҳолларда эса фидойи инсонларни юлдузларга менгзайди.

Шоир кейинги йилларда Гитлер Германиясига қарши урушда ҳалок бўлганлар ва аламдийда оналар образларини яратишга эътибор бермоқда. Унинг «Кутиш» достони ва «Олис уруш садолари» монолог-достонида ана шу мавзу ўз аксини топган. Наслларнинг шаҳидлар олдидаги бурчи, оналар қалбидаги битмас яралар умумлаштирилиб баён қилинади.

«Тоғда айтилган ёр-ёр» достонида эса ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги самимий муносабатлар, дўстлик туйғулари улуғланади. Булардан ташқари, шоирнинг турли мавзудаги «Учинчи қутб», «Она», «Ҳиммат», «Ҳасса», «Қурбонжон додҳо» каби асарларида гоҳ бугунги кун, гоҳ ўтмиш, гоҳ тарихий шахслар қисмати, гоҳ замондошлар тақдири хусусида сўз юритилади.

Бошқачароқ айтганда, Холдоржон Қуронбоевнинг 60 йиллик ҳаёти, қувонч ва ташвишлари, 30 йилдан ортиқ ижодий фаолияти ана шу асарларида жамулжам бўлган. Кўп сонли муштарийлар номидан уни 60 ёшлик тўйи билан қутлар эканмиз, келгуси ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз, доимо соғ-саломат бўлинг, деймиз.

Қутлайсиз!

Холдоржон ҚУРОНБОЕВ

МУЛОҚОТ

У бир куни ўзга сайёраликни кўрди,
Ўзга сайёралик ҳол-аҳвол сўрди:
— Қийналмаяпсанми, эй ерлик одам!
— Йўғ-е! Уйим бор шинам...
— Қўлинг меникидан калтароқми сал!
— Йўғ-е! Яна... қайдам!..
— Мен ерингни кўрдим. Кичик, лек кўркам.
Сен ҳам юр, кўриб кел, бизникини ҳам...
— Эҳ-ҳе,
Уёқларга бориш менга йўл бўлсин!
Тўхта... Тўхта... Шундай бўлса ҳам
Бир-иккита саволимга жавоб бер-чи сен,
Ундан кейин ўйлаб кўрай мен...
— Майли, сўрай қол.
— Айт-чи, агар келмаса малол:
Уёқда ҳамма бой яшайдими, ё —
Сизлардаям борми оддий меҳнаткаш!
Бор бўлса, уларнинг маоши қанча!
Нарх-наво қанақа! Арзондир анча!
Чунончи, неча сўм гўштнинг қадоғи!
Қанча сўм туради пахтанинг ёғи!
Қанд-шакар серобми! Ун-чи! Совун-чи!
Сигарет-чи! Телпак-чи! Кепак-чи!..
Картошканинг килоси қанча!
Ҳа, айтганча...
Борми сизларда ҳам ўғри, чайқовчи,
Фирибгар, риёкор, айғоқчи, нопок,
Лоқайду порахўр, лаганбардорлар!
Сизлардаям тарихга тупуриш борми!
Улган амалдорлар азизми, хорми!
Айта оласизми дилда борини!
Лоақал, унинг ярмини!..
Қандай тингланади сизда арз-дод!
Эътиқод маҳкамми, эътиқод!
Имон-чи, имон!
— Бўлди-е, инсон!
Саволми бу... Ёки дўл ёғдиряпсанми!
Нима деганингни тушунсам ўлай!
— Унда-чи, унда...
Сеникига нега ҳам борай!
...«Ликопча»га миниб кетворди меҳмон,
Ҳанг-манг бўлиб қолди соддадил мезбон...

ҒАЛАТИ ОДАМ

У юришни истайди,
Узоқ-узоқларга юришни,
Кўп жойларни кўришни,
Боғларда кезишни,
Денгизларда сузишни истайди.
Лекин ишга бориб келади, холос.
У гапиришни истайди
Очиб-очиб юрак қатини.
Қушларга ўхшаб,
Дарёларга ўхшаб,
Тоғларга, булутларга, ёмғирларга ўхшаб,
Гоҳо-гоҳо момақалдироққа ўхшаб
Гапиришни истайди.
Лекин гапира олмайди.
Фақат мен озодман, дея олади, холос.
У омад истайди ҳаммага ўхшаб,
Омад эса ўжар.
Жудаям ўжар.
Қайрилиб боқмайди негадир унга.
У ишга жўнайди
Йўл-йўлакай дер:
Етганимга шукур шу кунга.
У ишдан қайтади
Ва ичида дер:
Мен дардимни айтайин кимга!..

«УНДИ КЎЗ ЁШИМДАН ГУЛ...»

Юзлари хаёлида унди кўзёшимдан гул,
Қоматини ёд этиб баграма чинор келди.
МАКНУНА

Оллоҳнинг назари тушган бугунги Ўзбекистон республикаси минтақасида яшаб ўтган алломалар: Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Имом Бухоройи, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, мумтоз туркий адабиёт байроғини Шарқ даҳо шоирлари қаторида баланд кўтара олган ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий, Бобур, Нодирайи даврон ва бошқа кўп илму маърифат юлдузлари азалабад олийнасаб миллатимизни қўдратли, доно-ю тавоно, маърифатли эканлигини исботлаб, эзгулик зиёсини сочиб турғай:

Ёдга келур улуғ жаҳонгир,
Гулбоғ эди азалий Турон.
Буюк туркий миллатни тақдир
Айлагандир доим комрон!

Ўтган йил улуғ Навоийнинг унутилмас хотирот йили ўзбек халқининг қадриятлари оламига силжиш йўлидаги, мустақил Ўзбекистон тарихидаги биринчи шахдам қадам бўлди.

Бу йил икки юз йиллик тўйи Республикамиз бўйлаб нишонланаётган, юқорида фахру ифтихор билан номи тилга олинган Моҳларойим — Нодирабегим ҳам тарихда минг йилда бир келадиган ўлмас сиймолардандир. Уйғониш даври Антик адабиётининг вакиласи, Сампфо, Шарқ уйғониш даври илк мумтоз адабиётининг ёрқин юлдузи (иффат тугуни ва бакорат ғунчаси очилмай, шеър ёзгани учун ҳаммом буғхонасида акаси золимлигидан бўғилиб ўлган, аммо сўнгги шеърларини бармоқларини қонатиб гармхона деворларига ёзиб кетган), оташнафас шоира Робиайи Балхий, бобурийлар сулоласига мансуб Зебуннисобегимлардан кейин Машриқамин мумтоз шеъриятида туркий ва форсий ғазалиёт девонлари билан ўчмас из қолдирган Нодира — Макнунадек улуғ шоира ўзбек халқига оллоҳнинг улкан иноятн ва меросий бахт ганжинасидир.

Макнуна юлдуз кўзидан ёш тўкиб,
Шеърларини то саҳаргоҳ ёзадур.

Юлдузларни йиғлата оладиган, тафаккурот оламининг маликасига муборак икки юз ёш тўлганини Ватанимиз зиёлилари, коргаруҳ деҳқонлари, шоиру фузалою адаб аҳли буюк бир ифтихору ғурур билан байрам тадорикларини ўтказмоқдаки, бу хайрли ишларнинг президенти Ислом Каримовнинг халқпарварлик сиёсати натижасидир.

Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси куни кеча шоира Моҳларойим — Нодирабегим асос солган Ойим қишлоғида шеърият маликасининг муборак тўйига бағишлаб катта хотира сайли ўтказди.

Табиийки, ҳар бир элнинг сарватдор тожиру бою бадавлат улуғ одамлари қаторида гадою сағир, бева-бечоралари ҳам бўлади. Бугунги иқтисодий тақчиллик шароитида ночор табақадаги фуқароларга фақат давлатимизнинг бераётган кўмагини етарли деб қарамаслигимиз керак. Зеро, қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар.



«Наврўз» хайрия жамғармаси ҳар доим камбағалпарварликни тарғибу ташвиқ қилиб, боёну кабирларни гадою сағирларга нисбатан саховатли бўлишга чақиради. Шу боисдан шоира хотира сайли наҳор оши билан бошланиб, кейин ўйин-кулги, аскиябозлик, шеърхонликка айланиб кетди. Шоира Турсуной Содиқова Нодирабегим ҳақида гўзал ифодалар билан ҳамду сано ўқиб, «шундай улуғ шоирага ҳамшаҳар бўлиб нўноқ шеърлар ёзганимда, мумтоз шоира, устоз Нодирабегим руҳи поки олдида ҳижолатдаман», деди.

«Наврўз» хайрия жамғармаси эзгу анъаналарига кўра, янги туғилган чақалоққа Зулфия деб исм қўйилиб, болалар аравачаси совға қилинди. Уч жуфт келинкуёвнинг саодатли бахт тўйлари ҳам шу кунга тўғри келиб, улар ҳам совға саломлардан қуруқ қолмадилар. Кўплаб ногирону бечораҳол, қари-қартанг, ёрдамга муҳтож одамлар Нодирабегим хотираси куни шарофати билан ўтказилган эҳсонлар тақсимотидан шод бўлиб кетдилар.

Одамохун мезбонларнинг мустақил жумҳуриятимиз учун нечоғли фидойи эканликларини кўриб, кўнглимда: қани эди, жами республикамиз раияту фуқаролари ойимликларга ўхшаб баҳамжиҳатлик, ижодий меҳнату ватанпарварона ташаббус билан чиқса, балки ҳалқу ватанимиз олдидаги ечилмас муаммолар тезроқ ҳал бўлармиди, деган ўйлар кечди.

Абдуҳошим Абдуллажонов 70 милён сўмлик сармоядор матлубот уюшмасига раҳбарлик қилади. Уюшма шоира юбилейини ўтказиш сарф-ҳаражатларини Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси билан тенг кўтарди.

Ташкилий ишларини амалга оширишда Ўзбекистон халқ ноиби Ўктамжон Оҳунов, оқсоқол нафақахўр Нишонбой Юнусов, Моҳларойим интернат-мактаби директори Қодиржон Ризаев бор имкониятларни ишга солдилар. Андижон «Сумалак» дастаси йиғилганларни шод этди. Ўзбекистон ойнаи жаҳони режиссёри Мели Маҳкамов бу воқеаларни тасвирга туширди.

Ўзбекистон халқ ноиби, Республика президенти ёрдамчиси, «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Дадахон Ёқубов шундай деди: «Биз қишлоғимизга асос солган улуғ шоира хотирасини шод этибгина қолмай, шу баҳонада ночор ва кам таъминланган фуқароларга қўлимиздан келганча ёрдам бериб, қўш хайрли иш қилдик. Аслида хайрия қилган одам айтмаслиги керак ўзи инъом этган эҳсонини. Аммо Республика, халқ манфаатини ўйлаб, тинчлик-осойишталик барқарорлиги учун барча шароитларни мувофиқлаштирувчи «Наврўз» жамғармаси тарғибу ташвиқи, қолаверса, мустақиллик назариёти ва амалиётини мустаҳкамлаш учун эзгулик, хайру саховат, олийҳиммат-лилик ҳеч қачон парда ортида қолмаслиги керак».

Олим БУРИ

КЎНГИЛ СЎЗГА ОШИҚ

Бу кунлар ҳам ўтиб боради,
Карвонсимон кетиб боради.
Билмам қайга етиб боради,
Балки, умр деганн шудир!

Бу — ўтли мисралар «Ошиқ булбул» — Эркин Неъматовнинг қалб нидосидир. Ҳа, ҳеч бир гулшанни булбулсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Она Ўзбекистонимиз мислсиз, тенгсиз бир гулшан бўлиб, уни куйлаётган ва куйламокчи бўлган булбуллар ҳам бесанок. Ўзининг илк китобини бундан йигирма икки йил муқаддам «Ошиқ булбул» деб номлаган Эркин Неъмат бугунги кунда ана шу сайроқи булбулларимизнинг бирига айланганлиги ҳақиқатдир.

Шоирнинг қалби Ватан нуқтасига айланиб, юрт бахш этган дардни — диёр меҳрини қаламга олди, табиат минбаридан туриб садоларга жўр бўлди, замон қўнғироғи эса унинг эътиқоди бўлиб қолди. «Ўзбекнинг улуғлиги — тарихга бўлиғлиги», дейди шоир бир фардида.

Истеъдодли шоир, журналист, публицист Эркин Неъмат бу ҳақиқатни ўз ҳаёти ва ижодининг мағзи, маъноси деб билди, унга содиқ қолди Эркинжон эрка табиатнинг гўшаси — сўлим Ургутнинг Кенагас қишлоғида туғилди, буюк ҳазратимиз Алишер Навоий номлари билан аталувчи Самарқанд Давлат дорилфунунида таҳсил олди. Ўз меҳнат фаолиятини вилоят газетаси «Зарафшон»да бошлади. Зарсочар дарё сувини ичган, қалами чўҳна Самарқандда қайралган Эркинжонни пойтахтимизнинг сирли дунёси — ижод муҳити ўз бағрига чорлади. Дастлаб Ўзбек қомуси муҳарририятида хизмат қилди, бой халқ оғзаки ижоди, ўзбек маданияти, адабиёти дурдоналарини жамлашдек хайрли ишга улуш қўшди.

Мана, йигирма беш йилдан ошибдики, Эркин Неъмат Ўзбекистон радиоси уйини ўзининг иккинчи хонадони, деб билади. Бу жамоани юксак қадрлайди. Кенагаснинг оқсоқоли, асил деҳқон, миришкор боғбон, падари-бузруквори Неъмат ота Ризо ўғли васияти ва насиҳатига амал қилиб, табаррук замин фарзанди дуосини олиб, қишлоқ меҳнат аҳлининг орзу-ўйларини, қалблари қатидаги дард-армонларини, ҳаётнинг қувончлари-ю ташвишларини қаламига олди, ҳаво мавжларига дадил олиб чиқди, замондошларини, ватандошларини ихлос билан мадҳ этди. «Оқ кемани асрайлик», «Мустақиллик неъматлари осмондан тушмайди», «Бу ёғи ўзимизга боғлиқ», «Алангадаги ёзувлар», «Сорбон», «Ҳаёт ошиғи» каби публицистик мақолалар, ҳужжатли ҳикоялар Эркин Неъмат қаламига мансуб.

Ўз дилимни тилим деб билдим
Ва ақлимни йўлим деб билдим.
Ўз юртига хиёнатни мен,
Бевақт келган ўлим деб билдим

деб ёзади у бир шеърида. Шунингдек, шоирнинг «Ошиқ булбул», «Табиат минбари», «Алангадаги садо», «Замон қўнғироғи», «Яраланган туйғулар» каби шеърий тўпламлари шеърхонларнинг тили ва дилига тушди.

Ёшлик, гўзаллик, эркин, ҳур ҳаёт куйчиси Эркин Неъмат эллик баҳорни қаршилаётган, ўз умри ва қаломи қадрини сарҳисоб қилаётган шу кунларда азиз биродаримизга омонлик, бахтиёрлик истаб, қалби ва қаламига барака тилаймиз.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Эркин НЕЪМАТОВ

ЙЎЛЛАР

Йўллар,
Менинг йўлларим,
Аждодларим қолдирган излар.
Истиқболга туташ қўлларим,
Йўлларимга қадалган кўзлар.

Ҳар йўлакнинг сўқмоқлари бор.
Сирлар уйғоқ бурумларида.
Армонлар бор, бордир ифтихор,
Йўлакнинг бурунларида.
Йўллар ўтар, қисматлари туй,
Ёруғликка етолмай ўтар.
Йўллар ўтар, толеи бутун
Бахтга элтар, қувончга элтар.
... Ўша менинг йўлагим, йўлим.
Мен озодман,
Йўлларим озод,
Умрларнинг соврилмас кули.
Орзуларга йўлларим қанот,
Менинг йўлим,
Истиқлол йўли!

ЧИҒАНОҚ

Денгиз тўлғанади,
Тўлқинлар,
Тебратади чиғаноқларни,
Аллалаган каби оналар
Ширин-ширин чақалоқларни,
Денгиз бўлди унинг она-маскани,
Онанинг меҳридан тўйиниб яшар,
Тошга айланса-да тани
Ҳаётни куйлайди,
Қўшиғи,
Денгиз қўшиғига ўхшар...

●

Аёз тўкди бодом гулини,
Битта ғунча қолди илиниб.
Тангри берди унинг йўлини
Яшар, баҳорлиги билиниб.
Умларни умрга улаб,
Шодланади бу дам ўша гул.
Атрофларга яшиллик тилаб,
Чечакларга очаётир йўл...

ИЗЛАГАНИ ҲАҚИҚАТ

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг янги китобларидан бири «Излай-излай топганим» деб номланган. Бу бежиз эмас. Олим ўзининг 30 йиллик илмий-ижодий фаолиятида асримиз аввалида миллий уйғониш ҳаракатининг бошида турган маърифатчи зиёлиларимиз фаолиятидан ҳақиқатни қидирди, уларнинг ижодий меросини таҳлил ва тарғиб қилишда жонкуярлик кўрсатди. Бугун мамнуният билан айтиш мумкинки, у излаган ҳақиқатларини топди. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, М. Шермуҳамедов, Аҳмад Заки Валидий ва бошқа улар сингари ўнлаб Туркистоннинг эрк ва озодлиги учун курашган фидойи сиймоларимиз ҳақидаги рост гаплар фанга маълум бўлди.

Бегали Қосимовнинг 50 йиллигига бағишлаб у туғилиб ўсган Касби туманида бўлиб ўтган тантанали учрашувда олимнинг ижодий йўли ҳақида сўз айтган таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов шу ҳақда гапирди. Қашқадарё вилояти ҳокими муовини Р. Раҳмонов олиб борган учрашувда шоирлар Ж. Жабборов, М. Али, И. Отамуродов, Касби тумани ҳокими Н. Сариқов, туман мактабларининг жамоалари, ўқувчи ва муаллимлар ижодкорнинг фанда эришган ютуқлари ҳақида гапириб, уни навқирон ёши билан қутладилар.

Шундай эсда қоларли учрашувлардан бири олим туғилиб ўсган Денов қишлоғидаги Мавлон Жалилов номли мактабда ҳам бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, эндиликда мактабга номи қўйилган муаллим бир пайтлар Б. Қосимовга адабиётдан сабоқ берган эди. Мактабга йиғилиб келган «Қашқадарё» давлат хўжалиги меҳнат аҳли, хўжалик раҳбари Яраш Муҳаммадиев, ўқувчилар, олимнинг юртдошлари уни самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Қарши давлат дорилфунунида бўлиб ўтган учрашувни эса ЎзФА мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, дорилфунун ректори Тўлқин Бекмуродов олиб борди. Учрашувда сўзга чиқан Қарши шаҳар ҳокими М. Маҳмудов, профессор П. Равшанов, тил ва адабиёт куллиёти толибаси Зилола Хўжаниёзова, Тошкентдан ташриф буюрган таниқли адиблар ўзининг 50 ёшлик тўйини ўтказаётган олимни қизғин қутладилар, ўз шеърларидан ўқиб бердилар. Олимлар, адиблар, меҳнаткашлар ва илм толибларининг қизғин мулоқотларига айланган бу учрашувларда сўзга чиққан Бегали Қосимов халқимизнинг маънавий мулки бўлган ўтмиш маданиятини ўрганиш борасида олдимизда турган қатор муаммолар, тарих сабоқлари, бугунги имкониятларимиз ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.

Олим ва адиблар билан Қашқадарё вилоят ҳокимиятида ҳам суҳбат бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Т. Ҳидиров ижодкорларни меҳнаткашларнинг бугунги кайфияти, иқтисодиётни кўтариш йўлида қилинаётган хайрли ишлар билан таништирди.

ЎНҲАЁТЛИКЛАР: ГАЗЕТАДАН МИННАТДОРМИЗ

Биз муштарийлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги ижодий жамоаси ва газета ҳаммуассиси Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясидан ғоятда миннатдор эканлигимизни маълум қиламиз.

Ҳафталикнинг жумҳуриятимиз ижтимоий ва маданий ҳаётида тутган ўрни ва хизмати катта эканлиги кўпчиликка сир эмас. Мактаб — интернатимиз педагогик жамоаси мисолида айтадиган бўлсак, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жўғрофия ва бошқа фанларни чуқур, мазмунли, янгича ғоялар билан бойитиб ўтишда ҳафталикда чоп этилаётган мақолалар бизга жуда қўл келмоқда.

Замон талабига мос дарсликлар тайёрлаш меҳнатининг оғирлигини, улгуриш қийинлигини ҳис этган ҳолда ҳозирги шароитда ҳафталик педагогларнинг яқин кўмакчисига айланган. Йирик алломаларимиз, тарихимиз, осори атиқа ёдгорликларимиз, урф-одат ва миллий қадриятларимиз ҳақидаги материаллар нафақат дарс жараёнида, балки мактаб интернатимиз синф хоналарини, залларини миллий руҳда жиҳозлашда, ўқув қуролларини тайёрлашда асос бўлмоқда.

Қадрдон ҳафталигимиз саҳифаларида эълон қилинаётган давлат тили тўғрисида, унинг келажаги ҳақида қайғуриб ёзилган мақолалар, айниқса кенг газетхонлар оммасига ўз фикрини очиқ айтиш учун минбар берилиши айни муддаодир. «Муҳокама учун мавзу», «Ёднома», «Шахсий мулоҳазалар», «Тадқиқот, ахборот», «Руҳият иқлимлари» каби рукнлардаги мақолалар-ўзига хос бир асар даражасидаги чиқишлар деб баҳолаймиз. Улар бизга жуда катта ва бой маънавий озиқ беради. Бу эса ҳозирги замонда инсон тафаккурини бойитадиган, маънавиятини юксалтирадиган бебаҳо хазинадир. «Шум боланинг чойхонасида» биз мухлислар чин дилдан чақчақлашиб, кулишиб дам олаётганимизни ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Шунинг учун ҳафталикнинг ижодий жамоасига, таҳририятига, халқ дарди, истак ва орзулари билан яшаётган ижодкорларга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ҳафталик ҳаммуассиси — Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси жамоаси ва унинг президенти Тошпўлат Тожиддиновга эзгу ишларида омадлар ёр бўлсин. Ўнҳаётликларнинг тилаги шундай!

Наманган вилояти Уйчи туманидаги 40-мактаб-интернат педагогик жамоаси

ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ

Бугунги оғир кунда маданиятнинг, халқ маърифатининг эртанги куни ҳақида ўйлаш, фикр алмашиш, афсуски, кам учрайдиган воқеага айланиб қолди. Яқинда ТошДД ўзбек филологияси факултетида таниқли адабиётшунос, Беруний мукофоти лауреати Наим Каримов билан 60 ёшга тўлиши арафасида ташкил этилган учрашув шу маънода халқ маданияти, маърифати, XX аср адабиётининг энг долзарб муаммолари ҳақидаги баҳс, фикр алмашувга айланиб кетди.

Н. Каримовнинг ёшлиги, шахси, илмий фаолияти ҳақида гапириб, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов жумладан шундай деди: «Бугунги кунда оёғимиздаги кишанлар олиб ташлангандек; адабиётшуносликни ҳақиқий илмга айлантириш фурсати етгандек. Чунки бизнинг давримизда соф илмий тадқиқотлар эмас, кўпроқ тузумга маъқул гаплар ёзилди. Қайси ёзувчини уриш керак, қайси бирини кўтариш кераклигини ҳам Марказий Комитет белгилаб берар эди. Бу дегани кечаги кунда ҳақиқий адабиётшунослик илми йўқ эди дегани эмас. Янгича тафаккур, санъат моҳияти, ижод ва ижодкор фалсафаси ҳақидаги энг илғор қарашларни мен Наимжоннинг кейинги даврда яратган мақолаларида кузатдим...»

Сўзга чиққан адабиётшунослар — У. Норматов, Б. Қосимов, У. Долимов, Ш. Ризаев, Р. Қўчқоров, У. Султонов ҳам Н. Каримовнинг шахси, ижодий сабоқлари, қизиқарли муаммоларга бағишланган мақолаларни тўғрисида гапирдилар. Н. Каримовнинг кейинги даврда яратган мақолалари адабиётшунослигимиздаги илғор тенденцияларни, энг муҳим баҳсталаб муаммоларни ўзида жам этган. Талабаларнинг саволларига жавоб бериб, Н. Каримов қуйидагиларни айтди: «Бугунги кунда XX аср адабиётига паст назар билан қарашлар, ўткинчи эҳтиросларга берилишлар давом этмоқда. Биз XX аср адабиётининг илғор мафкурасига айланиб кетган жадидизм ҳаракатчилигини пухта ўрганишимиз керак... Нима бўлганда ҳам халқимиз ўзининг маънавиятини, миллийлигини мустабид тузум остида шу сиймолар боис сақлаб, бизгача етказди...»

Учрашув сўнгида ёш шоир Холдор Вулқон шеърларидан ўқиб берди.

У. СУЛТОНОВ

БИЛДИРИШ

Шу йил 15 декабр куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ойнан жаҳон ва ёзувчи» мавзунда баҳс-мунозара ўтказади. Унда ойнан жаҳон раҳбарлари учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берадилар.

Учрашувга барча қизиқ-қанлар таклиф қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Ж. Неру кўчаси, 1-уй. Метронинг «Мустақиллик майдони» бекати.

МАҚОЛАНАВИСЛИК КЕНГАШИ

М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамбли жамоаси Узбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаевга оналари

Азиза ДАДАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Узбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театри актрисаси

Мўътабар КОМИЛОВА

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси шу театр актёри, республикада хизмат кўрсатган артист Эркин Комиловга умр йўлдоши таниқли актриса

Мўътабар КОМИЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги жамоаси ва ҳайъати Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган артист Эркин Комиловга умр йўлдоши

Мўътабар КОМИЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЎзАС ахбороти

Куни кеча Мирзо Улуғбек район бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг Узбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган кўрик-танлови ўтказилди. Унда райондаги клуб, маданият саройи ва уйларида ижодий иш олиб бораётган қиркдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва ансамбллари қатнашдилар.

«Юлдуз» маданият уйининг «Олтин водий», Луначарский номидаги маданият уйининг «Гулшан», Тошкент кабель заводи маданият саройининг «Нозик табассум» халқ ашула ва рақс ансамбллари фахрли ўринларни эгалладилар. Луначарский номидаги, «Юлдуз» маданият уйларининг ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, рус халқ чолғу асбоблари оркестри биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Район ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган бу кўрик-танлов район бадиий ҳаваскорлик жамоалари учун катта байрамга айланиб кетди.

М. ОБИДОВА

⊙

Ўтган ҳафта Тошкент давлат дорилфунуни маданият саройида талабалар кунига бағишланган концерт дастури намойиш қилинди. Унда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрининг бир гуруҳ таниқли актёрлари билан бирга «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ташкил қилинган «Зиё» театр студияси иштирок этди. Бу қизиқарли кечани ТошДД Ёшлар иттифоқи уюштирди. Талабаларни хурсанд қилган томоши шуки, концертга бепул кирилди ва текин тарқатилган чипталар номери бўйича 300, 500, 1000 сўмлик ютуқли лотерея ўйналди. Ютуқлар шу ернинг ўзида эгаларига берилди.

А. САФАРОВ

МУРОДБОЙ НИЗАНОВ—ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ

Муродбой Низанов қорақалпоқлар қайнаб чиққан Кегайли деган масканда. У асримизнинг қоқ ўртасида, аниқроғи, 1952 йилда таваллуд топган. Ёшлиги Кегайлида, унга яқин овуллардаги ҳазилкашларнинг давраларида кечган. Аввал мактаб деб атаса ҳам, атамаса ҳам бўлаверадиган бинода таълим олган. Сўнг Нукусда катта муғаллимлардан сабоқ олган. Ёшлигида ниҳоятда кўп кулгани учун юзларини ажиб босган, кўзлари қисилиб қолган. Шу сабабли эндиликда юзидаги ажинларни йўқотиш учун кам кулмоқда, жиддий тортган. Қолаверса, кегайлиликлар «Ўзинг кулма, лекин бошқаларни кулдириб юргин», деб насиҳат қилишган.

У бошқаларни кулдириш учун кўп изланди. Дастлаб ҳазил шеърлар ёзди. Шеърларини ўқиб одамлар кулишди-ю, лекин бу кулгини унинг ўзи яхши эшитмади. Шунинг учун ҳажвий ҳикоялар ёза бошлади. Кулги авжига чиқди, бироқ одамларнинг ўз-ўзича чекка-чеккада кулишларидан роҳат ололмади. Кулги дегани ёзувчининг ҳузурида бўлганига нима етсин. Шу ниятда комедия ёзишга ўтди. Комедияси Нукусдаги ҳашаматли театрда қўйилди. Ҳаммаёқни кулги босди. Бундан руҳланган Муродбой изма-из тўртта комедия яратиб ташлади.

Тўғри, у театрга келолмайдиган кулгисеварларни ҳам унутгани йўқ. Вақти

бўлганда ҳикоя, қиссалар ҳам ёзиб турибди. Кўплаб ҳикоялари ўзбек ва бошқа тилларда ҳам нашр этилган. «Пора» деб аталган қиссаси эса «Ёшлик» журналида босилиб чиққан. Жумладан, у қиссасида қаҳрамони ҳақида шундай деб ёзади: «У райондаги энг тажрибали порахўрлардан бири. У йирик ҳамда принципиал порахўр. Унинг соғлиги узоқ вақт пора олишнинг гарови. Одамлар пора олишни осон иш деб ўйлашади. Осон эмас бу иш. У маънавий порага муҳтож эмас».

Унинг бу асарини ўқиган китобхонлардан бири муаллифга шундай мактуб битибди: «Сен қорақалпоқлар устидан кулибсан, оралари-да порахўрлар бор дебсан. Ву туҳмат. Мен ўша сен ёзган одамни биламан. У пора эмас, совға олади. Шунинг учун эндиликда «Пора» эмас, «Совға» деб асар ёзгин!»

Муродбой Низановнинг уйида бундай мактублар кўп. Табийки, у буларнинг ҳаммасини ўқишга фурсати етмайди. Қолаверса, у ўқувчи эмас, ёзувчи. Ёзади. Ёзишдан ташқари Қорақалпоғистонда чиқадиган «Орол» журналига ҳам бош муҳаррир. Унинг ўзи бу ҳақда «Оролни сув билан тўлдира олмайдиганга ўхшаймиз, шу учун жуда бўлмаса қоғоз билан тўлдирайлик деб, шу номда журнал чиқариб ётибмиз», дейди камтарлик билан.

ТЕЖАМКОРЛИК

ҲАЖВИЯ

ХАКИМ ҲАКИМОВИЧ бошқармага бориб келдими, тамом, корхонада албатта бирор йиғин ўтказмасдан қўймайди. Бу иш шу пайтгача бирор марта ҳам канда бўлган эмас. Бу гал ҳам аҳвол шу тарзда кечди. Участкаларда ишлаётганларни иш ўринларидан, кекса қоровул билан фаррош кампирни уйларидан олдириб, электр энергиясини тежаш хусусида бир кунлик мажлис ўтказди.

У юз киловатт электр токининг қанчалар фойда келтириши тўғрисида батафсил гапирди ва уни бир неча марта қайта-қайта такрорлади. Кейин гапларимни мажлисда ўтирганлар «тинглашдими ёки тинглашмадими» дегандай ҳар бир одамдан такрор сўраб чиқди.

— Ана кўрдингизларми, фойда билан зарарнинг қаердалигини билдингизларми? — деди у ўз ишидан мамнун ҳолда. Кейин бирдан қош-қовоғи осилди.

— Ҳа, биласизлар, ҳаммасидан хабардорсизлар. Электр токини тежашга уста бўлиб кетгансизлар. Бироқ била туриб бу ишга бепарво, лоқайд қарайсизлар, — у жаҳли чиқиб, мажлисдагиларга бақира бошлади. — Ана шунақа, бу хўжасизлик, бориб турган бебошлик, ишёқмаслик. Бундан кейин бу ҳолга мен бепарво қарай олмайман. Жиддий текшираман!!!

Бақириқ мажлисда қатнашаётганларнинг бирортасига қаратилган бўлмаса-да ҳеч ким бошини кўтариб, бошлиқнинг юзига тик қарамади.

— Иш устида гап кетса, индамайсизлар, ҳамманг ерга тикиласизлар! Қани, бугундан бошлаб тежамкорликни қўлга оламизми ёки йўқми? — Ҳаким Ҳакимович ўзи бақириб, ўзи босилди. — Ахир бизнинг кун бўйи қилган мажлисимиздан ҳам мақсад шу эмасми!

Ҳеч ким гапиришга ботина олмаётганини кўрган корхона инженери иккиланиб ўрнидан турди.

— Менимча, тежамкорлик масаласини ўзимиздан бошласак, қандай бўларкин? — деди у Ҳаким Ҳакимовичга мўлтираб қараб. — Қаранг, мана бу лампочка эрталабдан бери ёниб турибди. Биз бўлсак, Ҳаким Ҳакимовичнинг жон қойитиб тежамкорлик хусусида айтаётган сўзларини эшитаётибмизу бепарво ўтирибмиз...

Бу бошлиқнинг ҳам, мажлисдаги бошқа одамларнинг ҳам хаёлига келмаган эди. Ҳамма бирдан чарақлаб турган лампочкага тикилди. Гап кўпайиб, мажлис чўзилмасин дедими, навбатчи ўрнидан туриб уни ўчирди. Атрофга хийла қоронғулик чўкди.

— Бу энди битта лампочка. Корхонамиздаги анови уч кондиционерни айтмаймизми? Тўрт ой давомида гувиллаб ишлагани ишлаган. Уни назорат қиладиган одам йўқ. — Инженер бошлиққа зимдан назар ташлади. Унинг тасдиқ маъносида бошини қимирлатаётганини кўриб янада жонланди. — Бунинг устига баъзи бир хизматчиларимиз вентилятор, стол чироқлари ҳам олиб келиб ўрнатишган. Хуллас, ҳамма электр токини талон-тарож қилиб ётибди...

— Барча кондиционерлар олиб ташлансин! — Ўтирган жойида буйруқ берди Ҳаким Ҳакимович.

— Ёзда хоналарни салқинлатиш масаласи қандай бўлади? — Орқа тарафда ўтирганлардан бири гап ташлади. Ҳаким Ҳакимович гапнинг белига тепган ким эканлигини билмоқчидай бўлиб товуш келган тарафга ўқрайиб қаради. Кейин бунга эътибор бергиси келмадими, ҳайтовур, ҳаммага қарата гапни салмоқ билан давом эттирди.

— Деразаларни очиб қўясизлар.

— Деразадан шамол келмайди-ку!

БОШЛИҚ БОШЛИҚ-ДА, у гапни ёлғиз ўзи айтиб, бошқалар маъқулламаса бошлиқ бўлармиди. Қолаверса, юз юзга, кўз кўзга тушиб турганда унинг фикрини маъқуллама бўлармиди. Олдинда ўтирганлардан учтўрттаси Ҳаким Ҳакимовичнинг гапини тасдиқлаб сўзладилар. Шундай қилиб, ёзда хоналарни салқинлатиш вазифаси эшик билан деразанинг елкасига юкланди. Кондиционернинг учтаси ҳам «токнинг ҳаддан ташқари кўплиги натижасида ишдан чиққанлиги» актлаштирилиб, Ҳаким Ҳакимовичнинг уйига юборилади. Вентиляторларнинг ҳам «тақдири» шундай ҳал қилинди. Қишда эса хонани иситадиган электр печкадан фойдаланувчилар учрайдиган бўлса, уларга қаттиқ жазо бериш мўлжалланди. Ҳисоблаб чиқилса, ана шундан ҳам анчагина электр токи тежалар экан.

Бундай баҳсли масала кўрилаётганда, айниқса йиғинда бошлиқ қатнашиб, ҳар бир сўзловчининг фикрини маъқуллаб турганда сўзга чиқувчи талабгорлар кўп бўлиши, табиий. Шунинг учунми, сўраган саволингга бир оғиз жавоб беролмайдиган, мажлисларда ухлаб кетадиган монтёр Бектувғонов ҳам сўзга чиқди.

— Уч кондиционер, вентилятор, печкани ўчириш билан тежамкорлик бўлармиди, бу дарёга кесак ташлагандай гап, — деди у.— Тўғри, бу масалада биз ўрнак кўрсатишимиз керак. Лекин тежамкорликка ҳамма киришмаса иш битармиди?

Ўтирганларнинг ҳаммаси унинг фикрини маъқуллади.

— Хўш, бу борада қандай таклифинг бор? — сўради бошлиқ.

— Район газетасига мақола ёзиш керак...

— Йўқ, бўлмайди, — инженер унинг гапини бўлди. — Мен бу ишни кўп қилганман. Ҳар йили ҳисоботим юзасидан олти марта мақола ёзаман. Энди бу мақолаларни ҳеч ким ўқимайдиган бўлди. Тежамкорлик борасида бошқа йўл топиш керак.

— Масалан?..

— Масалан... масалан, — деди у чайналиб. — Масалан, ёғин-сочиннинг ҳисобидан тежамкорлик қилсак қандай бўларкин?

— Ёғин-сочиннинг ҳисобидан электрни тежаш қандай бўлади? — ҳайрон бўлиб елка қисди бошлиқ.

— Бу осон, — деди инженер. — Осмонда булут кўрингандан дарров ҳамма трансформаторларни ўчириб ташлаймиз. Нимага ўчирдингизлар деб сўрашса, буниси куйди, анонвиси ёнди деб жавоб берамиз. Ишонишмаса, «ана, ўзларингиз кўринглар» деб монтёрларнинг резина қўлқопи билан темир оёғини олдиларига ташлаймиз. Менимча, бундан яхши бошқа йўли йўқ. Кўриб турибсизларки, йил охирида ҳам токни тежаганимиз учун, ҳам авария бўлмагани учун мукофот оламиз...

— Агар юқоридагилар билиб қолишса-чи?

— Ҳеч ким билмайди, Ҳаким Ҳакимович, — деди инженер ўз фикрини маъқуллаб. — Агар баҳона топиш керак бўлса, мана, бизларга қўйиб беринг, боплаймиз. Ҳаммага маълумки, территориямиздаги жойларга электр токи ер ости кабели орқали ўтказилмаган. Ёғочларга сим тортиб, очиқ ҳолда олиб борилган. Демак, ёғин ёққанда довул бўлади, довулда эса симлар бир-бирига тегадими, тегади. Ток шундан кейин ўчадими, ўчади. Тамом, вассалом.

— Ҳа, бу гапингда сал жон бор, лекин ҳамма ернинг чироғини ўчиравермай сайлаб-сайлаб ўчириш керак, — гапга аралашди бошлиқнинг ўринбосари.

— Майли, сайлаб ўчирсак, сайлаб ўчирайлик, шундан тежаганимиз ҳам етиб ортади, — деди бош бухгалтер.

Бу масала қайтадан ўртага ташланди. Уйга кетишга чоғланиб ўтирганларнинг ва Ҳаким Ҳакимовичнинг фикри бўйича шаҳар ичидаги чироқлар ўчирилмайдиган қилиб белгиланди.

— Чорва совхозининг чироқлари осмонда булут кўриниши билан ўчириб ташлансин!— деди бошлиқ буйруқ оҳангида. — Ёғин-сочин ўтгандан бир кун кейин ҳавонинг авзойига қараб чироқлар ёқилсин!

— Лекин ўша совхозда район ҳокимиятида ишлайдиган бир йигит бор, — деди участка монтёри ийманиброқ. — Яна оладиган мукофотимиз жазога айланиб қолмасин...

— Ўша йигит совхознинг қайси бўлимида? — сўради инженер.

— Биринчи бўлимида.

— Ёзиб қўйгин! — деди бошлиқ инженерга. — Чироқ ўша бўлимда ўчирилмасин. Қолганларининг ҳаммасини навбатма-навбат ўчиринглар. Бу менинг оиламнинг иши эмас, шуни тушунишларинг керак. Тежасаларингиз ўзларингизга фойда, ойлигингиз ошади, мукофот оласанлар, бўлмаса...

— Сабзавотчилик билан шуғулланадиган совхознинг чироғини ҳам кўп вақт ўчириб қўйса бўлади, — деди бошлиқнинг шофёри. — Районга 27 километр узоқликда турадиган Йўли асфальтланмаган, то арз этиб келаман дегунча ким бор, ким йўқ...

Унинг ҳам фикри маъқулланди. Қаловини топсанг, қор ёнади деган шу экан-да. Яна бировлардан бошқа таклифлар ҳам чиқди:

— Хўш, кўчадаги чироқлар кимга кераги бор?

— Уларни ҳам ўчириб ёқиб, ёқиб ўчириб токни тежаш керак.

— Йўқ, унда бўлмайди. Раҳбарлар яшайдиган ва улар ишлайдиган бинолар жойлашган кўчаларнинг чироқларини ёқиб қўйган ҳолда бошқаларини бутунлай ўчириб ташлаш зарур.

— Шу маъқул! — Ҳаким Ҳакимович барча таклифларга нуқта қўйди.

Хуллас, тежамкорлик масаласига бағишланган йиғилишда бундай қарор қабул қилинди: чеккадаги қишлоқларнинг электр чироқлари ёғиндан бир кун олдин ўчирилиб, ёғиндан бир кун кейин ёқиладиган бўлди. Кўчадаги чироқлар эса бутунлай ўчириб ташланадиган, фақат текширув пайтларидагина ёнадиган бўлди.

ТЕЖАМКОРЛИК ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРДИ. Йил охирида вилоят электр тармоқлари бошқармасидан район электр тармоқлари бошқармаси ходимларига мукофотлар берилди. Улар электр энергиясини тежаш ва авариялларнинг олдини олишда беқиёс даражада яхши натижаларга эришган эдилар. Уларнинг иш тажрибалари вилоят миқёсида кенг ўрганиладиган, оммалаштириладиган бўлди.

ЧОЙХОНА ХАБАРЛАРИ

«Навбаҳор» фермасидаги моллар ивитилган кунжарани ейишга ўргана бошладилар.

●

Ўқитувчи:

— Ўғлингиз дарсларни яхши ўзлаштира олмаётибди. Шу сабабли унинг устида сиз билан биргаликда иш олиб боришимиз лозим.

Ота:

— Бунинг иложи йўқ, чунки мен бир йўла икки жойда ишлай олмайман.

●

Ўқитувчи:

— Кундалигинга ота-онангга қўл қўйдириб келгин дегандим. Нега қўл қўйдирмадинг.

Ўқувчи:

— Уларнинг бу йилги қабулига навбат тугабди. Янги йилдан кейин келгин, дейишди.

●

Янги йилга қандай тайёргарлик кўрдингиз?

— Оз-оз ичиб «стажировка»дан ўтдим.

●

Шовқинбоевнинг қизини узатиш маросимига ўн олтита енгил машина қатнашди. Хотини Бўронбоевнинг қизининг тўйида ўн еттита енгил машина хизмат қилганини айтиб, Шовқинбоевга дакки берди.

●

СОВҒА

«Суюкли хотиним Гулнора! Мен сени 8 Март байрами билан дилдан қутлайман. Шу открткадаги гуллардай очилиб юргин, деб сенга янги соқол олиш устараси совға қиламан.

Эринг Муродбой».

●

— Театрда ишлайман, деганингга кўп йиллар бўлди. Лекин сени бирор ролда кўрмадик-ку! — дейишди танишлари.

— Тўғри, — деди у. — Чунки мен бировнинг ролида чиқмайман. Ўз ролимни бажараман. У ерда қоровулман!

●

Тарбиячи:

— Кеча нега боғчага келмадинг?

Бола:

— Дадамнинг шофери касал бўлиб, келмай қолди.

ХАРАКТЕРИСТИКА

Эркабой бу йил йигирма бир ёшда. Оғзи тўла тилла тиш. Кунлик юмушларига мотоцикл минади, каттароқ ишлари учун «Жигули»си бор. Аттестати медицина институти архивида, саккизинчи синфни битирганлик тўғрисидаги гувоҳномаси савдо техникумида. Меҳнат дафтарчаси отаси ишлайдиган корхонанинг кадрлар бўлимида. Ўзи эса айни кунларда беш йиллик меҳнат отпускасида.

ОТ КЎРДИНГИЗМИ!

Умирбек йўлда кетиб бораётса олдидан бир киши чиқиб, «Шу ердан от ўтдими, уни кўрдингизми?» — деб сўрабди.

— Ҳа, — дебди Умирбек ўйланиб ўтирмасдан. — Отни биламан, уни кўрганман, у эшакдан катта, туядан кичик ҳайвон бўлади!

●

Ўн йилдан бери ёзда чангиб, қишда лой бўлиб ётадиган «Олға» кўчаси икки кунда асфальтланиб бўлинди. Кўча миш-мишчиларининг хабарига кўра, ундаги уйлардан бирига район йўл тузатиш идорасининг бошлиғи кўчиб келган экан.

ҒАМХЎРЛИК

Ўртоқ Бепарвоевни корхонасидаги ишчиларга нисбатан эътиборсиз дейишади. Бу туҳмат. У одамларга ниҳоятда ғамхўр. Масалан, яқинда секретари Бепарвоевани ишга ўз вақтида келиб турганн учун мукофот ва санаторияда дам олиш йўлланмаси билан тақдирлади.

●

Чайқовчилар (бугунги кун сўзи билан айтганда тижоратчилар) бош бошқармасининг бошлиғи Чўтбоев яқинда бўдиб ўтган йиғилишда ўз хизмат вазифасидан четлатилди. У, кўпчиликнинг таъкидлашича, ишни бўш олиб бориб, кундалик зарур молларнинг давлат дўконларида кўпайиб кетишига йўл қўйган.

●

— Спектаклни нега бошламаётибсизлар?

— Томошабин йўқ.

— Бирорта ҳам келмаганми?

— Йўқ, келган, пьесанинг муаллифи.

БИР ҚУРИЛИШ ТАЪРИФИ

Юқоридан қатъий буйруқ бўлдими,
Бир қурилиш қизғин бошланди-кетди.
Ғиз-ғиз қатнаб турган йўлнинг устида
Ғаройиб, тилсимот бир уй қад тутди.

Икки дарвоза бор икки томонда,
Ҳайрон кўрганларнинг барча-барчаси:
Деворн, ост-усти мармардан, бироқ
На бир туйнуги бор, на бир дарчаси.

Не бўлса-да, битди бу уй тез кунда,
Етиб келди қабул комиссияси
Нима эканлигини билмай бу уйнинг
Лол қолди барининг ақлу мияси:

«Гавжум йўлнинг шундоқ қоқ ўртасида,
Тоғ каби қаққайиб турибди бино,
Бирорта нуқсон йўқ кўринишида...
Қандай вазифани ўтаркан аммо!»

Мунозара бўлди, бўлди баҳс-жанжал,
Ҳар ким ўз фикрини ўзи маъқуллар.
Хуллас, бу иншоот фалон нарса деб,
Аниқ бир қарорга келмади улар.

Шунда кимдир деди: — Тўхтанг, шовқин бас!
Бир уй деб эл аро бўлмайлик кулки.
Чизма-планларни текширинг дарҳол,
Лойиҳада номи айтилган балки!!

Чизмалар кўрилиб, на сир, на тилсим —
Муаммо қолмади, огоҳ бўлди эл:
Тикка қурилибди йўлнинг устига
Пиёдалар ўтиш йўлаги — тоннель...

НАҚЛ-МАҚОЛЛАР

Қўлинг киссангга борса,
Порахўр фотиҳага қўл очади.

●

Бақироқ бўлса-да хотининг бари яхши.

●

Семириб-озишга савдогар уста бўлади.

●

Одамларни ёмонласанг, баҳри-дилинг очилади.

●

Уятдан пул кучли.

●

Эр-хотининг жанжалини
Эшик орқасидан эшитган яхши.

●

Меҳмон келса эшикдан,
Чиқиб қочинг тешикдан.

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

Рассом И. ЗОИРОВ

АЙИҚ ВА ТУЛКИ

МАСАЛ

Ўрмонда бошлиқ Айиқ,
Ишлар гумбир, зўр эди.
Унинг ҳам яқин дўсту
Ёронлари кўп эди.

Шу дегандай, саломга
Келди бир кун шум Тулки.
Айиқ билан бир вақтлар
Дўст бўлганди чин Тулки.

Қарши олди Айиқ ҳам
Катта бошин кичрайтиб.
Тўрдан ўрин кўрсатди,
Кўнглин олди сўз айтиб.

— Қани айт-чи, Тулкижон,
Не тилагинг бор мандан?
Дўстлигимиз ҳаққи-чун,
Қайтмайман мен ёрдамдан.

Тулки бироз жим қолиб,
Бундай деди дўстига:
— Сира ёрдам керакмас,
Раҳмат, гапнинг пўсти-да...

Фақат битта тилагим —
Жамоат жам вақтида
Бир яхши сўз айтиб қўй
Тулки дўстинг ҳақида...

— Шуми, холос?..
Айиқ ҳам —
Ваъда берди мақташга.
Бир кун омма олдида
Қучиб-ўпиб, алқашга.

Кунлар ўтиб, ўрмонда
Кетди-ку гап тарқалиб:
— Тулки билан Айиқнинг
Яқинлиги бор, аниқ!

— Бўлмаса, кўп йиғинда
Елкасига қоқарми?
— Оғиз-бурун ўпишиб,
Бир-бирига ёқарми?

— Асли Тулки каллали,
Ақлда у ёлғиз, ток!
— Айиқдан ҳам кўра у
Тушунчали, ишчанроқ!

Шу-шу бўлди, Тулкида
Ортди обрў-эътибор.
У борган жой — намуна,
Ташаббус бор, тартиб бор.

Идорага хат кетди,
Бундай эди мазмуни:
«Илтимос бор, ўрмонга
Бошлиқ қилинг Тулкини...»

ТАРБИЯ КЎРГАН ОДАМ

Мен «одамнинг барча хислатлари туғилишидан олдин, асли зотида бўлади» деган гапга ишонмайман. Бу ёлғон. Бари одамда туғилгандан кейин пайдо бўлади. Масалан, мен туғилишимдан олдиниику қўяверинг, тилим чиқмасдан бурун бирор кишини сўка олармидим? Йўқ! Еки бу сўконғич бола бўлади, деб пешонамга ёзиб қўйилганмиди? Қаёқда дейсиз, сўкишни менга жондан азиз дадажоним ўргатди. Дастлаб тоғамни сўктирди. Кейин қўшнининг болаларини сўкишни ўзим мустақил равишда ўргандим. Нима, улар тоғамдан ортиқмиди? Сўнг, сал эсимни таниганимдан кейин сўкишни билиш менга ниҳоятда зарур эканлигини англадим. Биров кўнглимга ёқмайдими, боплаб бўралатиб сўкаман, шундай сўкаманки, эшитувчи мендай боланинг оғзидан шундай ярамас гаплар чиқаётганидан ҳайратга тушади. Бошини чайқай-чайқай йўлида давом этади. Бундан мен лаззат олиб, бўйим бир қарич ўсгандай бўламан.

«Керак жойда ёқалашсанг ҳам, кишига ҳақингни берма!», деган насиҳатни эса кичик амакимдан эшитганман. Шу-шу ҳеч кимдан қарздор бўлганим йўқ. Одамлар гапга зўр берса, мен муштга зўр берадиган бўлдим. Баъзиларга кучим етмаса-да қўйлагининг бирор парчаси қўлимда қолади. Дадам эса бундан руҳланиб, «ота ўғил» деб мақтайди. Онам эса айиқнинг сурати бор шоколоддан қўлимга тутқазади. Акам бели синмаганлардан биттасини чўнтагимга солиб қўяди. Бунга мен аввалларн музқаймоқ олиб ердим, кейин сигарета олиб чекадиган бўлдим. Демак, шундан менинг ёшимга ёш қўшилганини билишингиз мумкин.

Телефонда сўзлашишни кейинроқ ўргандим.

— Отанг борми? — деб сўрайди телефон қилган одам.

— Ўзидан сўраб кўрайин, борми ёки йўқ экан? — деб жавоб бераман мен.

Дадамдан еган икки шапалоқдан кейин бундай хатога йўл қўймайдиган бўлдим.

Ким дадамни сўраса, ўйлаб ўтирмай «йўқ» дейман. «Қаёққа кетди?» деса, «Билмайман», дейман. Унда «гапимни ёзиб ол», дейди. Мен нима деса ҳаммасини қўлимга ёзиб оламан-да, бирпасдан кейин уни совуқлаб ювиб ташлайман.

Ўқишда менга ҳеч қачон икки қўйилган эмас. Бу тўғрида уйдагилар ҳаммасини гаплашиб қўйишганди. Жисмоний тарбия ва меҳнат дарсларига қатнашмасдим. Бўйни оғрийди деган справкам бор эди. Лекин мактабни битиришда район учун ажратилган олтин медалнинг биттаси менга тегди. Бу бизга арзонга тушдими, қимматгами, билмадим. Тўғрисини айтганда, бунга қизиққаним йўқ... Фақат мактаб директори билан биллур қадаҳимизни чўқиштириб икки марта коньяк ичганмиз, холос.

Институтга киришимда эса, имтиҳонларга кириб-чиқиб юрган биров ўрнимга кириб, беш олиб берган. Кейин ўқишни зўр қилиб ўқидим, йўғе, ўша билан икковимиз бирга ўқидик.

Мана, ҳозир катта бир ресторанинг директориман. Ведомостларга қўл остимдагилар қизил қалам билан белгилаб берган жойгагина имзо чекаман. Газета-журналларни ўқишни ёқтирмайман. Ўқисам, уйқу босаверади. Лекин уйдаги шкафларда муқоваси қалин, номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган чиройли китоблардан қирқ-элликтаси бор. Қани, ким мени саводсиз деб айблай оларди? Айблай олмайди. Сабаби, биринчидан, саводсиз одам ресторанга директор бўла олмайди, мен директорман, иккинчидан, саводсиз одам машина ҳайдай олмайди, менинг эса учта машинам, иккита ҳайдовчилик гувоҳномам бор.

Оилам зўр. Ҳамма нарса етарли. Албатта, мен бу эришган ютуқларим учун дадажонимдан миннатдорман. Эндиликда у киши пенсияда, ҳар икки-уч йилда бир марта хабар олиб турибман.

Болалар эса бир этак. Улар ҳам менинг тарбиямни олиб катта бўлишмоқда. Баъзилари шогирд устоздан ўзибди дегандай, қувликда мендан ҳам ошиб тушади. Масалан, телефонда мени сўрайдиганларга «Дадам йўқ, гапингиз бўлса ёзиб олай», деб айтишади. Сўнг қўлига қалам олмай «ёзиб олишади». Шунда мен телефондаги гапларни қўлимга ёзиб юрганлигимдан афсусланиб кетаман. Уни дадам тарбиясининг чалалигига йўяман. «Ақл ёшдан дегани шу-да!». Кичкинтойларимиз эса йўлдан ўтган одамга тегса тегиб, тегмаса, кесак отиб қолади. Уларнинг қилиқларини кўриб, ёшлигим эсга тушиб, «баракалла, ўғилларим!» дейман. Уларнинг бундан яйраганини кўрсангиз. Болалар қўшниларникига чиқдими, тамом, ўйинчоқларини, ҳар хил буюмларини ё ўғирлаб, ё босиб олиб келади. Чаққон-да, боласи тушмагурлар. Лекин бир нарсадан қўрқаман, шу болалар «кўп китоб ўқиб, мияси суйилиб кетмасин», дейман. Шунинг учун бирортасининг қўлига китоб бермайман.

Ана «туғилишдан олдин зотида бўлади» деган гапнинг ёлғонлигига энди ишондингизми? Тарбиянинг ҳаммаси туғилгандан кейин берилгач, ишонасиз-да, ишонмай қаёққа борардингиз. Мана, ҳали кўрасиз, менинг шу тойчоқларим ё қаҳвахонанинг, ё магазининг директори бўлишади. Сал бундайроғи базанинг экспедитори бўлмаса, отамнинг ўғли эмасман. Нима, бу гаплар уларнинг пешонасига онасининг қорнида пайти ёзилган дейсизми? Йўқ! Ҳамма гап менга отамдан мерос қолган тарбия-да!

Қорақалпоқчадан Камол МАТЕҚУБОВ ва Музаффар АҲМЕДОВ таржималари

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шараф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖУРАЕВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.35
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12